ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

**МАТНАЗАР ХУДОЙНАЗАРОВ**

# ҲОЖИХОН БОЛТАЕВ

*Мусиқа ва санъат олий ўқув юртлари талабалари,
касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейлари ўқувчилари учун
ўқув қўлланма*

Тошкент
2014

*Ушбу ўқув қўлланма Ўзбекистон давлат консерваторияси*
*илмий-услубий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган*
*(Баённома № 6, 2.06.2014)*

***М у ҳ а р р и р :***

**Бахтиёр АШУРОВ –** Ўзбекистон давлат консерваторияси
Ихтисослашган илмий-тадқиқот маркази илмий ходими

***Т а қ р и з ч и л а р :***

**Ботир МАТЁҚУБОВ** – Ўзбекистон давлат консерваторияси
профессор в.б. санъатшунослик номзоди

**Маҳмуджон ТОЖИБОЕВ** – Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори,
Ўзбекистон Халқ ҳофизи

*Мазкур ўқув қўлланмани чоп этилишида кўрсатган беғараз ёрдами учун*
*Бекчонов Муродбек Комилжоновичга ташаккур билдирамиз*

© М.Худойназаров, 2014.

# МУАЛЛИФДАН

Биз бир гуруҳ санъат шинавандалари бўлган илму-толиблар санъат гулшанига атак-чечак қадам қўйган кезларимиз эди.

Ўша пайтларда ном қозонган кўпгина машҳур созандаларга ҳавас билан қарардик, тақлид қилардик. Куй-қўшиққа, мусиқага ташна қалбимда ўша даврларда ўзининг бетакрор овози, ижро услуби, усул-оҳанглари билан бир умрга муҳрланиб қолган санъаткорлардан бири Ўзбекистон халқ артисти Ҳожихон ака Болтаев бўлди. Тақдирнинг тақозоси билан 1966-70 йилларда устоз билан бир ансамблда созандалик қилиб, у кишига шогирдлик килдим. Ундан созандалик сирларини, қочиримларни ўргандим. 1974-78 йилларда М.Харратов номли Урганч мусиқа билим юртида муаллимлик қилиб, устоз маҳоратидан дарс бердим. 1978-86 йилларда Ўзбек давлат филармониясида ишлаган ва Абдулла Қодирий номли Тошкент Давлат маданият олий билимгоҳида Халқ мусиқаси кафедрасида мураббийлик қилаётган ҳозирги даврда ҳам ҳамон устоз Ҳожихон Болтаевдан ўрганган билим ва малакаларимни талаба-шогирдларимга ўргатиб келмоқдаман. Ушбу кичик рисола улуғ устозга бўлган меҳр-оқибатимнинг рамзи сифатида қалб қўридан отилиб чиқди.

## УСТОЗ САНЪАТКОР

Асослари жуда кадимги даврларга бориб тақалувчи, бетакрор, гўзал ва халқ орзу-умиди, нидоси, кайфияти, руҳиятини юксак даражада ифодаловчи ажойиб санъат ҳисобланган Хоразм мақомлари жаҳон халқлари маданияти ҳазинасида алоҳида ўрин тутади. Бу бетакрор халқ санъатини сақлаб қолиш, омма ўртасида тарғиб ва ташвиқ қилиш, келгуси авлодга етказишда Хоразмнинг содиқ фарзандлари, ажойиб истеъдодли санъаткорларидан бири Ҳожихон Болтаевнинг хизматлари беқиёсдир.

Ҳожихон Болтаев деганимизда биргина Хоразм воҳаси, Туркманистоннинг Тошҳовуз, Чоржуй, Мари эмас, балки Қорақалпоғистон Республикаси туманларидан тортиб то Кўнғиротга қадар бўлган улкан сарҳадларда танилган хонанда-санъаткорни тушунамиз. Республикамизнинг маданий маркази бўлган Тошкентда ҳам эл орасида танилган машҳур санъаткорлар Хожихон Болтаевни тан олиб, унинг хизматини яхши биладилар. Чунки у Хоразм воҳаси “Сувора”ларини ижро этишда ўзига хос мактаб яратган санъаткордир. Чунки Ҳ.Болтаев хонандаликда бошқа санъаткорлардан ўз услуби, ўз йўли ва овози билан ажралиб туради.

Ҳожихон Болтаев 1902 йил Хонқа туманидаги Абдуваж қишлоғида этикдўз оиласида туғилган. Улар оилада тўртта оға-ини бўлишиб, энг каттаси Рўзимат, ундан кейингиси Эгам, учинчиси Ҳожихон ва энг кичиги Нурмамат эдилар. Ака-ука ёшлик пайтларидан ашула айтишга қизиққанлар, хонандалик сирларини бир-бирисидан ўрганишган. Катта акаси Рўзимат дутор чалган. Ҳожихон ака ундан дутор чалишни ўрганди. Унгача ашулани ҳеч бир чолғу асбобисиз, қўлига бир таёқ олиб ҳам айтаверган. Ҳожихоннинг хонандалик санъатига кириб келишида оташкурак (олов оладиган асбоб) ҳам сабаб бўлган. Хоразмда олов оладиган нарсани, одатда, оташкир дейишади (яъни ўт ушлайдиган оташкурак). Илгариги пайтларда у асбобнинг учида кичкина темирчаси бўлиб, агар у билан оловни қўзғатсангиз, шиқирлайди. Ҳожихон давраларда, гап-гаштакларда, зиёфатларда шу асбобга усул бериб, уни қўлига уриб, ашула айтиб юрган. Ўғлининг истеъдоди, зеҳни ва мусиқага бўлган ҳавасини сезган отаси Болта бува Ҳожихонни ўз даврининг машҳур ашулачиси, дуторчиси, созчиси ва гармончиси Отажон акага шогирдликка беради. Тез орада Ҳожихон ўз устозидан дутор чалиш ва ашула айтиш сирларини ўрганади.

Ҳожихон ака қўшиқчиликда 1925-йиллар довруғ қозониб, элга танилиб кетади. Унинг элга танилишида 20-йилларда ўтган санъаткорлар Полли дузчи Қуржи ота, танбурчи Совур Маърам каби машҳур созандалардан олган таълими муҳим аҳамият касб этади. Чунки улар билан доимий ҳамкорлик қилиш, жойларда уюштириладиган турли тадбирларда қатнашиш ундаги истеъдод қирраларини очди.

Ҳожихон Болтаев ўзининг биринчи устози Отажон гармончига зўр ихлос қўйган эди. Бу санъаткорни баъзида “Отажон бола” деб ҳам айтардилар.

Ҳожихон Болтаев Рўзмат акасидан илк суворaларни эшитиб юради ва ўзига яраша бир янги услуб топиб, олдинги санъаткорларга нисбатан қўшиқ суръатини тезлатиб, янги нақшлар билан тўлдириб, айта бошлайди. Чунки ҳар

бир ижодкор санъати, ўз даври анъаналарига таяниб, уларни ривожлантиради. Ана шу даврда Полли дузчига ўхшаган санъаткорлар сувораларни жуда оғир услубда айтганлар. Лекин шунга қарамасдан халқ уларни жуда ҳам яхши тинглаган. Ҳатто улар беш-ўн соатлаб ашула айтганда ҳам халқ уларни зерикмасдан тинглаган.

Хоразм хонандалик санъатида айтишув деган ибора бор. Буни халқ “диралишма” дейди. Хива шаҳридаги “Нуриллавой” мадрасасига ўхшаш машҳур масканларда, оломон йиғиладиган жойларда ва Ҳазрати Султонбувага бағишланган, Норимжон бувага аталган сайлларда шунингдек, бошқа шундай зиёратгохларда, байрамлар ва ҳайитлар, Наврўз тантаналарида айтишмалар-диралишмалар бўлган. Бу айтишмаларнинг кўпида Ҳожихон ака қатнашган. У Полли дузчи билан ҳам айтишган. Полли дузчи Навоий, Фузулийнинг ғазалларини яхши билган санъаткор бўлиб, Машраб, Сўфи Оллоёр ғазалларини ҳам куйлар эди.

Ўша вақтдаги санъаткорлар одатига кўра, диралишма ўтказилган бир кечада қанча ашула айтилган бўлса, хеч қачон бир ғазал икки марта қайтариб айтилган эмас. Ҳожихон Болтаевнинг илк ижрочилик репертуари ранг-баранг ғазалларга бой бўлмаган. Шунга қарамай у ёқимли овозга эга бўлиб, сувораларни жуда яхши куйлай олган. У мумтоз шоирлар ғазалларини яхши билмаганлиги туфайли, кўп вақтлар айтишувларда Полли дузчидан енгилган. Чунки бундай айтишувларда агар бир ашула икка марта қайтарилса, унда ижрочи енгилган бўлиб, дуторни ерга қўйиши керак. Қўшиқ айтиш беш соат, ўн соатлаб айтилганда, ҳам бир ғазал икки марта такрорланиши мумкин бўлмаган. У пайтда аудитория – томошабинлар, тингловчиларнинг аксарияти ғазал, муҳаммас, умуман, мумтоз шоирларнинг асарларини тушунадиган одамлар бўлган. Ҳожихон Болтаев ана шундай даврларда етишиб чиққан машхур санъаткорлардан бири эди. Унинг қўшиқчиликдаги энг юксак парвозга эришган вақтларида айтган ашулалари: “Феруз 1-2”, “Қаддим хамлиги”, “Алиқамбар” ва “Сувора” туркумларидан иборат эди. Баъзида у “Савти сувора”ларга иккита, учта ғазалларни қўшиб ҳам айтган. Ҳожихон бир даврада битта ғазални ижро этган бўлса, иккинчи даврада бошқа ғазал билан ўша суворани айтган. Бунинг сабаби шуки, ўша давр ҳофизлари жуда кўп ғазал билганлар.

1940-1945 йиллардан сўнг Хоразм мақомларига меҳр қўя бошлаган Ҳожихон ўша даврнинг машхур мақомчиси Матпано отадан мақом айтиш йўлларини ўргана бошлади. Дастлаб, “Рост” мақомидан “Фарёд”, “Тун оқшом” деб бошланувчи ашулаларни, кейин “Насруллои”, “Чоргох”, “Наво”, “Сегоҳ”, “Дугоҳ” мақомларини Матпано отадан ўрганиб олган Ҳ.Болтаев кейинчалик, Хоразм мақомлари ижрочилигининг 1942-1950 йиллардаги ривожланишга катта ҳисса қўшди. Мақом жанри санъатининг жуда кўп қирраларини ўз ичига олади. Хоразм мақомлари аслида “Олти ярим мақом” номи билан аталади. Ҳожихон чолғу қисмларидан “Сақили Наво”ни, “Дугоҳ” мақомидан “Пешрави Дугоҳ”ни мукаммал ўрганган. У “Мухаммаси Ушшоқ”ни яхши билган ва “Дутор мақомлари”дан “Ровий”ни ижро этган. Ҳар мақомда 20-30 тадан чолғу куйи бўлганда “Олти ярим мақом”да 220га яқин чертим ашула йуллари мавжуд бўлади. Ҳожихон ана шу йулларнинг энг яхшиларини ижро эта билган. Одатда,

айрим санъаткорларни талқинчи, бошқасини суворачи дейдилар. Мақомнинг талқин йўлларини кўпроқ айтган саньаткорга талқинчи дейишади. Сувора йўлини кўпроқ айтганларга эса суворачи дейдилар. Ана шундай қилиб мақомни биров у қисмини айтган, яна биров бу қисмини айтган, хуллас, ҳар ким ўзига лойиқ ва кучи етадиган қисмини танлаб олиб, куйлаганлар. Ҳожихон Болтаевнинг овози кучли, мусиқий ва таъсирчан, баланд бўлгани учун мақомларнинг оғир, энг баланд қисмларини айтган. Ҳожихон ака ҳам созанда, ҳам хонанда, ҳам беназир ғазалхон эди.

Созанда деганда соз чала оладиган, қўшиқ айтганда хониш қилувчи овози бўлган санъаткорлар тушунилади. Ҳожихон ака ана шу хислатларнинг барчасини ўзида мужассам этган жуда зўр созанда ҳисобланади. Кейинчалик, 40-50 йилларга келиб Ҳожихон аканинг кетидан кўп санъаткорлар эргашган. Кутлимурод Ҳожиев, Куронбой бола Расулов, Ханқалик Сотим Авезов, Қувондиқ Искандаров, Ўринбой Отажонов, Рўзмат Жуманиёзов ва мана шу китоб муаллифи каби кўплаб санъаткорлар бевосита хон Болтаевнинг кетидан эргашиб жумҳуриятга танилган санъаткорлар ҳисобланарди.

Хоразмда 1947 йилда Эстрада театри тугатилиб, жуда кўп иқтидорли санъаткорлар вилоят театрига жалб қилинди. Шунда Ҳожихон Болтаев ҳам ана шу театрга ишга ўтди.

1949-йили Хоразм вилоят театрида 50 кишилик ансамбль тузилди. Унда жуда кўп машҳур санъаткорлар қатнашдилар. Ёш, иқтидорли хонанда қизлар, раққосалар, лапарчилар, уста санъаткорлар Мадраҳим Ёқубов (Шерозий), Матпано ота Худойберганов, Бола бахши Абдуллаев, Комилжон Отаниёзов ва бошқа санъаткорлар ўша ансамблининг довруғини танитган санъаткорлардир. Ўша ансамблда Ҳожихон Болтаев ҳам бор эди.

Бу ансамбл Тошкентга келиб, жуда катта обрў қозонди. Ҳожихон Болтаевнинг ашулалари Тошкент, Фарғона томошабинлари томонидан қизғин кутиб олинди.

1951-йил сентябр ойларида Ҳожихон Болтаевнинг ашулалари санъатшунослик институти ходимлари томонидан ёзиб олинди. Матпано ота Худойберганов, Ҳожихон ака ашула айтганда, бошчилик қилиб турган эди. 1951-йилга келиб, Тошкент ва бошқа шаҳарларда концертлар берган Ҳожихон ака репертуаридаги жуда кўп ашулалар Ўзбекистон радиоси томонидан магнит ленталарига ёзиб олинди. Кейинчалик эса унинг овози грампластинкаларга туширилди. Ҳожихон ака ҳам ўз навбатида сермева дарахт сингари шогирдларга бой бўлди.

Ўзбекистон ССР Халқ артисти Назира Юсупова Ҳожихон Болтаевнинг ана шундай шогирдларидан биридир. Назира Юсупова шу кишининг ёнида юриб, ундан санъат сирлари бўйича таълим олган. “Шитоб айлаб”, “Сабо”, “Сегоҳнинг талқини”, “Ростнинг талқини”, “Навонинг талқини”, “Феруз” ва шу кабиларни Ҳожихон Болтаевдан ўрганган эди.

Ҳожихон Болтаев шогирдларига ашула ўргатишнинг ўзига хос услуби бор эди. У ижро учун танланган ғазал ёки мухаммаснинг матнини дастлаб шогирдларига ёздириб, кейин уни ёддан сўрарди. Шундан кейин, ёдланган шеърнинг маъносини талқин қилишни ҳам талаб қиларди. Агар шогирд асар

мазмунини билмаса, ғазал ёки мухаммаснинг мазмунини ўзи айтиб беради. Ана шундай  тайёргарликдан сўнг шу асарни куйга солиб, унга айттирарди. Агар шогирд куйни билмай, сўзини айта олмай қолса, ўзи унга овози билан тушунтириб, ашулани қандай айтиш йўлларини кўрсатиб берарди. Сўнгра шогирднинг ўзи билан бирга жўр бўлиб ашула айтарди. Бундан ташқари, дойра чалдириб, унга қўшилишиб, ҳам ашула айтарди. Ҳожихон Болтаевнинг истеъдодли шогирдларидан бири, Хоразм мақомининг билимдони Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор Матниёз Юсупов шундай хотирлайди: “Мен Ҳожихон Болтаевни 1940-йилдан бери биламан. Хоразмда 1940-йили вилоят  эстрадаси тузилди. Мен ҳам биринчилар қаторида унга таклиф қилинганман. У пайтда 15-16 ёшли бола эдик. Ҳожихон ака ҳам эстрадага таклиф килинган эди: вилоят эстрадасини ташкил қилишда ташаббускорларидан бири Раззоқ ака Мусаев, у кишининг умр йўлдоши Саодатжон опа (Лола опа ҳам дейдилар)дир. Мана шу икки санъаткор олдин Хоразм вилоят театрида ишлаганлар, сўнг эстрадани ташкил қилишда қатнашганлар. Шулар биринчи бўлиб эстрадани ташкил қилдилар. Бу эстрада қишлоқларга, туманларга чиқиб, концертлар берарди. Мен ҳам Ҳожихон ака ишлаган концерт бригадасида ишлаганман. Ҳар сафар ойлаб гастролга кетардик. Сафардан қайтиб келгач репертуарларни янгилардик.

Ҳожихон Болтаев ашула айтиш санъатига берилган киши эди, овозини доимо эҳтиётлаб яхши сақларди. Томошабинларга яхши кўринаман деб, ҳар хил бачкана ашулаларни айтмас эди.

Агар юзта одам бир жойда ўтирса, шунинг тўқсон бештаси тушунмаса ҳам, қолган бештаси тушунса, ана шулар учун қўшиқ айтарди. Ҳожихон ака қарсак, олқиш оламан, деб ҳамма жойда, ким илтимос қилса, ҳар қандай шароитда қўшиқ, куйлайвермас эди. У фақат яхши – забардаст, баланд авжли, мазмунли мумтоз ғазаллар ва мухаммасларнигина ижро этар эди. Ҳожихон Болтаев ўзининг ашула айтиш оҳанги, услубига эга санъаткордир. Устоз ана шу хусусиятини ҳеч йўқотмаган ҳолда ўтиб кетди. Ҳозирги давр санъати бир турлича тарз – гоҳ камайиб, гоҳ юксалиб ривожланмоқда. Ҳозирги ашулачиларнинг аксариятини кўрсангиз, гоҳ эстрада, гоҳ ялла, гоҳ достон, гоҳ халфа санъати йўлларида қўшиқ айтаверади. Унинг ашулачими, достончими, яллачими, эстрадачими хуллас, ким эканлигини билиб бўлмайди. Аввалги пайтларда Шерозийнинг ўз йўл-йўриғи, Ҳожмхон аканинг ўзига хос услуби, Бола бахши Абдуллаевнинг достончилик услуби кабилар бор эди. Шерозий, Ҳожихон ака ва Бола бахшилар ўзларининг услубини ҳеч қачон бузган эмас. Лекин Ҳожихон Болтаев бахшичиликка, яъни достончиларга аралашмас эди.

Илгари Хоразм хотин-қизлар орасида халфалар кўп бўларди. Булардан бири Ожизадир. Онабиби халфа(Ожиза)нинг бу сохада ўз услуби, йўли бўларди. Матпано ота Худойберганов эса мақомчидир. Ҳар бир буюк созанданннг ўз ижро йули, айтиш услуби, мактаби бўлган. У бировга тақлид қилиб ашула айтмас эди. Мисол учун Хазорасп туман ашулачилари айтган қўшиқлари йўлини Ҳазорасп йўли, шунингдек, хеваликлар йўли, урганчликлар йўли дейилиши ҳам фикримизнинг далилидир.

Ҳожихон Болтаевни биз ҳам ўзимизнинг устозимиз, деб биламиз.

Ҳожихон аканинг ёнида соз чалишиб ҳам юрдик. Кўп вақтлар унинг қўшиқларини эшитиб, ихлос билан ўргандик. Устознинг доим ёнида юрардик. Концертлардан кейин колхоз активлари Ҳожихон Болтаевнинг ашуласини эшитиш учун мехмонхона базмига таклиф қилардилар. У ўтириш ва зиёфатларга таклиф этишса бормас эди.

Биз унинг мақом йўлида айтган қўшиқларини жон деб қулоғимиз билан эшитардик. Хоразм мақомларини ёзишда Матпано ота Худойберганов, Ҳожихон Болтаев, Мадрахим Ёкубов (Шерозий), Жуманиёз ота Хайитбоевга ўхшаган кекса санъаткорлар билан маслаҳатлашган ҳолда, камтарликни йўқотмай иш тутган Матниёз Юсупов Хоразм мақомларини ёзиб олган эди. Бинобарин, 70-йилларга келиб, у Комилжон Отаниёзовнинг усулларини ҳам ўрганиб, унинг овозини грампластинка ва магнит ленталарига ёзиб олади.

Ҳожихон айтган мақомлар ўзининг оригинал хусусияти билан ажралиб туради. Масалан, “Катта суворалар” олти-еттитадан кўп, кичик “Савти сувора”лар эса 18-20га яқин. Улар бирини иккинчисига улаб, бирининг авжини бошқасига ўтказиб ҳам айтаверардилар. Овоз ёзганда эса чалкаштириб ёзиш мумкин эмас. Ёки бўлмаса, сувораларнинг ўзига хос паузаси бор. Масалан, “Чапандози сувора”нинг паузасини катта суворанинг паузасига солиб айтиш одат тусига кириб бормоқда. “Савти сувора”ни “Чапандози сувора”га, буникини эса унга ўтказиш мумкин эмас. Биз сувораларнинг чолғу муқаддима куйи ҳақида устоздан сўраганимизда, сувораларни ижро этиб, мана бу пауза “Сувора”ники, мана бу чолғу муқаддима куйи “Чапандози”ники, бу “Як парда”ники деб, бирини иккинчисидан фарқини ажратиб айтганлар.

Биринчи асосий катта сувора “Она сувора” дейилади, ёки “Ўзбек сувораси” дейилади. Баъзида “Тожик сувора”си дейдилар.

1. Она сувора (Катта сувора).
2. Чапандози сувора.
3. Якпарда сувора.
4. Кажҳанг сувора.
5. Қўш парда сувора.
6. Беш парда сувора.
7. Катта сувора.

Савти суворалар: “Савти сувора” I, II, III, IV, V, VI, VII, VIII, IX, X, XI, XII, XIII, XIV, XV ва ҳоказоларга бўлинади.

Кейинги пайтларда айтиладиган “Савти суворалар”, “Уфори савти сувора” I, II. Ундан кейин “Гул уфор савти сувора”лар бўлган. Ҳожихон Болтаевнинг овоз чиқариш услуби, ашулалар айтиш йўллари, нолалари ўзига хос ғазалхонлиги, ашулани тез айтадими, оғир айтадими, суръатларни бир меъёрда ушлашлари фақат ўша кишига тааллуқли эканлигини ҳар қандай санъатсевар тингловчи ажрата олади. Фарғона, Самарқанд ҳофизлари: Мулла Туйчи ҳофиз, Ҳожи Абдулазиз, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов ва шунга ўхшаш кўплаб машҳур санъаткорларнинг ўзига хос услублари бўлган. Ҳожихон Болтаевнинг санъатига Жўрахон Султонов, Мулла Туйчи ҳофиз, Шерозий ота, Комилжон Отаниёзовлар ҳам жуда катта баҳо берганлар, унинг

санъатини жуда юксак даражада баҳолаганлар.

Ҳожихон Болтаев 1949-йил Республикада хизмат кўрсатган артист деган юксак ном олди, 1969-йилда эса Ўзбекистон Халқ артисти унвони берилди.

Ҳожихон Болтаев мақомни ўз услубида айтарди, унинг овоз кўлами катта бўлиб, овозини (мусика тили билан айтганда) биринчи октавада "до"дан бошлаганда иккинчи октава "до"дан ўтиб, учинчи октавадаги "до", "ре"га чиқиб кетарди. Унинг шу даража баланд товуши бўлганки, бу овоз мусиқашуносликда драматик "тенор" дейилади. Ҳожихон Болтаев ашула айтганда бирданига қичқириб авжига чиқариб юбормасди. У овозини олдинига аста-секин паст суръатда чиқариб, қиздириб олгандан кейин, уни соатлаб ҳам тўхтамасдан ашула айтарди. Юқорида таъкидланган сувора йўлларини ҳеч ким Ҳожихон Болтаевдек айта олмаслигини алоҳида уқтириш лозим.

Маълумки, Хоразмда ҳам туйларни битта санъаткор ўзининг шериклари билан ўтказиш расм бўлган. Бу санъаткорга масъулият юклайди, яъни ўз устида ишлашга ҳаракат қилади. Ҳожихон ака катта давраларни ўзининг учта шериги билан ўтказа билган. Уч соат, тўрт соатлаб ашула айтиб, даврани қойил қилиб чиқиб кетган. Улар ашулани ижро этган пайтларда овоз кучайтиргич ва микрофонлар бўлган эмас. Ҳожихон ака очиқ дала жойларда қор, ёмғир ёғиб турган пайтларда ҳам даврани айланиб ашула айтган. Бу одат ҳозирги пайтда нотўғри йўлдан кетди, яъни хоҳ яхши бўлсин, хоҳ ёмон бўлсин – бир жамоани олиб келиб, шу билан тўй ўтказилмоқда.

Ҳожихон Болтаев ҳеч қачон бастакор ва композиторлар яратган асарларни ижро этган эмас. У анъанавий катта мақом йўлларини ижро этган, яъни суворалар, ферузлар, шунингдек, Фарғона-Тошкент мақом йўлларидан "Баёт", "Дугоҳ", "Чоргоҳ"ларни ҳам яхши ижро этган санъаткор эди. Ҳожихон Болтаевнинг ўзи ҳам ҳеч қачон куй басталаган эмас, лекин у халқ куйларига сайқал бериб, шуларни бойитишда, чиройли авжлар қўйишда, нақшлар беришда жуда катта ҳисса қўшган аллома санъаткордир. Ҳожихон аканинг чўнтагида ҳамма вақт ғазал, мухаммас, шеърлар юрарди. Йўлда кетаётганда ҳам ғазалларни ёд олиб юрарди. Шу пайтда бир таниш ўртоғи чиқиб қолиб салом берса ҳам, ҳаёл билан бўлиб ўтиб кетарди, бир пастдан кейин эсига тушиб, салом берган ўртоғи билан келиб ҳол-аҳвол сўрашарди. Бу унинг ҳақиқий ижодкор-ижрочига хос яхши ҳислатларидан бири эди.

Ўзбекистон халқ достончиси, ўнлаб достонларни ёддан ижро этувчи Бола бахши – Қурбонназар Абдуллаев, ўзбек халқ шоири, созанда-хонанда Қурбон ота Исмоилов, машҳур халфа Ожиза, шоира Ана биби Қориева, Хоразм мақомларини ўргатувчи Матпано ота Худойберганов, Мадраҳим Ёқубов-Шерозий (Ўзбекистон халқ артисти), созчи Ҳўжа ота Отажонов, гармончи Жуманиёз ота Хайитбоев ашулачи ва дойрачи Мадраҳим қори, (Мадраим қори), ашулачи гўянда ва созанда, Қаландар Бола, ашулачи ва созанда Ота "шийх", ашулачи ва дуторчи, Бўжон бола (Бобожон бола), ҳажвий қўшиқларнинг моҳир ижрочиси Жуммишийх (Жуманиёз шийх), Туркманистонда хизмат кўрсатган артист Маткарим ҳофиз, машҳур дутор тузатувчи-ҳаррат, Иноят махсум, дутор тузатувчи-ҳаррат, Оллоберган маҳсум, ашулачи ва созчи, гармончи Отажон махсим, машҳур Ҳазорасп тумани мақом мақомчиларидан Ҳожихон ака

Болтаевнинг устозларидан бири Искандар махсум, Хоразмнинг Хонқа қалъасидаги ашулачи ва созандалардан бири, Хўжик бола, дойрачи, ашулачи, кўп йиллар Ҳожихон Болтаев билан ҳамнафаслик қилган устоз, санъаткорлардан Матёқуб ота Отажонов кабилар Ҳожихон Болтаевнинг замондошлари, устоз ва шогирдлари, кейинги ҳамнафаслари эдилар. У ана шу одамлар билан кўп йиллар ишлаган, суҳбатда бўлган. Устоз улар орасидаги истеъдодлиларни рўёбга чиқариб, элга танитган.

Ҳожихон Болтаевнинг икки қизи ва уч ўғли бўлган. Лекин биронтаси ҳам санъаткор эмас. Ҳожихон ака оғир, табиатан маъюс, ғамгин ва эски ўзбек ёзувини яхши биладиган инсон эди.

Ҳожихон Болтаев яхши ҳаёт кечирган. У кишини Хоразм халқи жуда яхши кўрган, ҳурмат қилган. Шу боис, унинг обрўси баланд бўлган. Ҳожихон Болтаев умрининг охиригача, яъни олтмиш тўққиз йил ашула айтган санъаткордир. Ҳожихон ака тингловчилар хоҳишига, уларнинг талабига қараб форс-тожик ғазаллари, мухаммасларидан ҳам кўплаб ижро этган. Масалан, Ҳофиз Шерозийнинг “Агар он турки Шерозий ба даст орад дили моро, ба як ҳолу хиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро” деб бошланувчи ғазалини жуда маҳорат билан айтган. Ҳожихон ака санъат сирларини яхши билган, ижрочилик этикасига қаттик риоя қилган ҳофиз эди. У ҳуда-беҳудага дуч келган жойда ашула айтавермас эди. Овозини ҳам жуда эҳтиёт қилар, асраб айтар эди. Шунинг учун Ҳожихон Болтаевнинг овози бир оҳангда жаранглар эди. У фақат ижрочиликни ўйлаган. Унинг бир истаги ашулаларни халққа чиройли қилиб айтиб бериш эди, холос.

Ўзбекистон халқ артисти Ҳожихон Болтаев Чоржуй шаҳрида 1987-йилда вафот этди. Кўп сонли дўстлари, шогирдларининг ташаббуси билан у ўзи туғилиб ўсган Хоразм вилоятининг Хонқа туманига келтирилиб дафн этилди. Ҳожихон Болтаевнинг ёрқин хотираси шинавандалар, дустларининг, шогирдларининг қалбида абадий сақланиб қолади.

Хуллас, машҳур ҳофиз, Хоразм халқ мақомлари, унинг йирик билимдони, устози Ҳожихон Болтаевнинг шогирдларидан бири Ўзбекистон халқ ҳофизи Қувондиқ Искандаров Ҳожихон ака ҳақида қуйидагиларни хотирлаган эди: “Урушдан кейин, 1946-йилда Ҳожихон Болтаев концерт бригадаси билан концерт қўйишга келдилар, Мени колхоз раиси Мадраҳим Бекназаров Ҳожихон Болтаевга шогирд қилиб топширдилар. Мен 1946-1948 ва 1951-1954 йилларда Ҳожихон акага шогирд бўлиб юрдим. Шогирд бўлиб юрган вақтимда ундан кўп ашулаларни ўргандим ва ёзиб олдим. Шу жумладан, “Феруз I, II, III”, “Савти Феруз”ларни, “Ушшоқ”, “Баёт” каби ашулаларни ёзиб олдим. Сўнгра сувораларни ҳам ўргандим. “Кажҳанг сувора”, “Хуш парда сувора”, “Чапандози сувора”, “Она сувора”. Устоздан ўрганган энг яхши ашулалардан бўлиб қолди. Бу сувораларнинг қайтарма вариантлари 12-та бўлган, буларнинг ҳаммасини диққат эьтибор билан эшитиб, нозик жиҳатларини ўрганиб ўзлаштирганман. 1949-йилнинг охирларида Ҳазораспдаги маданият уйида мусиқа раҳбари бўлиб ишладим. Шу даврлар жуда қийинчилик, очарчилик даври эди. Шундай вақт бўлса хам, Ҳожихон ака ўзининг концерт бригадаси билан колхозчиларга от-арава билан бориб концерт

бериб келардилар. Ҳожихон ака Матпано ота Худойберганов бошчилигида ўзининг концерт бригадаси билан гастролга борарди, сўнг Ташсоқа канали, Байрам соқа канали, Темирйўл курилиш жойларига бориб колхозчи, ишчиларга ўзининг санъати билан хизмат қилар эди”.



*Ўтирганлар:* (чапдан) Назар Отажонов, Оллоназар Ҳасанов, Рўзимат Бекжонов, Куронбой Бобожонов, Ансамбл бадиий раҳбари Ўзбекистон Халк артисти Ҳожихон Болтаев, Нурмамат Болтаев, Ҳожи Бобожонов, Аҳмад Жуманиёзов; *Тик турганлар:* (чапдан) Солай Маткаримов, Абдушариф Вафоев, Бекжон Отажонов, Ўринбой Отажонов, Аҳмаджон Машарипов, Матназар Худойназаров, Рўзимат Жуманиёзов, Солай Ражабов, Султон Собиров.

Устоз Ҳожихон Болтаев ташаббуси, жонкуярлиги, фидоийлиги билан 1966-йил Урганч шаҳар маданият уйи қошида мақомчилар ансамбли тузилди. Бу ансамблга бевосита ўзи раҳбарлик қилди.

Бу ансамбл Ҳожихон Болтаев фидоийлиги ва ташаббуси билан “Наво”, “Рост”, “Бузрук” мақомларининг ашула йулларини ўрганди.

Ўша вақтларда бу ансамбл жамоаси Урганч шаҳар истироҳат боғида кўп маротаба концертлар берарди. Ҳожихон ака Урганч шаҳар радио ва телевидениесида бир қанча чиқишлар қилди. Кейинчалик, “Огаҳий” номли мусиқали драма ва комедия театрида катта концертлар қўйиб, эл назарига тушди, вилоят миқёсида ўтказиладиган қурултойларда, байрамларда концертлар берди. Бу ансамбл тезда кўзда ташланиб, катта обру қозона борди.

Ансамбл ижро дастурини тайёрлашда Ҳожихон Болтаев жуда катта ҳисса қўшди. Мақомларни тайёрлашда Нурмамат Болтаев, Рўзмат Жуманиёзов, Оллоназар Ҳасановларнинг ҳиссасини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Ўша вақтдаги мақом ансамблида қатнашган хонандаларнинг овози жарангдор ва кучли эди. Ҳозир шу хонандалар Хоразмда кўзга кўринган ашулачи-

мақомчилардан, созандалардан ҳисобланарди. Масалан, Рўзмат Жуманиёзов Хоразм вилоят радио ва телевидениеси қошидаги ансамблида мақом ўргатувчи ва ашулачи, Ўринбой Отажонов ҳозир Урганч тумани Наримонов номли жамоа хўжалиги ансамбли мусиқа раҳбари, Абдушариф Вафоев Урганч шахар маданият уйи қошидаги ансамблнинг зўр ашулачиси эди. Бекжон Отажонов эса, Хоразм вилоят Огаҳий номидаги мусиқали драма ва комедия театрининг яккахон-ашулачиси.

Нурмамат Болтаев Хоразм вилоят Боғот туман Наримонов номли жамоа хўжалиги қошидаги “Қалдирғоч” ансамблининг мақом ўргатувчиси бўлган, Аҳмаджон Жуманиёзов эса, Урганч шаҳар маданият уйи ансамбли солисти, Матназар Худойназаров Тошкенг Давлат Маданият институти халқ мусиқаси кафедраси катта ўқитувчиси сифатида халқ қўшиқчилигидан дарс беради. Солай Маткаримов Ҳазорасп туман маданият уйида узоқ йиллар ишлаган.

Оллоназар Хасанов Урганч шаҳар 2-мусиқа мактабида ғижжакдан дарс беради. Рўзмат Бекжонов Хоразм вилоят Урганч туман Калинин жамоа хўжалиги “Навбаҳор” ансамблининг бадиий раҳбари. Қуронбой Бобожонов кўп вақтлар Хоразм вилояти Огаҳий номидаги мусиқали драма ва комедия театрида ишлаган, таниқли қўшнайчилардан бири. Ҳоживой Отажонов Урганч шахар маданият уйида мусиқачи, ғижжакчи эди. Султонбой Собиров хонанда ва ўткир дуторчи бўлиб, Ургаич шаҳар 2-мусиқа мактабида дарс беради. Аҳмаджон Машарипов ҳам мақомчилар ансамблини тузишда катта ташаббускорлардан бири бўлиб, ҳозир Урганч шаҳар 2-мусиқа мактабида ғижжакдан дарс беради. Солай Ражабов Хоразм вилоят Янгиариқ туман ансамблининг етакчи ашулачи ва дойрачиси.

Хуллас, Ҳожихон Болтаев ташкил қилган Хоразм мақомчилар ансамбли кейинги давр Ўзбек маданияти, хонандалик санъати ривожида катта аҳамият касб этди, десак муболаға бўлмайди. Чунки ҳозирги пайтда фаолият кўрсатаётган Хоразм воҳаси мақомчилари Ҳожихон Болтаев услубида мақомларни ижро этишиб, халқимиз хурматига сазовор бўлишмоқда. Хоразм телевидениеси қошидаги мақомчилар ансамбли Ҳожихон ака анъаналарини давом эттириб, у киши яратган куй ва ашула йўлларини даврга мос ҳолда ривожлантириб, катта муваффақиятга эришдилар. Шунингдек, Хива туманидаги “Феруз” мақомчилар ансамбли ҳам Ҳожихон Болтаев ижро этган халқ мусиқаси, ашулаларини ўз ижро дастурига олиб кириб, ўзбек маданиятимизни оламга танитишда ўрнак кўрсатаётганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Ҳожихон Болтаевнинг хонандалик санъати анъаналаридан бахраманд бўлиб, бу улкан санъаткоримизнинг ўгитларига амал қилган ҳар бир санъаткор ҳеч қачон халқ ўртасида обрўси тушмай, доимо қўшиқсеварлар қалбидан ўрин олаверишини юқорида номлари зикр этилган санъаткорлар ижодларида ҳам кўриш мумкин. Хоразм воҳаси ўзбекларининг ўзига хос маданияти, санъатини кейинги авлодларга етказиш, унинг ўлмас хизматларини эъзозлаш ва маданий қадриятларимизга ҳурмат билан муносабатда бўлишда Ҳожихон Болтаевга ўхшаганларнинг фаолияти маёқ вазифасини ўтайди. Бундан ташқари, ўтмиш маданиятимизнинг илғор анъаналаридан, ижодий баҳраманд бўлиб, юксак

инсонпарвар руҳдан маданиятимизни янада ривожлантиришда Ҳожихон Болтаевдек устозлар меросидан фойдаланиш масаласи давримизнинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

Ушбу сатрлар муаллифи ҳам бир невара шогирд сифатида устознинг ҳурматини бажо келтириб, Ҳожихон аканинг шогирдлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Матниёз Юсупов ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қувондиқ Искандаров изидан бориб, ушбу кичик рисолани тузиб, муҳтарам ўқувчилар эътиборига ҳавола этдик. Албатта устознинг ҳаёт йўли, ибратли ижрочилик маданияти катта-катта рисолаларда ёритилиши лозим. Бизнинг ушбу рисоламиз эса ана шу улкан мақсад йўлдаги илк қадамлардан бири сифатида қабул қилинади ва баҳоланади, деган умиддамиз.

## ҲОЖИХОН БОЛТАЕВ МЕРОСИ

Ўзбекистон Халқ артисти Ҳожихон Болтаевнинг репертуаридан намуналар[1].

**Катта сувора:**

1. “Мани олам аро мажнуни бесар қилдию, кетди”. Машраб мухаммаси.
2. “Жамолинг шавқида ёқди фалакни ўтлиқ афғоним”. Огаҳий мухаммаси.
3. “Кўнгул шод ўлди”. Навоий ғазалага Огаҳий мухаммаси.

Якпарда сувора:

1. “Мақом этдинг алифдек жон аро, гул юзли жаноним”. Партав мухаммаси.
2. “Нигоро, файмолинг ҳар дили жон ўлди бир манму”. Муқимий газалига Партав мухаммаси.
3. “Фалакким яхшилар базмида қадримни баланд этмас”. Навоий ғазалига Огаҳий муҳаммаси.

Чапандози сувора:

1. “Қаро кўзи ҳамдамим оромижоним сан”. Комил Девоний мухаммаси.
2. “Хуш келдинг, салом, эй шами маҳфил, матлайи анвор хуш келдинг”. Партав мухаммаси.
3. “Не ғурбатларни чекдим чархи бебунёд дастингдан”. Машраб мухаммаси.
4. “Муродумдур анингла сайр қилсам васли боғида”. Марами мухаммаси.
5. “Кел, эй соки, манга кўп тутмагил бу жоми шарбатни”. Сайқалий мухаммаси.

Хуш парда сувора:

1. “Шахсуворим ким қуёшдин ҳусни майдонида бўл”. Амирий ғазалига Огаҳий мухаммаси.
2. “Не бўла олдим ғами уқбо саранжоми билан№. Навоий ғазалига Огаҳий мухаммаси.
3. “Найларам боғу чаман сайрида жонон бўлмаса”. Ҳислат мухаммаси.

Кажҳанг мувора:

1. “Қонга ботсин жисмим ишқ ўтига сузон бўлмаса”. Девоний мухаммаси.
2. “Келгил эй, кулбамга эй ёр, ёр қурбонинг бўлай”. Огаҳий мухаммаси.
3. “Ҳар китоби ким лаби лаълинг ҳадисин ёзалар”. Фузулий ғазалига Бедил мухаммаси.

[1] Изоҳ: Ҳожихон Болтаев ижро этган ушбу ашулалар Матниёз Юсуповнинг Хоразм мақомлари китобидан олинди.

Савти суворaларга айтган ғазаллари:

1. “Кўнглума бир гул ғамидин санчилибдур хорлар”. Мунис ғазали.
2. “Дилрабо ҳуснингни кўрган бормикин”. Машраб мухаммаси.
3. “Ҳар китоби ким лаби лаълинг ҳадисин ёзалар”. Фузулий ғазали.
4. “Фалакким яхшилар базмида қадримни баланд этмас”. Навоий ғазалига Огаҳий мухаммаси.
5. “Эй кишвари ҳуснинг ичра жойим”. Девоний мухаммаси.
6. “Ул юзи гул нигорининг меҳри жамолини кўринг”. Огахий ғазали.
7. “Махмурлигинг ончунон этиб кет”. Нодира ғазалига Залили мухаммаси.
8. “Эй севги санам”. Бедил шеъри.
9. “Дам бу дамдур ўзга дамни дам дема” Ахмадий ғазали.
10. “Ишқ”. Партав мухаммаси.
11. “Бир ой ўтди мани”. Навоий мухаммаси.
12. “Кўргани ҳуснигни зору мубтало бўлдим сенга”. Навоий ғазали.

Феруз I куйига Огаҳий ғазали билан ўқиладиган “Ул чашми жаллод устина” ашуласи.

Феруз II куйига Огахий ғазали билан ўқиладиган “Қошу кўзинг” ашуласи. “Сўнг”, “Савти феруз”лар куйига ўқиладиган ғазаллар.

“Келмакчидур”. Ҳ.Ниёзий ғазали “Хуш келдингиз”. Аваз Ўтар ғазали “Бечора бўлмишам”, “Рок” куйига ўқилган Навоийнинг “Парво айласа” ғазали.

“Келдилар карам айлаб”. Халқ мусиқаси, Огахий ғазали.

“Оразбон”. Халқ куйи, Машраб шеъри “Токай мани бечорага бу дарду аламдур”.

“Харгиз” рост мақомининг сабоси. Навоий ғазали.

“Хайрона солибсан”. Халқ мусиқаси, Машраб ғазали.

“Санамо юзинг бехиштдин”. Халқ мусиқаси, Машраб шеъри.

“Ҳардам манга юз жафо қилурсан”. Огаҳий ғазали, халқ мусиқаси.

“Ғам тунида зорингман”. Огаҳий ғазали.

“Ёрима айтинг”. Огаҳий ғазали.

“Ғазал дарёси тушибдур”. Огаҳий ғазали.

“Жонинг учун жонима раҳм эт”. Огаҳий ғазали.

“Хуштур баҳор”. Огаҳий ғазали.

“Таркисар этдим”. Машраб мухаммаси.

“Ишқингда куймас ҳеч ким”. Машраб мухаммаси.

“Руҳи жоним”. Машраб ғазали.

“Кўрдим юзингни”. Машраб ғазали.

“Офатижоним”. Машраб ғазали.

“Санам кўрсатиб”. Машраб ғазали.

“Кўнглум ўртансун агар”. Навоий ғазали.

“Шитоб айлаб”. Навоий ғазали

“Куйинг боғида”. Навоий ғазали

“Ўлтурғуси". Навоий ғазали.

Ҳожихон Болтаевнинг граммпластинкага тушган ашулалари:

“Як парда сувора”. Навоий ва Огаҳий шеърлари.

“Савти як парда сувора”. Баёний ва Девоний сўзи.

“Хуш парда сувора” ва “Савти хуш парда сувора”. Амирий ва Огаҳий шеърлари.

“Кажҳанг сувора”. Девоний сўзи.

“Чапандози сувора” ва “Савти чапандози сувора”. Маҳрамий ва Машраб сўзлари.

“Катта сувора ва Савти сувора”. Муҳлис ва Партав сўзлари.

Озод (Икром) ИБРОҲИМОВ[2]

## ШАЙХ САЙЙИД АТО ХОНАҚОСИНИНГ БУЛБУЛИ

Илоҳий айтимлар ҳакида сўз борганда, хонақо ва булбул алоҳида рамзий маъно касб этади. Мавзуимизни ёритиш учун бу сўзларнинг маъносига қисқа изоҳ бериш зарур.

Хонакоҳ — Аллоҳнинг уйи, муқаддас саждагоҳ. Шайх Саййид Ато ўғиллари қурдирган хонақохда хамма вақт намоз ўқилиб, тиловатлар қилинган. Яссавийлик тариқати, яъни жаҳрий зикр киладиган сўфийлик оқими вакиллари тўпланиб зикр қиладиган табаррук, макон бу. Хонақох атрофига аҳоли кўплаб кўчиб келиши натижасида кичкина қишлоқ шаҳарга айланган. Шундай қилиб, ўша шаҳарни Саййид Ато хонақохига нисбатан Хонақо дейдиган бўлишган, сўнгги вақтларда бу шаҳар талаффузда Хонқа тарзида ишлатила бошлаган. Хонқа буюк инсонлар туғилиб ўсган макон, табаррук маскан.

Булбул, айтишларича, бошқа қуш тухумидан пайдо бўлиб, кейинчалик Аллоҳнинг мўъжизаси ўлароқ булбул бўлиб эвриларкан. Яратганнинг ўзи унга ҳеч жонзотда йўқ ноёб овоз ато этган. Бандалар унинг овозидан ҳузур-ҳаловат топсинлар учун обод ва кўркам жойларга унинг маконини мушарраф айлаган. Булбул ўзидан-ўзи шундайлигича булбул бўлавермайди. Кўп мехнат, машаққат чекиб, кеча-кундуз тинмай меҳнат қилгани туфайли овози сайкалланиб, беқиёс овозли «булбул» нисбасини олади. Халқ ҳам беҳудага ҳофизларга таъриф беришда «булбул» нисбасини ишлатмайди. Унинг тагида тинимсиз машк, уйқусиз тунлар ётади. Аллоҳ бандасига овоз ато этади, лекин маромига етказиб овозга сайқал бериш ҳофизнинг ўзига боғлиқ. Шу меҳнатлари ва чеккан риёзатлари туфайли хофиз «булбул» нисбасини олса ажаб эмас.

Биз хонақоҳ ва булбул ҳақида сўз юритар эканмиз, хонақоҳ пойи қадамида таваллуд топган, пири комиллар руҳидан ҳиммат-истионат етиб, пири комиллар дуосини олган, оддий халкдан чиқиб хон, эшон нисбасига сазовор бўлгаи замондошимиз, буюк ўзбек хофизи, Хоразм суворий йўлларининг пири устозимиз Ҳожихон Болтаев тўғрисида, билганимизча, сиз билан мулоқот қилмоқчимиз.

Аллоҳнинг иноятн билан ҳазорасплик Машарипжон пир Хонқа зиёратига келиб қолади. Намозу тиловатлардан сўнг, ўзаро дунёвий мавзуларда суҳбатлар бошланади. Ана шунда даврадагилардан бири Болта этикчининг ўртанчи ўғли Ҳожибой ҳақида гап очиб, унга яхши таърифлар беради. Машарипжон пир бунга қизиқиб қолиб, Ҳожибойни ҳузурига келтиришларини сўрайди. Ҳожибойнинг ҳали бундай давраларни кўрмаган, бундай катта ахли маърифатлар даврасида ўтириб-туриш қоидадарини яхши билмайдиган ёш пайти.

Машарипжон пир аслида, адабиётчилар, санъаткорлар ҳомийси, рахнамоси бўлган. Ўша даврда адабиётчи-ю санъаткорлар билвосита ёки бевосита Пирдан дуо олиб, хизматида бўлиб, ундан таълим-тарбия олганлар. Ул

[2] Навосоз юракдан ўлмас наво. Т., “Мусиқа” нашриёти, 2005. 25-б.

зот ислом фалсафаси ва тасаввуфининг чуқур билимдони, аруз вазни, санъат ва мусиқага алоқадор билимлари билан Хоразмда кароматлар кўрсатиб, халқ ҳурмати ва ихлосига сазовор бўлган сўнгги пирлардан эди.

Пойгакка келиб ўтирган Хожибойдан ҳол-аҳвол сўрашиб, дуо қилганларидан сўнг Пир ундан битта хониш қилиб беришни сўрайди. Ҳожибой ўзи билган ғазал ва мухаммасларни куйлаб беради. Ҳазрат бунақа ширин ва ёқимли овоздан ниҳоятда мутаассир бўлади. Хонандаликни давом қилдирсанг, деб маслаҳат ҳам беради. Ҳожибойнинг ҳам нияти шу бўлса-да, лекин отаси ҳеч қаёқка юбормаслиги мумкин эди. Чунки уни отаси этикчи қилмокчи эди. Ҳожибой ёшликда ўта тиришқок, зеҳнли, хушфеъл ҳамда меҳнаткаш бўлган. Пир ҳазратлари Болтабой акани хузурига олиб келишларини илтимос килади. Болтабой ака хонақоҳ бўсағасига келиб таъзим бажо келтириб туради. Юртнинг улуғлари – саййид, хўжа, шайх, пирлар ўлтирганидан у хижолат ҳам чекади. Шу ернинг оқсоқоли Болтабой акага Ҳожибойнинг Аллоҳ берган иқтидори борлигини, овози сайқал топиб, хонанда бўлиб етишса, халкқа фойдаси бўлишини тушунтиради. Болтабой ака ўғли қўлга кириб қолганини, уни этикчи қилмоқчилигини айтиб, бу таклифга кўнмайди. Ҳазрати Пир орага қўшилиб, “Аллоҳ таоло фарзандигингизга бошқача назар қилган. Унинг янада ўсиб-улғайиши, халқка буюк хизматлар қилиши учун оқ фотиҳангиз керак. Уни ўзим тарбият қиламан”, дейдилар. Ота Пирнинг бир оғиз гапига кўнади.

Машарипжон пир ҳузурида уч йиллик риёзат Ҳожибой ҳаётида кескин бурилиш ясади. Энди у устод-шогирд, пири комил, ҳар хил ҳунарлар, одамлар билан муомала, ислом дини асослари, адабиёт, ғазалиёт, мусиқа тарихи, хонандалик йўналишлари – ҳамма-ҳаммасидан хабардрр бўлади. Аввал у араб ёзувини ўрганади, ғазаллардаги араб ва форс сўзларининг маъноларини чақишни устози бир-бир ўргатади. Хуллас, Ҳожибой учун уч йиллик риёзат бутун умрига татийдиган дорулфунун вазифасини бажарди. Бутун умри давомида Пири унга маънавий раҳнамолик қилди.

Ҳожибой пири комил ҳузурларида юрган пайтида Хива шаҳри ташқарисида рўза хайит байрами ўтказилади. Катта бузрук зот остонасида байрам ўтказилаётган маконга гўё бутун оламдан одамлар йиғилгандек. Дарбозу масхарабозлар, халфа-ю яллачилар, достончи-ю суворийчилар ўзларининг ҳунарларини кўрсатиш билан банд. Томошалар ҳам охирлаб қолганда, навбат хонандалар айтишувига келади. Ўрта қаторда ўтирган Машарипжон пирдан рухсат олишиб, давра очилиши керак. Лекин у ўз муридларидан саналмиш, ўз даврида хонандалар орасида унга тенг келолмайдиган гўянда, шоиртабиат Полли дузчи (Полвонназар ота)ни олдига чақиради. Ҳазрат унга “Сен билан бугун муридларимиздан Ҳожибой дийралишма этади. У ҳали ёш. Сенчалик тажрибага эга ҳам эмас. Шунинг учун уни аяб, жуда баланд пардаларга чиқмасдан хониш килавер! Бизнинг сендан илтимосимиз шу!” дейди-да, кейин ҳофизлар ишига кушойиш тилайди. Дийралишма бошланади. Бири катта ҳофиз, Хоразм булбули. халқ назарига тушиб улгурган. Иккинчиси эса ҳали ёш, тажрибаси йўқ. Аммо ўта тиришқоқ. Ҳали кўп сўз, кўп ғазал билмайди. Бироқ овозининг бор қудратини ишга солиб, ашуланинг авжларида ҳар бир сўзга зарб билан урғу бериб, ўзининг ноёб

ҳислатларини намоён қилиб ўтирибди.

Шайтон вас-васасиданми, куй завқ-шавқиданми, Полли дузчи дуторини икки парда баландлатиб, Хожибойни ўрта йўлда қолдириб, ёниб-куйиб, ўзи ҳам маза қилиб, баланд авжларга чиқиб, секин-аста даромадга тушиб, қўшиқни тамомлади. Унинг Пирга берган ваъдаси эсдан чиққан эди. Халқ сув қуйгандек жим қолади. Пир дуога қўл очади. "Полвонназар, сенинг охиринг йўқ. Бундан ортиқ сўз десак бўлмас. Ҳожибой эса Хоразмнинг келажаги, то ўлгунча овози шу тақлид жаранглаб турсин", деб дуо қилади.

Машарипжон пирнинг дуоси мустажоб бўлди. Ҳожихоннинг овози то қазо килгунича бир хилда – залворли бўлиб сақланиб қолди.

Раҳматжон Қурбонов,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

## СУВОРАЛАР ҲАҚИДА[3]

Соз санъатининг Сувора жанри, тасаввуф, яъни сўфийлик оқимининг мусиқа санъатидаги кўринишидир. Суворалар, қадимда диний сўзлар билан айтилиб, сувора айтадиганларни «гўянда» деганлар. «Гўянда» сўзининг маъноси «айтимчи» демакдир.

Суворaларда фақат Оллоҳ мадҳ этилган ва Оллоҳ улугланган. Тасаввуф йўлидаги мусиқий санъатни намоён этувчиларга дарвешлар, қаландарлар, аза кунларида айтим айтиб, азадорларга таскин бўладиган сўзларни оҳангга солиб куйловчилар, яъни халфалар, қаландархоналарда Суворалар куйлайдиган гўяндалар, мавлуд ўқилганида бирорта қиссани ёки Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) ҳаётларига оид воқеаларни оҳангга солиб ўқийдиган қиссахонлар, худо йўлида нола этиб, бор овози билан, усулсиз оҳангда катта ашула айтувчилар киради.

Ислом динида мавлудларда жаноб Пайғамбаримизнинг туғилган ойларида у кишига бағишлаб қайсидир авлиё-ю анбиёларимиз, шоирларимиз битган қасидалар, қиссалар ёки пайғамбаримиз ҳаётларига оид ҳикоялар оҳангга солиб ўқилган. Бу қасида-ю қиссаларни тинглаган кишилар насиҳатлардан ўзларига хулоса чиқариб, динимизнинг ҳақ дин эканлигига яна бир марта имон келтирганлар, йўлдан адашганлар эса тавба қилиб, Ҳақ йўлга кирганлар. Мавлудларда кўпинча «Шоҳ Машраб» қиссаси, «Иброҳим Адҳам» қиссаси, «Кийикнома», «Жуҳуд ўғлон» каби наътлари ўқилган.

Суворалар, мақомлар ва бошқа мусиқий жанрлардан фарқди ўлароқ қаландархоналар, хонақоҳларда ва тасаввуф йўлидаги кишилар давраларида куйланган. Устозларимиз Суворaларнинг ритм, доира усуллари отнинг оёқ товуши ҳолатидан олинган дейишарди.

Қадимда Хоразмда отчилик жуда ривожланган. Хоразм отлари дунёнинг машҳур, зотдор отлари қаторида саналган. Хоразмда Ҳазорасп деган юртнинг

[3] Раҳматжон Қурбонов. Санъатнинг сирли олами. Санъатнома 1. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Т., 2011. 44-бет.

борлиги, унинг қадимги туркий қабилалардан Ҳазор ва Ос уруглари бирлашувидан ташкил топганлиги ва улар отлиқ жангчи уруғлар эканлиги тўғрисида ривоятлар бор. Шунингдек, Хазорасп сўзи форсийда “минг отлиқ” деган маънони билдиради.

“Сувора” сўзи ҳам айнан “суворий” сўзидан келиб чиққанлиги бежиз эмас. Оллоҳ инсонга отни ёрдамчи қилиб, дўст қилиб ва транспорт воситаси сифатида юборганлиги улуғ бир неъматдир. Шунинг учун ҳам мусиқа санъатида от билан боглиқ асарлар жуда кўп учрайди. Суворaларнинг бизгача бешта асосий йўли ва йигирмага яқин савти сувора ва уфори суворалари етиб келган. Бундан ташқари, сувора атамалари мақомларимизда ҳам учрайди. Асосий Суворaларнинг ҳозирги кундаги кўриниши қуйидагилар:

1. Она сувора (катта сувора, тож сувора ҳам дейилади).

2. Чапандози сувора (бу сувора номланиши “чавандоз” деган сўздан келиб чиққан бўлса ажаб эмас).

3. Як парда сувора (яъни бир парда қочирими бор деган маънода).

4. Қўш парда сувора. Бу суворани “Хуш парда сувора” ҳам деб юритишади. Агар бу сувора қўш парда бўлса, унинг иккита пардаси, яъни иккита қочирими бор. Агар бу сувора хуш парда сувора деб юритилса, унинг хуш парда сўзига лойиқ, ёқимли пардалари бор.

5. Кажҳанг сувора. Бу суворанинг номидан маълумки, бу суворада ҳамма ҳофизлар ҳам уддалай олмайдиган, бир қайсар авжи, яъни оҳанги бор. Мен устозлардан эшитганимга қараганда, бу Сувора Бекчон бола деган бир гўянда томонидан яратилган. Бошқа устозларнинг айтишича, бу Сувора Хоразмнинг моҳир дуторчиси ва тўяндаси Бобожон бола томонидан яратилган.

6. Сувораи Комил. Бу сувора “Олтинчи сувора” деб номланган. Уни Комилжон Отаниёзов яратгани учун “Сувораи Комил” дейишади.

7. Қорчмоний сувора. Ҳожихон Болтаев ижодига тааллуқли асар бўлиб, устоз таваллуд топган Хонқадаги Қорчмон қишлош номи билан аталади.

8. Индамас сувора. Устозимиз Қувондиқ Искандаров ижодига мансуб бўлиб, ғазал номи билан юритилган.

9. Гўжайи сувора. Хонанда ва созанда Озод (Икром) Иброҳимов томонидан яратилган ва ижодкор тутилган қишлоқ номи билан аталган.

10. Ним парда сувора. Бу суворани ушбу сатрлар муаллифи яратган. ”Ним парда сувора” деб номланишига сабаб, юқорида санаб ўтилган суворaларнинг кўпчилиги мусиқанинг мажор йўналишига мансуб. Ним парда сувора эса минор йўналишида яратилган бўлиб, кичик, яъни ярим парда қочирими бор, деган маънони беради.

# КОМИЛ АВАЗ
# (1931)



## ХОРАЗМ СОЗИНИНГ ЯКПАРДАСИ
(Ўзбекистон халқ артисти Ҳожихон Болтаев
сиймосига чизғилар)

Ўзбекистон халқ артисти, “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби, машҳур ҳофиз Ҳожихон Болтаевнинг таваллудига бу йил 110 йил тўлади. Ҳофизнинг туғилган йилини ҳар ким ҳар хил ёзади. Ўзлари қатнашган давраларда такрор-такрор эшиганим, у кишининг таваллуди 1902 йил. Лекин, Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма теаатрида узоқ йиллар ишлаб, нафақага чиқиш санаси – 1964 йил. Демак, у кишининг кадрлар бўлимидаги меҳнат дафтарчасида (туғилиш гуқоҳномасига биноан) туғилган йили 1904 йил. Шунинг учун ҳам биз юқорида Ҳожихон ака таваллудини 110 йил дея рақам қилдик. Ҳофизнинг меҳнат дафтарчасида қайд қилиниш керак бўлган уч муҳим воқеа қайд этилмаган, яъни 1949 йили у Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, 1966 йили Ўзбекистон халқ артисти унвонларига мушарраф бўлган ва Президентимиз фармони билан 2004 йилда “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланган. Бу унвонлар ҳамма санъаткорларга ҳам насиб этавермайдиган улкан мулкдир.

“Якпарда” сўзини ҳар ким ҳар хил тушунади. Ҳар бир сўз дур, инжу янглиғ серқиррадир. Унга қайси томондан, қандай урғу берсангиз, шундай жилоланади, ҳатто бошқа маъно ҳам касб этади. “Якпарда” сўзи ҳам худди шундай, мусиқий тилда у бир парда деб тушунилади. Эшитишимзча, қадим созандалар дуторнинг очиқ пардасини ўзининг овози даражисига мослаб созлаган ва шу очиқ пардадан “Якпарда суворий” қўшиғини бошлаган: Ҳожихон акадан машҳур гўянда Полли дузчи ҳақида сўрашганда: “У киши дуторни созлаганда шундай тортар эдики, торлар узилиб кетармикан дердингиз”, дея сўровчини ҳайратга солганига гувоҳ бўлганмиз. Демак, “Якпарда” – пардаларнинг боши. Хоразм мақомлари “Рост” (Якпарда) билан

бошланиши ҳам бежиз эмас экан. Лекин “Якпарда” сўзига бадиий нуқтаи назар билан созандаларга нисбатан қўллаб, Ҳожихон акани Хоразм созининг, созандалигининг якпардаси деса яхши бўлар экан.

Хонқа марказидаги қаричмонлар маҳалласида дунёга келган ҳофизнинг отаси  Болта бува моҳир этикдўз уста бўлган. У киши ўғиллари ичида Ҳожихонни этик тикишга қўли келганиданми: “Сен яхши этикчи бўладуғин ёғдайинг бор, касбли одам хор бўлмайди, шу ҳунарни маҳкам эгалла”, дейди. Ёшгина Ҳожихон ҳам отаси айтганидек, этикдўзликка меҳр билан киришади. Не ажабким иқтидорли одамлар нимага қўл урмасинлар, шунинг уддасидан чиқадилар. Худди шунингдек, Ҳожихон ҳам эикдўзлик касбин пухта эгаллай бошлайди. Отаси унинг тиккан этикларидан хурсандлигини яширолмайди. Лекин, санъат оламининг, қўшиқчилик оҳангининг тилсими, унинг қалбини кўпроқ эгаллай бошлайди.

Болта отанинг тўртов ўғли ҳам (Рўзмат, Ҳожихон, Эгамберган, Нурмамат) етук сознадалар қаторига киради. Рўзмат моҳир дуторий, Ҳожихон йигитлик чоғининг илк қадамлариданоқ, “Машарифжон пир дуо қилган қўшиқчи” деган ном билан эл оғзига тушди. Эгамберган етук созанда бўлиб етишди. Нурмамат ҳам моҳир дуторий созанда бўлиб танилди.

Ҳожихон ака йиллар давомида шуҳрати ошиб бораверди. У киши ўз касбига ўта масъулиятли, шуҳратли созанда бўлиши баробарида ўта камтарин, камсуқум ва эл хизматига ҳамиша камарбасталик билан жавоб берган улкан шахсдир. Ҳофизнинг энг ибратли, катта ютуғи санъатга хиёнат қилмай, театрнинг тартиб-интизоми, ҳар кунги репетициялар, спектакллар билан бўладиган машаққатли гастроллар боис оғир кунларида ҳам саҳнадан оёғини узмади, нафақагача ҳалол хизмат қилди..Ҳофиз 1964 йили нафақага чиққач, Урганч шаҳр маданият бўлими қошида тузилган мақомчилар ансамблига раҳбарлик этиб, халқимизнинг ноёб мисиқий мулкини тиклашда, ёшларга ўргатишда жонбозлик кўрсатди.

Биз Ҳожихон ака билан бир маҳаллада яқин қўшни эдик. Ҳожихон ака, укалари дуторий созанда Нурмамат ака, соз ва адабиёт муҳиби Сиддиқ махсум, шоир Маҳбубийлар билан дадам Самандар Аваз ўғли кўп йиллик ошно эдилар. Гап-гаштакларни Хоразмда бир сўз билан зиёфат дейишади. Дадамнинг шарофатлари билан бу имиқ – дилтортар суҳбатлар кечадиган зиёфатга камина ҳам муяссар бўлар эдим. Зиёфат ҳар ойда бир кун, Ҳожихон аканинг вақтига қараб белгиланар, аммо менсиз ҳам ўзлари ҳафта ора алоҳида йиғилишиб, созу суҳбат қурар эдилар. Албатта, бундай ўлтиришлар кўпроқ бизникида ўтарди.

Сиддиқ маҳсум ака уйидаги бир ўлтиришимизда Ҳожихон ака салдом билан “Катта суворий”ни  баланд пардада айтди. Бу сафар мен эшитмаган, тамомила бошқа мухаммасни ўқиди. Авжида мухаммаснинг бир мисрасини алоҳида урғу билан нола қилди:

Бу маҳқил ичра равшанлиқ на шамъи, на лагандандур...

Қўшиқ тамом бўлди. Ҳофиз овозининг акс-садоси уйнинг шифтларига

урилиб, анчайин жаранглаб турди. Ўртага ҳузурбахш жимлик чўкди. Ҳеч ким уни бузгиси келмас, ҳар ким ўз ўй билан банди. Менга таъсир қилган мисрани ичкин завқбаш хиссёт билан такрорладим: **“Бу маҳфил ичра равшанлиқ на шамъи, на лагандандур...”**

– Ҳовва, – деди чўзиб Сиддиқ махсум, – “Лаган” – шамъдон. Магарам шамъдон бўлмаса шамъ остига ёруғликни кўпайтирадиган баркаш лаган қўйилган. Ғазалдаги мажлис аро ёқтилик, шамъдан ҳам эмас, лагандан ҳам эмас, сенинг борлиғингдан, эй дўст, эй рафиқ, эй Худо!..

Шу лаҳзаларда ғазалларни, мисралар ичига яширинган сирли қочиримларни тушуниб айтадиган созандаларга, уларни эшитадиган баҳравор инсонларга нисбатан меҳрим эврилиб кетди. Ҳожихон акани шу оқшомдагидек, тўлиқиб қўшиқ айтганини таърифлашга қалам ожизлик қилади. Кейинчалик юқоридаги мисра боис Хилватийнинг **“Паризоди Эрамдандур, сиё чашми Хўтандандур”**, дея бошланувчи ушбу ғазалига мухаммас боғладим.

Дадам раҳматлик эскичадан саводли бўлишлари баробарида, шеъриятга, навога ихлосли, дастурхонли одам эдилар. Вилоятга бирор таниқли ёзувчими, созандами келиб қолса, дадамнинг қувончлари беҳад бўлар эди. Бир сафар дадам Ҳожихон аканинг меҳмони хўжандлик мақом устаси Маъруфхўжа Баҳодировни уйимизга таклиф қилдилар. Маъруфхўжа ака оқ юзли, тўладан келган, суҳбат чоғи кўзлари ҳамиша мулойим кулиб турадиган фариштали одам экан.  Ўша ўлтиришда, устазода санъаткорнинг баланд авжли қўшиқчи бўлиши билан бирга жуда сўзамол киши эканлигига ҳайратимизни яширолмай, қани  гапини тамом этмаса экан деб, уларнинг суҳбатларига қулоқ тутганмиз.

Ҳожихон ака ҳеч кимга қўшилмасдан, жимгина ерга қараб ўтираверарди. Суҳбат орасида унга ”Эшон бува сиз ҳам бир нарса денг”, дейишса, “Ина, Нурмамат сўзлайверсин, мени овозим қолади”, деб жавоб берар эди. Билҳақ, Нурмамат ака худди Маъруфхўжа акага ўхшаб, чиройли гапирар, гурунги орасида сўз ўйинлари билан ўлтиришга жон бағишлар эди.

Ўша даврада ҳам Маъруфхўжа ака билан Нурмамат ака иккови гурунг нишабини ҳар тарафга буриб, ўзларини ҳам, бизни ҳам баҳраманд қилдилар. Маъруфхўжа аканинг суҳбат чоғидаги  ўзига хос устунлиги, шу ерлик усталардан Хоразм олти ярим мақомини эшитиб, ненидир ўрганиши асносида, форсий сўзлар аралашган ғазаллардан ўқиб, шарҳлаб ҳам юбораверар ва ўзи ҳам улардан қолишмайдиган ҳофизлигини ора-орада чиройли қилиб таъкидлаб қўярди.

Гурунг навбати унга келганда Амирийнинг ғазалини ўқиб, аҳли маҳфилни ҳайратга солди.

Кулбам сари гар келсангиз жон нақдидур подошингиз,
Кўз ашки бирла су сепиб, мужгон эрур фаррошингиз.

Маъруфхўжа ака тўхтаб, аввал Ҳожихон акага, кейин қолганларга бир-бир назар ташлаб, тожикча оҳангда:

– “Подошингиз”, форсийда “мукофот” дегани. Ўхшатишга қаранг: агар кулбасига ёр келса, мукофотига жонини нақд этмоқчи ва кўз ёшлари билан сув сепиб, киприкларини фаррош қилмоқчи, – деди.

– Поҳ, ина бу гапга қаранг! Амирийнинг илтифотини кўринг!

Ғазал маънисини илғаган Нурмамат аканинг азбаройи қувончдан тўлиб-тошиб сўзлашларини, кўзларида балқиган ҳайратни кўрмоқ учун ўша даврада қатнашмоқ лозим эди. Чунки ҳозир айтилган минг турли ташбеҳ ҳам, илло бу ҳолатни тўлиқ акс эттиролмайди.

Маъруфхўжа ака ғазалнинг бошланишидаги каби, сирли оҳангда яна давом қилди:

Ишқу муҳаббат нуридан ҳар дам мени ўлтиргали,
Бошин олиб бир-бирига кенгашди икки қошингиз.

Эй сарвиқадлар сарвари, истар Амир иқболингиз,
Бошимға ғовға солдингиз, ўлсун саломат бошингиз.

Маъруфхўжага бир нафас тин олиб:

– Ана қаранг, бошимга шунча ғавғо солганингиз билан, бошингиз саломат бўлгай, Амир сизнинг иқболингизни истайди, – деди.

Гапга Сиддиқ махсум аралашди.

– Ахир, тақсир, у ғовға керакли, хуш ғовғадурким, Амирий ғовға эгасига миннатдорона ташаккур билдирмоқда. Лекин, агар келса... Нима дедингиз, эшон?

Ҳожихон ака, аста қўлига дуторини олди. Ўртага ажиб бир хушлуғ ийнди.

– Бизнинг Ферузимиз ҳам анойи шоир эмас...

Соз айла айш асбобини, очғил тараб абвобини,
Рухсори олам тобини очиб, севар ёринг келур.

Ҳожихон ака ғазал давомини ўйландими, андак сукут қилган эди, Нурмамат ака давомини илиб кетди:

Ферузбахт ўлғул мудом, эт нўши ишрат бирла жом,
Ондоқки сарви хушхиром озода рафторинг келур.

Ака-ука ҳофизлар ушбу ғазални, эл ичида “Феруз-3” номи билан аталадиган йўлда, баланд пардада ижро қилдилар. Бир умр эсдан чиқмас ажиб бир ўлтиришнинг гувоҳи бўлганимдан то ҳануз ўша файзбахш оқшомни бот-бот эслаб юраман.

Ушбу мзъжаз битикда Ҳожихон ака тўғрисида, унинг ҳаётидан бир-икки шингил рақам қилдик. Машҳур ҳофиз ҳақида ёзувчи Неъмат Солаевнинг “Ҳожихон”, Йўлдош Оллаёровнинг “Ҳожихонни даволаган табиб” рисолалари, камина ва бошқа муаддифларнинг қатор мақолалари мавжуд, кинофилм яратилган, янги бадиий филмни суратга олиш борасида

ижодкорлар иш олиб боришяпти, яна кўп ёзилажак.

Умидимиз бир йилдами, икки йилда бир маротабами, ёш хонандалар ўртасида Ҳожихон Болтаев кўрик-танлови ўтказилса, ғолибларга дипломлар тантанали равишда топширилиши баробарида, улар ҳамда устоз санъаткорлар ижросида катта концерт ўтказилса, нурун-аъла нурин бўлғуси эди.

Ўтган 2013 йилнинг 17 декабр куни Огаҳий номидаги вилоят мусиқали драма театрида Муҳаммад Ризо Огаҳий таваллудининг 204 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали анжуманда ҳазрат ғазалларини, мухаммасларини чукур муҳаббат билан куйлаган Ҳожихон акага бағишлаб, анча йиллар аввал ёзган "Хива хонишлари" шеъримни қайта зийнатлаб, ўқиб бердим..

**Тун...**

Хорғин хаёлларга чўмганча мудрар,
Ичон қалаъдаги гумбазлар қатор.
Бу кўҳна тарихнинг қаърига судрар,
Мовий Калта минор, ҳув, Хўжа минор.

"Чапандоз" [1] авжланиб тун бағрин тилар,
Хаёлларим тўзғитиб дер, "оҳ"ингдурман.
Ҳофизнинг дард тўлуғ ноласи келар:
"Пажмурда бўлғон Огаҳийнгдурман!" [2]

Қазув ёқасида отдан йиқилғон,
Жафо зулмин тортғон ростлиқ боисдан.
Қарилиғ дардидан пажмурда бўлғон
Огаҳий фиғони келар олисдан.

Дилларни эзади танбур симлари,
Йиғлар қайси машшоқ лайл масода?
Балки Комил мирзо[3] куй тилсимларин
Нотага олгандир шундай аснода.

Бу ҳам бир Оллоҳнинг кароматидур,
Йўқса, не ўн саккиз парда танбурда,
Ўн саккиз минг рангин шоду афсурда,[4]
Ўн саккиз минг олам мужассам эрур

Асрлар оҳини чалмоқлик оғир,
Куй тинглаб бу оқшом бўлдим музтариб.
Мунисининг ёғирни[5] бўлганин яғир,
Қайси нота билан чаларкан мутриб?

Хива сокинлигин титратиб саҳар,
Ҳофиз улаб кетар Партавни инграб:

“Қизил гул ғунчаси янглиғ саросар
Бағри қондурман”. Бу не оҳ, ё раб?!

Не сиру-синоат, нечоғлик жило,
Нечоғлик кувват бор авж пардаларда,
Шерозий [6] яшайди то борким дунё
“Феруз”у талқин-у, суворaларда.

Ҳожихон [7] бир мулкким, олтин хазина,
Хоразм созининг якпардаси у.
Баҳри талқин аро кўркам сафина,[8]
Басе, қўшиқ аҳлин саркардаси у.

Хоразм куйлари торида янграб,
Оламга довруғин сочди Комилжон.[9]
Эшитмай қолмади на ажам, араб,
Дарёйи қалбини очди Комилжон...

Куй тинглаб қарайман миноралару
Паҳлавон Маҳмуднинг мақбарасига.
Куйлар етаклайди авжланган сари,
Тарихнинг ичкари ичкарисига…

Оппоқ тонг қанотин қоқади аста
Хива жилоланар уфқ аксидан.
Дилларга нур ийнар тонгга вобаста,
Устоз Огаҳийнинг ўктам сасидан:

“Эй қуёш, юзинг очким,
ғам тунида зорингман,
Сидқ ила нафас урғон,
субҳи беғуборингман.

Сен жамолу ҳашматда,
ҳусн мулки шоҳисан,
Мен малолу кулфатда
бандаи назорингман.

Қилма айб, агар қилсам,
ишқинг йўлида ожизлиқ,
Қарилиғ юки босғон,
зору бемадорингман.

Гарча ўзгалар янглиғ,
айлай олмагум хизмат,

Лек олар қаторида
бир умидворингман.

Неча умрлардурким,
фурқатинг ғами ичра,
Йиғлабон кеча-кундуз,
зору беқароррингман.

Марҳамат кўзи бирла
ҳолима назар қилғил,
Кўйинг ичра ер тутғон,
бир дуогузорингман.

Истасам азиз ўлмоқ
тонг йўқ илтифотингдин,
Чунки, Огаҳий янглиғ,
ишқинг ичра хорингман".

Таралди илк нурлар матлаъи шамсдан,[10]
Нақшин минорларда ўйнайди ранглар.
Боғ-роғлар уйғонди соҳир нафасдан,
Суруди[11] "Суворий савти"жаранглар.

Қувончдан тўлади кўзлар ҳам ёша,
Сўзу соз рутбаси борар бейиклаб.
Комил Авазни ҳам асрлар оша,
Умидким, ёрлақар шу нурли матлаб.

13.12.2013 й.

[1] "Чапандоз" – Суворалар туркумидаги қўшиқ;
[2] Огаҳий мухаммасидан;
[3] Афсурда – ғамда;
[4] Комил мирзо – Комил Хоразмий;
[5] Ёғирни – гардани;
[6]Шерозий – Мадраҳим Ёқубов, Ўзбекистон халқ артисти;
[7]Ҳожихон – Ҳожихон Болтаев, Ўзбекистон халқ артисти.
[8] Сафина – кема;
[9] Комилжон – Комилжон Отаниёзов, Ўзбекистон халқ артисти;
[10] Матлаъи шамс – қуёшнинг чиқиш жойи.
[11] Суруд – қўшиқ.

## Ш О Г И Р Д Л А Р   Н А З Д И Д А

### ЭГАМБЕРГАН БОЛТАЕВ
### (1900-1989)



Таниқли мақомчи, Хоразм ашула йўлларининг моҳир айтимчиси Эгамберган Болтаев 1900-йил Хоразм вилояти Ханқа тумани Абдиваж қишлоғида, ҳунарманд этикдўз оиласида туғилди. Ака-укалари – созанда ва гўянда. Акаси Эгамберган моҳир ашулачи бўлгани учун ҳам ёш Ҳожихонда ҳам болаликдан ашулачиликка ҳавас уйғонади.

Ёшлик давридан бошлаб акаси Эгамбергандан кичик ашулаларни айтиш йўлларини ўрганади. Овози ширин. Хожихон акаси Эгамберган билан ўз қишлоғи атрофидаги кичик тўй ва базмларда қатнашиб туради.

1925-йилларда ака-укалар довруқ қозонадилар.

1940-йиллардан 1949-йилгача Хоразм вилоят давлат миллий эстрадаси ашулачи ва созандаси бўлиб, созандалар бригадаси билан концертлар қўйишган.

Эгамберган Болтаев репертуарида Хоразм мақомлари ва халқ куйларидан ташқари Тошкент-Фарғона мақом йўллари, Бухоро-Самарқанд ашулалари, жумладан Ушшоқ, Чоргоҳ, Даромади Ушшоқ, Ироқ ва бошқа мақом куйларини айтишган.

1955-йили Эгамберган ака, Хожихон ака Нурмамат ака – уч оға-инини Самарқандга тўйга  таклиф қилишади. Уларнинг Самарқандга биринчи бор келишлари эди. Самарқандлик шинавандалар Хоразм мумтоз ашулаларини кам эшитган бўлиб, бу ҳофизларнинг хонишлари халқ орасида шов-шувга айланади. Шундай қилиб кетма-кет тўй-базмларда ваъдалар бериб, Самарқанд билан Хоразм вилоятлари ораси олис йўл бўлганлиги сабаб тўнғич ака Эгамберган кўпинча кетмасдан Самарқандда қоларди. Бу тақдирнинг тақозосими ёки заруратданми, кейинчалик Эгамберган ака Самарқандда қолиб кетади.

Самарқанд вилояти Ражаб Амин маҳалласи, Саъдий 1-уйда яшаган. Шу маҳаллада Муқим ва рафиқа аёлига уйланиб, ундан бир қизи бўлган. Қизни оти Болтаева Лола, 1969-йилда туғилган.

Камина, Матназар Худойназаров 1960-йилда Самарқанд мусиқа билим юртига (ҳозирда Самарқанд санъат коллежи) ўқишга келиб, шу ерда Эгамберган Болтаевни учратиб қолдим. Сўнг устоз билан биргаликда тўй-ҳашамларда, концертларда бирга бўлдик. Эгамберган Болтаев 1989-йили вафот этди. Устозни Хоразм вилояти Хонқа тумани Абдиваж қишлоғига олиб келиб дафн қилишган.

## НУРМАМАТ БОЛТАЕВ
## (1911-1974)



Таниқли макомчи, дутор ва дутор йўлларини мохир ижрочиси Нурмамат Болтаев 1911-йилда Хоразм вилоят Хонқа тумани Абдиваж қишлоғида, хунарманд этикдўз оиласида туғилди. Акалари – созанда ва гўянда Эгамберган Болтаев, Хожихон Болтаевлар ёш Нурмамат Болтаевга мусиқа сирларини ўргатади. Акаси Хожихон Болтаев билан ашулачилик қилиб, тўй-томошаларда, катта давраларда, сайлларда қатнашади.

Суворалар, чапандозлар, савти суворaларни, ферузларни мустақил ижро эта оладиган даражага етгач, ўзи ҳам мустақил созанда, ашулачи бўлиб ҳатто давраларда, концертларда иштирок эта бошлади.

Кейинчалик Нурмамат Болтаев машхур хушдаст ва хушовоз дуторчилардан бирига айланади.

1929–30-йилларда эса Хонқа туман маорифи қошида ташкил этилган туман театрида мусиқачи ва ашулачи сифатида танилади.

1943-йилдан бошлаб Урганчда аввал Хоразм вилоят миллий эстрадасида, кейинчалик Хоразм вилоят Огаҳий номли мусиқали драма ва комедия театрида ишлади. Шу йиллари машҳур устоз мақомчи Матпано ота Худойбергановдан Хоразм мақом йўлларидан айтим ва чертим қисмларини ўрганди.

1970-йилларга келиб Урганч шахар маданият саройи қошида ташкил этилган ҳаваскор мақомчилар тўгарагида акаси Ҳожихон Болтаев билан бирга ёшларга мақом йўлларини ўргатишда жонбозлик кўрсатди, шунингдек Боғот туман Наримонов жамоа хўжалигида ташкил этилган халқ ансамблида ҳам ёшларга мақом ва халқ куйларидан сабоқ берди. Хоразмлик

ашулачилардан Назира Юсупова, Қувондиқ Искандаров, Ўринбой Отажонов, Биби Искандарова, Рўзмат Жуманиёзов, Шермат Файзуллаев ва кўпгина ёшлар Нурмамат Болтаевни ўзларининг устозлари деб ҳисоблайдилар.

1974-йилда Нурмамат Болтаев нафақага чиқди. 1978-йил 3-сентябрда Урганч шаҳрида 67 ёшида вафот этди.

## КОМИЛЖОН ОТАНИЁЗОВ
## (1917-1975)



Ўзбек мусиқа маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшганлардан бири истеъдодли хонанда, созанда бастакор, Ўзбекистон, Туркманистон ва Қоракалпоғистон халк артисти Комилжон Отаниёзовдир.

Комилжон Отаниёзов 1917-йилда Хоразмнинт Шовот туманидаги Бўйрачи кишлоғида туғилди.

Унинг отаси Отаниёз ўз даврининг ўқимишли, етук кишиларидан бўлиб, Ниёзий таҳаллуси билан шеърлар ҳам ёзган.

Комилжон дастлаб акаси Фозилжон таъсирида мусиқа санъатига ҳавас қўйди. Ўрта мактабни тутатгач, Урганчда ўкитувчилар тайёрлайдиган икки йиллик курсни муваффақиятли тамомлаб, яна ўз туманида ўкитувчилик қилади.

Комилжон Отаниёзов мактабда мусиқа тўгараги тузади ва ўзи ҳам акаси ёрдамида дутор, гармон, дойра чалишни ўрганади. 1936 йилда Шовотда театр ташкил этилади. К.Отаниёзов бу ерда тажрибали санъаткорлардан кўп нарсаларни билиб олади. Жумладан, Жумалоқ акадан халқ куйларини ўрганади.

1932-йилда Комилжон Отаниёзов Хива шаҳридаги вилоят театрига таклиф қилинади. Бу ерда у хонанда сифатида ишлар экан, шўх ва ўйноқи кўшиқлари билан томошабинларни тезда ўзига жалб этади ва эл-юрт орасида катта эътибор қозонади. У театрда ишлаган пайтларида машҳур халк достончиси, «Гўрўғли», «Шохсанам», «Ошиқ Маҳмуд», «Авазхон»

достонлари туркуминнинг билимдони ва машҳур ижрочиси Болабахши Курбонназар Абдуллаевдан куй ва қўшиқлар ўрганади, ўзи ҳам бу ашулаларни ҳамда Маҳтумқули шеърларини халқ куйи ва ўзи яратган оҳангларга солиб ижро этади.

Халқ достонлари ва Маҳтумқули шеъриятининг одамлар калбига жуда якинлиги ва Комилжон акани ўзига хос куйлаш услуби хамда унинг баъзи бир ғазал ва шеърларни речитатив услубга яқинроқ қилиб, тингловчига етиб борадиган даражада куйлаши тез орада Хоразмдан ташқарига ҳам маълум бўлиб, мухлислари кўпайишига сабаб бўлди.

Комилжон Отаниёзов 1945-йилларгача «Ошик Ғариб ва Шохсанам», «Бозиргон», «Саётхон ва Ҳамро», «Хирмондали» ва «Гўрўғли» достонларининг айрим бўлакларини ижро этишдан аввал тингловчиларга мазкур достонларнинг мазмунини тушунтириб, қўшиқларни қизиқарли, жонли воқеага боғлаб ижро этади.

1945-йилдан бошлаб Комилжон Отаниёзов ижро дастури тубдан ўзгара бошлайди. Бу пайтда у Хоразмнинг Мадраҳим Ёқубов (Шерозий) ва Ҳожихон Болтаев каби машхур санъаткорлари билан яқинлашади, улардан ферузлар, суворалар, чапандозлардан ўрганади. Ўз ижро дастурини Навоий, Фузулий, Огаҳий, Мунис, Машраб ва бошқа мумтоз шоирларниг ғазал ва мухаммаслари билан айтиладиган қўшиқлар ҳисобига бойитади.

1947-йилдан Комилжон Отаниёзов Хоразмлик машҳур мақомчи – ашулачи ва танбурчи Матпано ота Худойбергановдан Хоразм макомларининг айтим йўлларини ўрганади ва ўз репертуарини мақомлар билан ҳам бойитишга аҳамият беради.

Бу пайтлари у Хоразмликлар севиб тинглайдиган Тошкент ушшоқлари, баётлари, чоргоҳ ва дугоҳларини моҳирона ижро эта бошлайди.

Шу йили К.Отаниёзов яхши ижрочилик маҳорати, Чоржўй-Қўнғирот темирйўл қурилишидаги маданий хизматлари ва ижрочилик маҳорати учун «Республикада хизмат кўрсатган артист» деган фахрли унвон билан тақдирланди. 1949-йилда эса, К.Отаниёзовга «Ўзбекистон халк артисти» унвони берилди.

Комилжон Отаниёзов йилдан йилга ўз ижро дастурини янада кенгайтириб, устозлари Мадраҳим Ёқубов (Шерозий), Ҳожихон Болтаевлар репертуаридаги Сувора, Катта сувора, Ўзбек сувораси, Якпарда сувора ва чапандозлар, ферузларни ўрганади ва темпларини олдинги ижрочиликларга қараганда тезроқ, шўхроқ, ўзига хос услубда ижро этди. Бундай ижрочилик услуби тингловчиларга янада манзур бўлди.

Комилжон Отаниёзов сувораларни, савти сувораларни, гул уфорларни авжларидаги ҳанглари (қичқириқлари) Шерозий ҳангларига ўхшаган бўлса ҳам ўзига хос овоз услуби сезилиб турарди. Комилжон Отаниёзов ўз ижро дастурини янги-янги ўзи яратган куйлар билан ҳам тўлғазиб борди. Масалан, «Салом сенга Хоразмдан» – Эгам Раҳим шеъри, «Олқиш» –

Аҳмад Бобожон шеъри, «Азиз Ватаним» – Эгам Рахим шеъри, «Бўлмагунча» – Машраб мухаммаси, «Яхшидур» Маҳтумкули шеъри шулар жумласидандир.

Комилжон Отаниёзовнинг ҳар бир даврa ва концертларда янгидан-янги қўшиқлар билан саҳнага чиқиши қўша-қўша олқишларга сазовор этарди.

Қомилжон Отаниёзовни созанда, бастакор ва машҳур хонанда сифатида Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Турманистон ва Ўрта Осиёнинг бошқа жойларидагина эмас, балки МДҲ давлатларидан ташқарида ҳам билар эдилар. Атоқли ҳофиз Ўзбекистон санъат усталари сафида Хитой (1951 йил), Ҳиндистон, Бирма, Афғонистон (1955), Кампучия, Таиландда (1957) бўлиб, Ўзбек мусиқа санъати ютуқларини ҳорижий мамлакатлар томошабинлари ҳузурида ҳам намойиш этди.

Устоз санъаткор 1957–1969-йилларда Ўзбекистон Давлат филармонияси қошида Хоразм ашула ва рақс ансамбли ташкил этиб, унга бадиий раҳбарлик қилди. Бу ансамбл Республикамиз ва Ўрта Осиёнинг турли шаҳар ва қишлокларида гастролларда бўлиб, қизиқарли ва сермазмун концертлар кўрсатди.

К.Отаниёзов туркман шеъриятини кенг тарғиб қилганлиги ва туркман қўшиқларини моҳирона ижро этиши учун 1965 йилда «Туркманистон халқ артисти» деган шарафли унвонга муяссар бўлди. Бунга жавобан, устоз 1967-йилда Тошовуз туманида туркман ашула ва рақс ансамбли ташкил қилишда ўз ҳиссасини қўшди.

1968-йилда ҳофизга Қорақалпоғитонда ўтказилган Хоразм санъати ва адабиёти кунлари муносабати билан «Қоракалпоғистон халк артисти» деган юксак унвон берилди.

К. Отаниёзов туғилган кунининг 50 йиллиги Тошкентда тантанали нишонланди. Шундан сўнг у бетоблиги туфайли нафақага чиққан бўлса-да, то умрининг охиригача қўшиқ айтишни сира тарк этмади. Мохир санъаткор иштирок этган концертларда халк уни чексиз ҳурмат билан қарши оларди. Ўзбек мусиқа санъатига ўзларининг ижрочилик маҳоратлари билан ҳисса кўшган ва кўшаётган Қурбонбой Бобожонов, Абдушариф Отажонов, Карим Исмоилов, Султонпошша Рахимова, Жуманазар Бекжонов, Бекжон Отажонов, Олмахон Ҳайитова, Шариф Султонов, Отажон Худойшукуров, Бобомурод Хамдамов, Ортиқ Отажонов ва бошқа кўпгина санъаткорлар К.Отаниёзовни ўзларининг устозлари деб биладилар.

Ўзбекистон ҳукумати истеъдодли ҳофизнинг санъатимиз ривожига кўшган улкан хизматларини юксак бахолаб, уч марта «Хурмат белгиси» ордени ва қатор медаллар билан тақдирлади.

Комилжон Отаниёзов 1975-йил 5-ноябрда Тошкент шаҳрида 58-ёшида вафот этиб, ўзи туғилиб ўсган Бўйрачи қишлоғида дафн қилинди. Гарчи, севимли ҳофиз ҳаётдан бевақт кўз юмган бўлса-да, унинг номи кўшиққа ихлоси баланд, ўз санъаткор фарзандларини ҳамиша севиб-ардоқлайдиган халқимиз қалбида мангу барҳаёт. Унинг ширали овози тез-тез «зангори экран» ва радио орқали жаранглаб туради. Ҳофизнинг ўлмас ашулалари ёзилган пластинкалар кўлдан-кўлга ўтади.

Урганчдаги 1-мусиқа мактаби ва Шовот шаҳридаги кўчалардан бири Комилжон Отаниёзов номи билан юритилмокда.

## ҚУРБОНБОЙ БОБОЖОНОВ
## (1918)



Таниқли санъаткор, сурнайчи, қўшнайчи, буламончи Қурбонбой Бобожонов 1918 йилда Ҳайровот қишлоғида (ҳозирги Қўшкўпир туман, Киров жамоа хўжалигида) туғилди.

Қурбонбой Бобожонов болалик пайтиданок мол боқади, подачилик килади ва бўш вақтларида лойдан ишланган ишвалакни, тол дарахтидан йўнилган дудукларни ўзи билганча кайта ишлаб чала бошлади. Қишлокда бўлиб турадиган тўй-томошаларда созанда, ашулачи ва сурнайчиларнинг ижроларини эшитиб, мусиқачиликка ҳавас кўйиган Қурбонбой, сурнайчи Саид акага шогирд тушади. Саид сурнайчи ёш Қурбонбойга сурнай чалиш йўлларини, нафас олмасдан пуфлаш сирларини ва буламон чалишни ўргатади, узи билан бирга шу яқин орадаги қишлоқларда бўладиган тўй-томошаларга ва сайлларга олиб боради. Бу даврда Қурбонбой Бобожонов ҳар хил давраларда кўплаб созанда, гўяндалар билан учрашиб, санъатга бутунлай берилади.

Ўша даврнинг атокли созандалари Матпано ота Худойберганов, Аҳмад Маҳмудов, Ҳожихон Болтаев, Хўжа ота Оажоновлар ёрдамида маком ва халк куйларини ўрганишга муяссар бўлади. Юкоридаги номлари кўрсатилган устозларнинг таклифи билан у 1934-йилдан бошлаб Хоразм вилоят ёш томошабинлар театрига ишга таклиф қилинади ва сурнайчи, буламончи сифатида танилади.

1938-йилдан бошлаб Хоразм вилоят мусиқали драма театрида етакчи мусиқачилардан бири бўлиб ишлай бошлайди.

1943-йилда Хоразмга Тошкентдан келган бир гуруҳ санъаткорлар ичида, Ўзбекистон халқ артисти, истеъдодли қўшнайчи, сурнайчи Аҳмаджон ота Умурзоқов бор эди. Устоз санъаткор Ақмаджон Умурзоқов Қурбонбойга қўшнайни чалиш ва пуфлаш йўлларини ўргатади ва унга бир жуфт кўшнай совға қилади.

Шундан кейин Курбонбой Бобожонов Хоразм вилоят театрида биринчи бўлиб қўшнай чала бошлайди. Тез орада қўшнайни яхши чала биладиган бўлганидан сўнг, халқ орасида Қурбонбой қўшнайчи деб ном чикаради.

Қурбонбой Бобожонов кўп йиллар мобайнида – то нафақага чиққунича Хоразм вилоят театрида мусиқачи бўлиб ишлайди.

У машҳур санъаткорлар: Матпано ота Худойберганов, Комилжон Отаниёзов, Ҳожихон Болтаевлар билан биргаликда узоқ вақт ҳамкорлик қилади.

Унинг ижро дастурида Хоразм мақомларининг чертим йўлларидан тани мақомлар, мухаммаслар, сақиллар, норим-норимлар, уфорлар мавжуд.

Қурбонбой Бобожонов Ўзбекистонда моҳир ижрочилардан бириси ҳисобланади.

У ижро этган кўпгина куйлар Ўзбекистон радиосига ва грампластинкаларга ёзиб олинган. Вафот этганлар.

## МАТЁҚУБ РАХИМОВ
## (1918-1993)



Матёқуб Рахимовнинг отаси Раҳим бобомиз Абдулло жиннинг невараси бўлган. У диаметри икки ярим метрча келадиган Хоразмча катта от аравалар ясашда донг чиқарган усто бўлганлар.

Раҳим бобомиз ва Саодат момомиздан ўн тўртта фарзанд дураган: саккиз ўғил, олти қиз. Ўғиллардан фақат дадам омон қолганлар. Қизлардан, Ёқут, Қурбонжон ва Жонибек аммамлар серфарзанд бўлиб умр кўрганлар. Раҳим бобомиз соз ва санъатга илтифот қилганликлари хақида маълумотга эга эмасмиз. Лекин, Саодат момомиз қишлоқ тўйларида баралла овоз билан ўлан айтганликларини кексалар кўп эслар эди.

Урушдан олдинги йилларда олий ўқув даргоҳлари саноқли бўлган. Хоразмда ана шундай илк даргоҳлардан бири, Педагогика институти қошидаги икки йиллик курслар бўлган. Отам 1939 йилда ана шу тезкорлик курсларини тугаллаб, Хиванинг кун ботар томонидаги “Қушчи катта боғ”даги мактабда математика ўқитувчиси бўлиб фаолият бошлаганлар. У пайтда кадрлар

етишмаслиги сабабидан партия сафига қабул қилиб, мактаб директори лавозимига тайнланганлар.

Уруш бошланганда биринчилар сафида фронтга жўнаганлар. Сталинград остонасидаги жанглардан бирида қаттиқ ярадор бўлганлар. Ўқ ўнг қўлининг оясидан кириб, нариги томонидан чиқган. 1943 йилда Тошкент партия мактабига ўқишга жўнатилганлар. 1945 йилда ўқиш тугагач. Янгиариқ туман партия комитасининг секретари лавозимига тайинланганлар. У пайтларда театр маданий ва сиёсий хаётнинг энг гавжум масканларидан бири бўлган. Шу боисдан отам 1947 йилда Хива театрининг директори лавозимида ишлаганлар. Орадан кўп ўтмасдан, 1948 йилда вилоят театрига раҳбар этиб тайинланганлар.

Матёқуб Раҳимов "Алпомиш" ролида сахнага чиқганлар ва тез орада машхур бўлиб кетганлар. Кўчада одамлар "ана Алпомиш келаяпди" деб, ишора қиладиган бўлганлар. Театр – кўп санъатлар мужассамлашган мураккаб мавжудот. Лекин, бизнинг шароитда, урф-одатларимиздан келиб чиқадиган бўлсак, театрнинг ўзагини, айниқса, у давр шароитида, миллий куй ва ашулалар ташкил қилганлиги ҳам табиий. Яна одатга кўра, ашуланинг асосини овоз ташкил қилган.

"Ашуланинг отаси ҳам, онаси ҳам овоз" деган, нақл бор. Актерлик санъатида унча уста бўлмасалар ҳам, овозга келганда Матёқуб Раҳимов камдан кам учрайдиган иқтидор соҳиби. Бу овознинг диапазони, кучи, жаранги ва энг муҳими жозибаси алоҳида туради. Матёқуб Раҳимовнинг саҳналарни тўлдириб, тўй- хашамларга файзу тароват берган ашулаларни муҳлислар ҳалигача жону дили билан тинглайдилар.

Хофиз асбоб чалмас эдилар. Лекин, бахтига тақдир унинг беназир созанда Ҳайитбой Бобожонов билан бир умрга ошно ва ҳамнафас қилдики, бу иттифоқдан таралган мумтоз ашулалар ўзбек меросининг "олтин жамғармаси"дан муносиб жой олди. Отамнинг яқин дўсти ва устози Комижон Отаниёзов – " яхши ҳам-ки Худо Матёқубга овоз, Ҳаитбойга соз берган, агар бу икки сифат бир одамда бўлганида, бизларга нон қолмас эди" деган, эканлар.

Матёқуб Раҳимов табиатан ҳуш муомила, меҳмондўст ва садақатли инсон бўлганлар. Шунинг учун, уни яқин дўстлари Ҳайитбой Бобожонов ва ўз даврининг беназир бастакори Абдушариф Отажоновлар, шогирдлари Бекжон Отажонов ва Матназар Худайназаровлар, устозлари Хожихон Болтаев ва Нурмуҳаммад Болтаевлар доим ҳурмат билан қараганлар. Хоразмнинг мумтоз ашулалари Алийқамбар, Феруз бир ва Феруз иккиларни, Дугоҳ, Чоргоҳ, Талқини Наво, Суворайи Сайри гулшан, Уфари Наво каби мақом йулларини Ҳаитбой Бобожонов ва Нурмуҳаммад Болтевлар орқали Устоз Хожихоннинг ўзлари ўргатганлар. Бу жуда муҳим тарихий хужжат.

Матёқуб Раҳимов ва Ҳайитбой Бобожоновлар ижроларида Устоз Хожиҳондан мерос қолган шундай сифатлар, ҳусусан, энг баланд пардаларда сўз айтиб туриб, ундан ҳам баланд товушларда "зеб" қилиш. Кўп эски санъаткорлар каминани кўрганда отам овозида ишлатилган ана шундай жиҳатларни эслаб кетадилар.

Бастакор Абдушариф Отажонов отам овозларига мослаб кўп асарлар яратганлар. Улар орасида "Лойиқ" номи билан юритиладиган ашула алоҳида

туради. “Лойиқ” аслида машҳур Хоразм “Лазги”сининг ўзига хос бир варианти. Бу асар ва, айниқса, унинг рақси тўғрисида жуда куп бўлар-бўлмас ривоятлар юради.

Маълум бўлишича, у олдинлари Хоразм “Мавригий”ларининг бир қисми бўлган. 1948 йилда Хоразмга темир йўл келиши муносабати билан бўлган катта йиғинда Комилжон Отаниёзов уни “Лазги” номи билан алоҳида асар сифатида ижро этганлар. “Лазги”нинг бошида авж пардаларида айтиладиган “Омон, эй омон. Асирам, бекасам, гирифторам, гирфторам, Умримда сайри боғ газмишам. Омон, эй омон” сўзлари эски “Марвигий”дан қолган нишоналар.

Комилжон Отаниёзов “Лазги”си шундай машҳур бўлиб кетдики, бирон бир санъаткор унга муқобил яратишга журъат эта олмасди, албатта. Бироқ, Комилжон Отаниёзовнинг ўзлари жону дилдан ҳурмат қиладиган Абдушариф Отажонов шу ишга бел боғлади ва “Лазги” қаторига “Лойиқ” қўшилди. Юкорида зикр этилган баланд пардаларда сўз айтиб туриб, ундан ҳам тепа товушларда “зеб” бериш Матёқуб Раҳимов ижрсидаги “Лойиқ”да ўзининг ёрқин ифодасини топган.

## SATTOR ABDULLAYEV

## (1920-1980)



Ko`p yillar davomida Ogahiy teatrining orkestri tarkibida sozanda (naychi) vazifasida ishlagan, bir qancha shogirdlar etishtirgan.

Nay asbobida o`ziga xos ijro uslubiga ega bo`lgan ustoz sozanda.

Саттор Абдуллаев ҳақида шуни таъкидлашимиз мумкинки, бу инсон иккинчи жаҳон урушига қатнашган. Бунда Саттор ака душманларга асир тушиб, конслагерда бўлади. Бу конслагер барча маҳбусларни криматория, яъни оловда ёқишар экан. Саттор ака ўша ерда бир қамиш топиб ўзи учун най ясаб олиб, чалиб юрган экан. Ҳар куни ўнта маҳбусни криматорияга олиб бориб куйдирар эканлар. Ҳар куни бу ўнталик ичида Саттор ака ҳам бўлиб, у то криматорияга боргунча ўзининг найида миллий мусиқаларимиз намуналаридан

чалиб борар экан. У билан кетаётган сафдаги одамлар йиғлаб боришар экан. Тўққиз маҳбусни ёқиб унга навбат келганида “мусиқачи сен орқага” деб у яна конслагерга қайтиб кетар экан. Бир неча кун шу ҳолат давом этиб, Саттор ака ҳар сафар тирик қолар экан. Кунларнинг бирида бизнинг аскарлар душманларни енгиб, маҳбусларни озод этибди. Саттор Абдуллаев ўзининг ижроси, най каби мусиқий сози билан тирик қолган экан. Мусиқа шундай бир қудратга эгаки ҳатто вахший одамларни тош юрагини ҳам эритиб юборишга қодир.

## НАЗИРА ЮСУПОВА (1924-1992)



Хотин-киз ашулачилар ичида мақом йўлларининг моҳир ижрочиси, иқтидорли, хушовоз ашулачи Назира Юсупова 1924-йилда Хоразм вилоят, Урганч шаҳрида ишчи оиласида дунёга келди.

Ўрта мактабга кириб ўқий бошлаган даврларидаёк, унда ашула айтишликка ҳавас уйғонган эди.

Олтинчи синфда ўқиб юрган пайтларида, Урганч шаҳридаги пионерлар уйи қошидаги Собиржон Ёқубов раҳбарлигидаги мусиқа драмма тўгарагига қатнашиб, ашула сирларини ўрганади.

Биринчи устози Собиржон Ёқубовдан ўрганган «Муҳаббат», «Эшвой», «Гул ўғлон», «Эй, меҳрибоним» ашула ва қўшиқлари билан пионерлар саройи, мактаб ва хотин-қизлар саройлари, маданият саройларидаги томошаларда иштирок этиб, хушовоз ижрочилиги билан томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

1941-йилдан бошлаб Хоразм вилоят миллий эстрадасида устоз санъаткорлар ва мақомчилар Матпано ота Худойберганов, Шерозий Ёқубов, Ҳожихон Болтаев, Хўжа Отажонов, Матёкуб Отажонов, Жума ота Хайитбоевларга ўхшаган машхур созандалар ҳамда мусиқа бўлим бошлиғи Шариф Солаевлар билан ишлашиб, ўз ижро дастурини бойитиб борди. Айниқса, Хоразмлик машҳур мақомчи Матпано Худойберганов кўпгина маком йўлларини Назира Юсупова овозига мослаштириб беради ва ўргатади. Назира Юсупованинг санъат

майдонига қадам қўйиб, вилоят миллий эстрадасида кўрсатган фаолияти Улуғ Ватан уруши йилларига тўғри келди. Шунинг учун ҳам Назира Юсупова ижро дастурида «Отинг кўксига ёвнинг», «Жангга кетган дилдорим», «Ўлим босқинчиларга» ва бошка шуларга ўхшаган гитлер боскинчиларга қарата айтилган давр кўшиқлари кўплаб учрайди.

Назира Юсупова 1945-йилдан Хоразм вилоят мусиқали драма ва комедия театрида (ҳозирги Огаҳий номли театр) яккахон хонанда сифатида ишлаб, тобора томошабинлар ҳурматини қозона борди.

1947-йилда Назира Юсупова Тошсоқа канали курилишларида, Хоразмдаги темирйўл қурилишларида Комилжон Отаниёзов раҳбарлигидаги ашула ва ракс ансамбли билан иштирок этди.

Хоразм вилоят театрида ишлаб юрган вактларида спектаклларда ҳам фаол қатнашди ва турли ролларни ижро этди. Саҳна сирларини ўрганишда Ўзбекистон халқ артисти Ваҳобжон Фаёзов, Қаландар Бойжоновларни ўз устозлари деб ҳисоблайди.

Устози, Ўзбекистон хақл артисти Ҳожихон Болтаевдан ўрганган ашулаларидан Феруз», «Талкини рост», «Талқини Сегоҳ», «Шитоб айлаб»га ўхшаган кўпгина мақом йўллари ва халк қўшиқларини радио тўлқинлари оркали то ҳануз халкимиз сидкидилдан эшитмокда ва кўпгина ёш хонандалар Назира Юсупова ижро дастуридаги қўшиқларни севиб ижро этмокдалар. Ҳукуматимиз Назира Юсупованинг санъат соҳасидаги хизматларини ҳисобга олиб, унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонини берган ва бир қанча медал, фахрий ёрлиқлар билан такдирлаган. Ўзбекистон халқ артисти Назира Юсупова 1992-йили 12-февралида вафот этдилар.

## ОЛЛОНАЗАР ҲАСАНОВ[1]
## (19241997)



[1] О.Матёқубов. Мақомот. Т., 2004, 324-б.

Хоразмнинг кўзга кўринган ижрочиларидан бири, айни чоғда мақом чолғучилик анъаналарининг ҳам йирик билимдони. 10 ёшлигидан бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида ҳунар ўрганиб, 14-15 ёшидан театр ва концерт ташкилотларида созандалик қилиб, билим ва маҳоратларини оширган. Ўткир зеҳни ва мусиқани хотирада сақлаш иқтидори туфайли ёшлигидан эшитган-билганларини дилига жойлаб моҳир ижрочи даражасига эришган. Матёқуб Харрот, Раззоқ Омонов каби забардаст мақом устозлари билан ёнма-ён ишлаб, навқирон созанда яхшигина мактаб ўтаб олган. 1944 йилда Матпано Худойберганов мураббийлигида мақом ансамбли тузилганда Олланазар анча тажриба кўрган ҳамда *қулоғи пишган* созанда эди. Шу туфайли у олдинги билим ва кўникмаларини тартибга солиб, Хоразм мақомларининг бир бутун тизими тўғрисида таассурот пайдо қилишга муяссар бўлди. Ушбу тажриба довонидан ўтгандан сўнг эса О.Ҳасанов устоз Ҳожихон Болтаев, Нурмамат Болтаевлар қаторида Хоразм мақомларининг етук билимдонлари сафидан ўрин олди.

Олланазар Ҳасанов кўпқиррали истеъдод соҳиби. У унча катта бўлмаган майин овози билан ашулаларни жуда дардли ижро этган. Лекин чолғучилигининг ўзи бир олам. У созандаликни аслида чанг чалишдан бошлаган, кейинчалик танбур, дутор ва скрипка асбобларини пухта ўзлаштирган. Дутор ва танбур ижрочиси сифатида Олланазар Ҳасанов санъати мазкур созларнинг Хоразм услубига мансуб томонлари нуқтаи назаридан диққатга сазовор. Аммо скрипкачи сифатида унинг ижоди ушбу соҳанинг энг забардаст намояндалари қаторидан ўрин олди. Унинг якканавозликда ва ансамбль таркибида скрипка чалиб ижро этган асарлари юксак санъат даражасидаги илҳом билан суғорилган.

Олланазар Ҳасанов раҳбарлигидаги кичик ансамбль (скрипкада-ўзлари, танбур – Султонбой Сапаев, най – Эгамберган Қозоқов, дойра – Саидназар Отажонов) ижросидаги Хоразм мақомларидан намуналар ёрқин шева хусусиятлари айни чоғда, юксак бадиий савияси билан ажралиб туради. Энг қизиқарли томони шундаки, дойрани ҳисобга олмаганда бор йўғи уч асбобдан иборат кичик гуруҳ катта салобатли уйғун ва тўлақонли ансамбль садосини беради. Мазкур гуруҳ талқинида Хоразм созандалари орасида истеъмолда юрган *Мухаммаси Ушшоқ, Мухаммаси Баёт, Мухаммаси Рост, Сақили Наво, Сақили Султон, Пешрави Дугоҳ, Ҳафифи Сегоқ* каби мақом куйлари магнит тасмаларига ёзиб олинган ва бу ноёб намуналар эски ижрочилик услублари бўйича муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

90-йилларнинг бошида Олланазар Ҳасанов истеъдодли ёш хонанда Хуршида Ўриновага устозлик қила бошлади. Ашулачининг овоз имкониятлари тажрибали созанда кўнглида жамланиб юрган орзу-ниятларини рўёбга чиқаришга имкон берди. Устоз меҳр қўйган шогирдига Хоразм мақомларини ўргата бошлади. Олланазар Ҳасанов раҳбарлигида Хуршида Ўринова ўзлаштирган Наво мақомининг ашула бўлими яхлит туркум сифатида магнит тасмасига ёзиб олинди. Бу нусха ҳам юқорида қайд этилган чолғу йўлларига ўхшаб, Хоразм мақом ижрочилиги бўйича муҳим ҳужжат бўлиб муҳрланди.

**ҚУТЛИМУРОД ҲОЖИЕВ**
**(1924-1996)**



Қутлимурод 1924-йил 1-январда Хоразм вилояти Урганч тумани Чакка шоликор деҳқон оиласида туғилган. Болалик йилларида санъатга, қўшиқ айтишга ихлоси баланд бўлди.

1931-йилда ўрта мактабга ўқишга боради. Мактабда ўқиб юрган кезларида мусиқа тўгарагига қатнашди. Шу даврдан бошлаб унинг миллий мусиқага, хусусан ашула айтишга, соз чертишга иштиёқи тобора ортиб борди.

1935-йилда Ўзбекистон халқ артисти Хожихон Болтаевга шогирдликка тушади. 1938-йили Қутлимурод Ҳожиев Огаҳий театрида ашулачи хонандаликка ишга қабул қилинди.

1941-йилда Иккинчи жаҳон урушига ўз хоҳиши билан кетди. Шу даврда бир неча кўкрак нишонларини олди. 1944-йилда қўлидан ярадор бўлиб уйга қайтди.

Қутлимурод Ҳожиев урушдан кейин яна ўзи ишлаган Огаҳий театрида ишлай бошлади. Шу даврда театрда концерт фаолиятини, қолаверса актёрлик вазифасида ҳам ишлади. Умрининг охиригача шу театрда 50 йил хизмат қилди. Ишлаган даврларда ўзининг бир қатор асарларини басталаб, ҳалққа тақдим этди. Улардан: “Сўранг”, “На бўлди”, “Шодмон”, “Яхшидир”, “Аввалгидай”, “Ҳеч ким назардан қолмасин”, “Ёлғиз” кабилардир.

Мазкур мусиқий асарлари билан элга яхши танилиб борди. Хоразмлик “чапақай” деб бутун Ўзбекистонга танилган.

Қутлимурод Ҳожиев 1996-йил 5-фералида вафот этди.

## KARIM ISKANDAROV
## (1924-2000)



Uzoq yillar davomida viloyat musiqali drama va komediya teatri orkestrida sozanda (g`ijjakchi) bo`lib faoliyat ko`rsatgan.

Shovot tumanidagi «Oq oltin» jamoa xo`jaligida havaskor yoshlarni to`plab, ashula va raqs ansambli tashkil qilib, bir qancha yillar davomida nuga rahbarlik qilgan.

## МАТНИЁЗ ЮСУПОВ
## (1925-1992)



Таниқли ўзбек композитори, макомшунос Матниёз Абдалниёзович Юсупов 1925-йил 1-январда Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида туғилди. Умумтаълим мактабида ўқиб юрган кезлари мактаб бадиий ҳаваскорлик тўгараги ҳамда шаҳар пионерлар уйининг бадиий ҳаваскорлик тўгараги машғулотларига мунтазам қатнашди. Бунда ёш Матниёз машҳур мақом ижрочиси ва билимдони Матпано ота Худойберганов сабоқларидан баҳраманд бўлди. 40-йилларнинг бошларида Матниёз Юсупов созанда сифатида Хоразм вилоят эстрадасида меҳнат фаолиятини бошлади. 1943-йилда Улуғ Ватан урушига отланди. Бир йилдан сўнг урушдан ногирон бўлиб қайтди. Энди у

Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма ва комедия театрида яккахон, кейинчалик мусиқа раҳбари этиб тайинланди. Бу йилларда диёр тароналари ва халқ мусиқасини тарғиб килиш билан бир қаторда ўз ижрочилик маҳоратини шакллантиришга алоҳида эътибор бериб, миллий мумтоз мусиқа дурдоналарини ўзлаштиришга куч-ғайратини сафарбар этди.

Матниёз Юсупов 1951-йилда Ҳамза номидаги Тошкент Давлат мусиқа билим юртининг мусиқа назарияси ва композиторлик бўлими талабаси бўлди. 1955-йилда билим юртини муваффақиятли тугатиб, Тошкент Давлат консерваториясида, профессор Б.Б.Надеждин синфида сабоқ олди. Композиторлик ижодиётининг профессионал кўникма ва билимларини А.Ф.Козловский, Б.И.Зейдман каби санъат усталаридан ўрганди.

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси Матниёз Юсупов республикамиз мусиқа маданиятида кўзга кўринган арбоблардан биридир. Матниёз Юсуповнинг ижодий фаолияти кўп қиррали ва сермаҳсуллиги билан ажралиб туради. Унда мусиқа санъатининг турли жанрларида катта меҳр билан ёзилган ва яратилаётган асарлар мажмуаси алоҳида аҳамиятга эга.

Композиторнинг учта операси «Хоразм қўшиғи» (Ҳамид Ғулом либреттоси, 1964 й.), «Чевар қиз» (Музаффар Муҳамедов либреттоси, 1985 й.), «Алиқамбар» (Омон Матжон либреттоси, 1986 й.), шунингдек «Гулсанам» (Ўлмас Умарбеков либреттоси, 1974 й.) балет асари Тошкент ҳамда Самарқанд опера ва балет театрларида саҳналаштирилди ва бир неча йиллар давомида мазкур спектакллар театрнинг дастуридан мустаҳкам ўрин олди. «Хоразм қўшиғи» операси Ўзбекистон республика ҳукуматининг 40 йиллиги муносабати билан Москвада қўйилиб, томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди.

Матниёз Юсупов ижодхонасидан ўндан ортиқ мусиқали драма ва комедия ҳаётга йўлланма олди. Жумладан, «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» (К.Отаниёзов ва Б.Степанов билан ҳамкорликда, 1960 й.), «Ғазал фожиаси» (Аҳмад Бобожон пьесаси асосида, 1961 й.), «Уч паҳлавон» (Турсун Собиров пьесаси, 1962 й,), «Қайдасан, ҳаёт?» (Турсун Собиров либреттоси, 1964 й.), «Дил кўзгуси» (Ҳамид Ғулом либреттоси, 1966 й.), «Тўғон» (Омон Матжон пьесаси, 1976 й.), «Муқаддас диёр» (Х. Расулов пьесаси, 1976 й.), «Республика ўт ичида» (Юнус Юсупов драмасига мусиқа, 1970 й.) каби қатор асарлар мавжуд.

Симфоник мусиқа жанрида бунёд этилган қатор асарлар ҳам М. Юсупов ижодида алоҳида ўрин тутади. Хусусан, «Увертюра», «Қаҳрамонлик» поэмаси, етти қисмли сюита шулар сирасига киради.

Композитор кантата жанрида ижод қилишни ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири, деб қаради. Хор ва оркестр ижроси учун «Тасанно, ишчилар» (Ҳамид Ғулом шеъри), солист, хор ва оркестрга мўлжалланган «Туямўйин тароналари» (Эркин Самандаров шеъри), шунингдек, хор ва халқ чолғу асбоблари оркестри учун учта кантатаси мазкур жанр мусиқаси ривожига ҳисса бўлиб қўшилди.

Композиторнинг а’капелла асарлари ҳам хор ижрочилиги санъатининг шаклланишига, шунингдек, халқ чолғу оркестри мусиқаси жанридаги ижодий маҳсули мусиқа ихлосмандларига муносиб совға бўлди. Бунда оркестр ижроси

учун сюита, най ва оркестрга яратилган фантазия, овоз ва оркестр талқини учун фантазия, чанг ва оркестр ижросига мўлжалланган концерт-рапсодия каби ранг-баранг асарлар бор.

Матниёз Юсуповнинг яна бир ижодий йўналиши макомшунос олим сифатида ёрқин намоён бўлди. 1958-йилда оғзаки анъанавий Хоразм профессионал мусиқасини Матниёз Юсупов тўплаб бир жилд[2]да чоп эттирди. Ундан қисқартирилган кўринишдаги «Рост», «Бузрук», «Наво», «Дугоҳ», «Сегоҳ» ва «Ироқ» номли олтита Хоразм мақомлари ўрин олди. 80-йиллардан бошлаб уч том, беш китобда еттита Хоразм мақомларининг нашр этилиши билан Матниёз Юсуповнинг кўп йиллик ва тинимсиз изланишлари самарали якунланди. Айниқса, унинг ёшлик чоғлариданоқ созанда ва навозандачилик санъати билан ўз ҳаётини ҳамнафас этгани, улкан санъаткорлар Матпано ота Худойберганов, Матюсуф Харратов, Комилжон Отаниёзов, Хўжа ота Отажонов, Шерозий – Мадраҳим Ёқубов, Ҳожихон Болтаев, Жуманиёз Ҳайитбоев, Болабахши Абдуллаев кабилар билан ёнма-ён ижод этгани Хоразм мақомларини идрок этишида муҳим аҳамият касб этди.

Санъаткор Матниёз Юсупов фаолиятининг навбатдаги йўналиши республикамиз мусиқа маданияти ва ҳаваскорлик санъати учун мутахассис кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ. Тошкент Давлат маданият институтида Матниёз Юсупов қўлида таҳсил кўраётган талабалар чолғушунослик фанини пухта ўзлаштирмокдалар. Бугунги кунда нафақат Ўзбекистонда, ҳатто Ўрта Осиё республикаларида ҳам машҳур бўлган хонанда ва созандалар устоз Матниёз Юсупов сабоғини олишга мушарраф бўлганлар. Жумладан, Ўзбекистон халқ артисти Отажон Худойшукуров, Республикада хизмат кўрсатган артистлар Қувондиқ Искандаров, Шариф Султонов, Отамурод Бекжонов, Ортиқ Отажонов, солистлар Ҳасан , Олмахон Хайитова, Матназар Худойназаров ва бошқалар.

«Ўзбекистон куйлагай», «Марҳабо, талантлар», «Чашма», «Қўшиқ айтган етар муродга», «Дебют» каби республика телевизион конкурсларига Хоразм, Самарқанд, Қашкадарё, Жиззах ва Қорақалпоғистонда ҳаваскорларни тарбиялашда ҳамда уларнинг концерт программаларини тайёрлашда Матниёз Юсуповнинг хизмати самарали бўлди. Республика мусиқа санъатининг катта авлодига мансуб вакилларидан бири, устоз санъаткор Матниёз Абдалниёзович Юсупов ўзининг кўпқиррали ижодий фаолияти билан ўзбек мусиқа санъатининг ривожига муносиб ҳисса қўшди.

Матниёз Абдалниёзович Юсупов 1992-йил 6-октябрда вафот этди ва Чиғатой қабристонига дафн этилди.

---

[2] «Ўзбек халк мусиқаси», VI том, Т., Уздавнашр, 1958 й.

**КЕНЖА МАТНАЗАРОВ**
**(1926-1987)**



Кенжа Матназаров 1926-йил 5-майда Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманида оддий оилада туғилган.

Отаси Матназар "Норинжон бобо" зиёратгоҳида Шайх вазифасида фаолият кўрсатган. Акаси Раимбой ака дутор чалиб достон ашула йўлларини биргаликда ижро этишган.

1940-йилларда Тўрткўл туман Маданият уйида Йўлдош Аллашукуров билан қишлоқ меҳнаткашларига концертлар беришган.

1960-йиллари устози Комилжон Отаниёзовга Кенжа Матназаровни ўзига хос ижрочилигига маъқул бўлгани сабаб уни Тошкентга бирга ишлга таклиф этади. Шу сабаб Тошкентда ўз ижодини давом эттиради.

1987-йилда Тошкентда вафот этган.

**AHMADJON ISMOILOV**
**(1928)**



Ijodiy mehnat faoliyatini Ogahiy teatrining orkestrida sozandalikdan (doirachi) boshlab, shu yerdan qarilik nafaqasiga chiqqan.

1966 yilda viloyatning o`quvchilar saroyida respublikada birinchi bo`lib havaskor doirachilarning ansamblini tashkil etgan.

1967 yilda M. Xarratov nomidagi Urganch shahar musiqa bilim yurtida doira sinfi tashkil qilib, bu erda bo`lg`usi doirachilarga ustozlik qilgan.

## ҚУВОНДИҚ ИСКАНДАРОВ
## (1930-2004)



Ўзининг бетакрор ва жозибали санъати билан оламга машҳур Хоразм санъати ривожига катта ҳисса қўшган, ўзбек халқи олқишига сазовор бўлган ўнлаб хоразмлик созанда ва хонандалар номини ҳурмат билан тилга оламиз. Улар орасида эл севган таниқли хонанда Қувондиқ Искандаровнинг ҳам номи ҳурмат билан эсланади.

Ўзбекистон Халқ ҳофизи Қувондиқ Искандаров 1930 йил 10 октябрда Хоразм вилояти, Ҳазорасп тумани, Янгибозор қишлоғида истиқомат қилувчи деҳқон оиласида таваллуд топган. 1947 йилда шу ердаги 2- сон ўрта мактабни тугатган.

Отаси – Авазов Искандар, 1906 йилда туғилган, деҳқон бўлган. Онаси – Искандарова Ёқутхон, 1917 йилда туғилган, уй бекаси бўлган.

Қувондиқ Искандаров мактабда ўқиб юрган давридаёқ мусиқа тўгарагига фаол қатнашиб, мусиқа асбобларини чалиб, қўшиқ айтишга иштиёқи ортиб борди. Ундаги бу қобилят ва иқтидорни, куйлаган ашулаларини юракдан жўшиб айтаётганини ва секин-аста халқнинг эътиборини қозонаётганини сезган Янгибозор қишлоқ совети раиси Мадраҳим Бекназаров 1947 йилда қишлоққа концерт бергани келган машҳур хонанда, Халқ артисти ҳофиз Ҳожихон Болтаевга ёш хонанда Қувондиқ ҳақида, унинг ашулачиликка бўлган қизиқиши ва иқтидори ҳақида сўзлаб беради. Ҳ.Болтаев Қувондиқнинг қўшиқларини эшитиб кўради ва ўзи билан бирга Урганч шаҳридаги Огаҳий номидаги вилоят театрига олиб кетади ва унга устозлик қилади.

Қувондиқ Искандаров 1947 йилдан 1951 йилгача Ҳожихон Болтаев раҳбарлигидаги ансамблда фаолият кўрсатади ва шу ерда мусиқа санъатининг сир-асрорларини мукаммал ўрганишга интилади. Хоразм халқ мумтоз

ашулаларини, мақом йўлларини ўзлаштириб, Феруз–1, Феруз–2, Савти Феруз–1, Савти Феруз–2, Хоразм Суворалари, Катта Сувора, Чапандози Сувора, Хушпарда Сувора, Якпарда Сувора ва 15 та Савти Суворани муфассал ўрганиб олади.

Қ.Искандаров 1951 йил май ойидан то 1954 йилгача армия сафида хизмат қилади. Хизматдан қайтгач, яна санъат йўлидаги фаолиятини давом эттириб, 1954 йилдан 1956 йилгача Ҳазорасп тумани Халқ театрида Яккахон солист ва ансабль раҳбари вазифаларида ишлайди. Урушдан кейинги йилларда Хоразмда йўл қурилишида ишлайдиган ишчиларга концертлар қўйиб бериш учун устоз санъаткор Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Матёқуб Раҳимов, Назира Юсуповалар билан биргаликда хизмат кўрсатган.

Ўзбекистон, Туркманистон ва Қорақалпоғистон Халқ артисти Комилжон Отаниёзов раҳбарлигидаги Хоразм халқ ашула ва рақс ансамбли 1956 йил Москва шаҳрида бўлиб ўтган декадада иштирок этади. 1957 йилдан 1959 йилгача К.Отаниёзов раҳбарлигидаги ашула ва рақс ансамблида хонанда сифатида фаолият кўрсатган Қ.Искандаров ҳам шу декадада иштирок этади.

1960 йилда Қори Ёқубов номидаги ўзбек давлат филармониясига яккахон-хонанда сифатида ишга олинган Қувондиқ Искандаров қатор концертларда ўзининг ёқимли овози билан халқнинг эътиборини қозона бошлади.

1961 йил ўзбек давлат филармониясининг бир қатор хонандаларидан ташкил этилган концерт бригадасига раҳбарлик қилиб, Ўрта Осиё, яъни Қорақалпоғистон, Ўзбекистон, Туркманистон. Тожикистон, Қирғизистон республикаларида концертлар беришган.

Қувондиқ Искандаров Ўзбекистон давлат телерадиокомпанияси «Олтин фонди»га икки юздан ортиқ ашулаларини ёздирган. Устоз ҳофизлар Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Расул қори Мамадалиев, Фаттоҳхон Мамадалиев, Орифхон Ҳотамовлар билан бирга санъат йўлида хизмат қилиб, «Фарғона тонг отгунча», «Таманно», «Дугоҳ Ҳусайний–1», «Тошкент Ироғи», «Қўқон ушшоғи», «Бозургоний», «Сегоҳ», «Гулузорим», «Қўшчинор», «Ушшоқ», «Садирхон ушшоғи», «Самарқанд ушшоғи», «Гиря–1», «Қаландар–1», «Фарғона рубоийси», «Сайёра» ва бошқа шу каби мумтоз ашулаларни меъёрига етказиб ижро қилган ва халқнинг юрагидан жой олган.

1971 йилда Ўзбекистон делегацияси таркибида Ҳиндистон сафарига ҳам бориб келган. Шу йили Қ.Искандаров куйлаган ашулалари, басталаган куйлари, мақом йўлларида айтган мумтоз ашулалари ва санъат соҳасидаги хизматлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвонига сазовор бўлган.

Халқимиз севган севимли хонанда Қувондиқ Искандаров ўзининг ҳаёти давомида жуда баракали ижод қилди ва давлатимиз томонидан юксак қадрланиб, 1999 йилда Президентимиз фармонига биноан, унга Халқ ҳофизи унвони берилди.

Ўзбекистон Халқ ҳофизи Қувондиқ Искандаров 2004-йил 21-июнда вафот этдилар.

# СОТИМ АВАЗОВ
# (1930)



*Ёшлигинг, шўхликларинг соҳибжамол ёдингдаму,*
*Сочларингни тўзғатиб, эсган шамол ёдингдаму.*

Ушбу қўшиқни ва унинг ижрочисини санъат ихлосмандлари орасида билмайдиган киши бўлмаса керак. Тўғри , Сотим Авазов бундан ташқари яна кўплаб қўшиқларни халққа манзур қила олди. Лекин, Хушнуд Абдулла сўзи билан айтиладиган бу қўшиқ фақат Сотим ака учун ёзилгандек туюлади. Сабаби, хонанда бу қўшиқни шунчаки куйламаган, унга дил қўрини, қалб ҳароратини бахш этган. Санъатга муҳаббат Сотим аканинг қонига болалигидаёқ сингиб кетган. Отаси ва акаси мусиқа шайдолари бўлиб, улар ёш Сотимбойни хам шу сирли оламнинг дастлабки тилсимларидан воқиф эдилар. Бундан ташқари, у Хивада техникумди ўқиб юрган кезларида бундай ҳаваскорлик тўгарагида қатнашиб, таниқли санъаткор Сорахон Оллоберганованинг сабоқларидан баҳраманд бўлди.

Албатта, хонанданинг халқ назарига тушиши осон бўлгани йўқ. Дастлабки синов 1941-йилда бўлган. Буни Сотим ака шундай эслайди: “1941-йил эди. Ўқишни битказиб келиб, Охунбобоев номли жамоа хўжалигида зоотехник бўлиб ишлаётгандим. Туман марказидаги клубда катта йиғин ва Ҳожихон Болтаев иштирокида концерт бўлди. Бир пайт томошабинлар менинг ҳам қўшиқ айтишимни сўраб қолишди. Уларнинг илтимосини бажо келтириб, “Яхшироқ” қўшиғини куйладим. Ижрочилик маҳоратим кўпчилик қатори устозим Ҳожихонга ҳам маъқул тушди. У мени Урганчдаги эстрада ансамблида ишга таклиф этди. Сотим ака шундан сўнг икки йил мазкур ансамблда, кейин эса 1949-йилгача вилоят театрида ишлади. Устози Ҳожихон Болтаевдан мақом қўшиқларини ўрганди. Унинг ижросида “Сувора”, “Феруз” қўшиқлари тингловчилар қалбини ром этди. Вилоят театрида у Комилжон Отаниёзов, Матниёз Юсупов, Матёқуб Раҳимов, Исмоил , Абдулла Эшжонов, Назира

Юсупова, Султонпошша Рахимова каби атоқли санъаткорлар билан ёнма-ён ижод қилди.

Ансамблимиз билан гоҳ от-аравада, гоҳ пиёда концерт беришга қишлоқларга чиқардик”, – дея хотирлайди хонанда ўша кезларни эслаб, - санъаткорлар келганини эшитиб узоқ-яқиндан тумонат одамлар тўпланарди. Ҳозиргидек санъат саройлари қаёқда дейсиз, саҳнамиз бирор-бир майдонда бўларди. Ўртага машъала ёқилиб, томошабинлар унинг атрофига жойлаштириларди. Одамлар бизни жуда берилиб тинглар ва кўпинча концертимиз тонг отгунга қадар давом этарди.

Сотим Авазов 1950-53 йилларда Россиянинг чекка ўлкаларида ҳарбий хизматда бўлди. Бу пайтда ҳам у торни қўлидан қўймади. Ўзбек йигитларидан ансамбл тузиб, ўша пайтларда ушбу ансамблда Олмахон Хайитова, Ўктам Саидов, Курбонбой Ражабов, Назар Вафоев, раққоса Онабиби Қурбонова ва бошқалар бор эди. Ёшларга устозлик қилиши билан бирга ўзи ҳам ижрочилик маҳоратини оширди. Янги ашулалар ўрганди. “Фарёд”, “Сабо”, “Насруллои”, “Чапандози сувора”, “Қора дали” каби ўнлаб қўшиқларни маромига етказиб куйлай олди.

С.Авазов устози Хожиҳон Болтаев билан қарииб қирқ йил бирга халққа хизмат қилди. Тўйларда узоқ-яқин жойларда ўтказилган гастролларда унинг ёнида бўлди. Устоз ижрочилик маҳоратининг сирларини ўрганди. Айтишларича, Хожиҳон Болтаев ёши бир жойга борганида, “энди қўшиғимни Сотимбойдан, мусиқамни Қувондиқ Искандаровдан эшитасизлар”, деган эканлар. Бу билан у шу шогирдимгина ўзим сингари куйлай олади, демоқчи бўлган.

Сотимбой ака 1970-йилдан то нафақага чиққунга қадар Мадир қишлоқ маданият уйига раҳбарлик қилди. Қишлоқ бадиий ҳаваскорлари унинг раҳбарлигида туман ва вилоят миқёсида ўтказилган кўрикларда муваффақиятли иштирок этди. Эл суйган хонанда кейинги вақтларда хасталик туфайли қўлига тор олмади.

Сотимбой аканинг унвони мукофотлари ҳақида гапирмадик. Булар уни қизиқтирмаган. Муҳими, у элдошлари муҳаббатига, эъзозига сазовор бўлди. Шунингдек, ҳар қандай унвондан юксак турувчи 10 фарзанди бўлиб уларнинг барчаси хаётда ўз ўрнини топган. Ўғли Шоназар санъатни давомчиси бўлиб, халқ хизматидадир.

**HAYITBOY BOBOJONOV**
**(1930-1980)**



1943 yildan umrining oxirigacha Xorazm viloyat musiqali drama va komediya teatrida sozanda, musiqa bo`limi boshlig`i, dirijor va bosh dirijor lavozimlarida ishlagan.
Nihoyatda kuchli xotiraga ega bo`lgan usta sozanda, bastakor va dirijor.

Bastakor sifatida «Navro`z» vokal-xoreografik syuitasi, «Alangali yillar», «Shayton qiz» musiqali dramalar yozgan.

**ОТАМУРОД ҲОЖИЕВ**
**(1930-2006)**



Отамурод Ҳожиев 1930-йил 8-мартда Хоразм вилояти Урганч тумани Чакка шоликор деҳқон оиласида туғилган. Болалик йилларидан санъатга қизиқади. 1937-йилда ўрта мактабга ўқишга боради. Мактаб кезлари мусиқа тўгаракларида қатнашади. 1948-1951-йилларда ҳарбий хизматга борган. Устози Жуманиёз Собиров билан 1-маданият саройидаги мусиқа ансамблида ишлаган.

1957-йилда Москвадаги 6-Жаҳон фестивалида совриндори бўлган. 1956-йили М.Қори-Ёқубов номидаги Тошкент Давлат филармонияси қошидаги

ансамблда ишлаган. Шу даврда бир неча давлатларда ўзининг концерт фаолияти билан қатнашди. Умрининг охиригача “Лазги” ансамблида иш фаолиятини давом эттирди.

Отамурод Ҳожиев 2006-йил вафот этди.

## ЎРИНБОЙ ОТАЖОНОВ
## (1931)



1931-йилда Хонқа туманида, ишчилар оиласида туғилган. Отаси Рахимов Отажон, онаси Рахимова Дуржон.

Ёшлигидан этикдўзга шогирд бўлиб ишлаган. Кейинчалик Хазорасплик Хўжа ҳофизга шогирд бўлган. Ундан кейин Ҳожихон Болтаевга шогирд бўлиб тушган.

1950-йилда Морефлотда ҳарбий хизматда Владивостокда бўлган. Хизматдан қайтгач, маданият уйларида ишлаган. Москвада бўлиб ўтган Бутунжаҳон фестивалда қатнашган.

1970-йилдан бошлаб Ўзбекистон давлат филармониясида “Лазги” ансамблида ижодий фаолиятини давом эттирган.

1973-йилдан Юнус Ражабий номидаги “Мақом” ансамблида ишлаган. 1985-йилдан эса Хонқа туманидаги Охунбобоев жамоа хўжалигида “Сарпоён гуллар” ансамблида ишлаган.

1995-2000 йилларда Хонқа пахта тозалаш заводи қошидаги ҳаваскорлик тўгарагида бошчилик қилган. Вафот этган.

## ЖУМАНАЗАР БЕКЖОНОВ
## (1932-1999)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Жуманазар Бекжонов 1932-йили Хоразм вилояти Шовот туманида туғилган. Отаси Бекжон пояки.

Биринчи устози Маткарим ҳофиз Бобожонов эди.

1949-йили Тошкентга келиб, Шайхонтохун эстрада келиб ўзи ансамбл тузади.

1964-йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлган.

1960-йилларда Ўзбекистон филармониясига ишга қабул қилинади.

1968-йили Тошкентдаги "Лазги" ансамблида ишлаганлар.

Жуманазар Бекжонов Тожикистон, Туркманистон Республикаларида танилган ҳофиз эди. У Ҳожихон Болтаевнинг айтган ашулаларини ёнида юриб кўпгина Сувора, Савти Суворaларни эшитиб ўрганлар ва устози деб Ҳожихонни биларди.

1999-йили Хоразмда вафот этган.

## РЎЗМАТ ЖУМАНИЁЗОВ[3]
## (1933-2002)



[3] О.Матёқубов. Мақомот. Т., 2004, 325-б.

(1933-2002, Хоразм) Хоразм мақом анъаналарининг энг кўзга кўринган вакилларидан бири, Ҳожихон Болтаев мактабининг муносиб давомчиси. Рўзмат Жуманиёзов жуда кучли ҳамда кенг овоз кўламли жарангдор тенор овоз соҳиби эди. Рўзмат ака ёшлигида устоз Ҳожихон ёнида юриб ҳофизлик, созандалик ва мақом ҳамда сувора асосларини ўзлаштиришда яхши тарбия топди. Тўғри нафас олиш, овоз имкониятларидан унумли ва тежамкорлик билан фойдаланиш сиру асрорларини ўргангач, ашула айтиб чарчамайдиган ҳофиз бўлиб етишди. Якка овоз ижросида мақом ва сувора йўлларини уддалаб, кўркам санъат даражасида намойиш этишга қодир бўлган забардаст ҳофизлардан бирига айланди.

Эътиборли устоз ҳофизга ёш ашулачилар эргашадиган бўлди. У табиий овоз билан, микрофонсиз якка ижро йўлида мақом ва сувoралардан айтишни қойил қиладиган нуфузли ҳофизлардан бири бўлиб қолди. Бугунги кунда устоз ҳофиз Рўзмат Жуманиёзов ёш ашулачилар учун мумтоз мусиқа бобида ўрнак ҳамда камолот рамзи бўлиб қолди.

## ОТАЖОН РАЖАБОВ
## (1934)



Отажон Ражабов 1934-йили 15-майда Хоразм вилояти Қипчақ қишлоғида, деҳқон оиласида туғилган.

1952-йили ҳарбий сафарга кетади.

1957-йили 6-Бутунжахон ёшлар фестивалида қатнашиб, совриндор бўлган.

1960-йилда Ўзбекистон давлат филармонияси қошида Комилжон Отаниёзов, Ўзбекистон хал ҳофизи Қувондиқ Искандаров, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Кенжа Матназаровлар билан ҳам Жуманазар Бекжоновлар билан бирга ишлаган.

1979-йили нафақага чиққач, Санъат институтида коменданд васифасида ишлаган.

Ўзбекистон, Туркманистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қорақалпоғистон Республикаларида ўзининг санъатини намоиш қилиб, халқ олқишига сазовор бўлди.

## ЭГАМБЕРГАН ҚОЗОҚОВ
## (1935-2010)



Қозоқов Эгамберган 1935-йилнинг 27-январида Хоразм вилояти, Гурлан тумани Бузқала қишлоғида, зиёлилар оиласида туғилган. 1943-йил Бузқала қишлоғидаги Ибн Сино номли умумтаълим мактабини 1-синфига бориб, 1953-йил 10-синфни тамомлади. Ундан сўнг Комилжон Отаниёзов йўлланмаси билан 1954-йил Тошкентдаги Ҳамза билим юртига ўқишга кирди. Ўқиш йиллари “Баҳор” ансамблида ишлади. 1958-йил билим юртини тамомлади. 1958-1971 йиллари Хоразм вилояти Урганч шаридаги Огаҳий театрида мусиқаси, Раҳмон Аллаберганов номли № 2-сон болалар мусиқа мактабида ўқитувчи, вилоят телевидениесига қарашли мақомчилар ансамблида созанда бўлиб ишлади. 1971-йил Тошкент Давлат консерваториясида сиртқи бўлимига ўқишга кирди. Ўқитувчиси, профессор Мирза Тоиров бўлган. Ўқишни 1976-йил тамомлади. Шу йилдан Урганч шаҳридаги М.Ҳарратов номли мусиқа билим юртида ўқитувчи бўлиб ишлай бошлади. 1973-йилдан № 2-сон болалар мусиқа мактабида ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, 1980-йиллар бошида эса халқ маориф аълочиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонларини олди. Умрини охиригача мусиқа мактабига бориб ишлади. Уч йиллик оғир ҳасталикдан кейин, 2010-йил 21-июнда вафот этди.

1959-йил Бегманова Ҳалимага уйланган. 9 нафар фарзанди бор. 5 ўғил ва 4 қиз. Эгамберган Қозоқов фарзандлари ҳаммаси ота касбини эгаллаган.

## Озод (Икром) ИБРОҲИМОВ
## (1937-2007)



(1937–2007) Хоразмда эски классик куй ва ашулаларнинг пухта билимдони, моҳир созанда ва ҳофиз. У жуда ёшлигидан профессионал мусиқа санъатига қадам қїйди. 50-йилларнинг бошларида Хоразмда фаолият кўрсатаётган анъанавий услубдаги созанда ва хонандаларнинг санъатидан баҳраманд бўлди. Чинакам устозлар Бола бахши, Шерозий, Ҳожихон, Нурмамат Болтаевлар, Комилжон Отаниёзов, Каримжон Исмоилов, Олланазар Ҳасанов, Қурбонбой Бобожонов, Ҳайитбой Бобожонов каби етук ҳофиз ва созандалар Хоразм мусиқа анъаналарининг жонли тимсоллари эди. Уларнинг куй ва ашулаларини тинглаб, эски анъанавий ижро услубларининг сара хусусиятларини кўнглига жойлаб, яхшигина ижод мактабини ўтаб олди.

50-йилларнинг ўрталарида замона зайли билан И.Иброҳимов ўзбек мусиқа маданиятининг янги йўналишига боғлиқ бўлган ўқув муассасаларида таълим олди. У, аввало, Тошкент мусиқа билим юрти, кейинчалик эса консерваторияда қашқар рубобида таҳсил кўрди. Мазкур чолғуда Ўзбекистон ва жаҳон композиторлари асарларини ижро этиб, ўз билим ва тажриба доирасини кенгайтирди. Аммо вақт ўтиши билан миллий чолғуларда жаҳон композиторларининг асарларини ижро этиш ғоялари ўз ўзанига тушиб, асл анъаналарнинг қадри янада тиклана бошлади. Бошқа тажрибали созандалар каби И.Иброҳимов ҳам мақомлар бағрига қайтди. Эски кўникма ва тажрибаларини хотирада тиклаб, бутун вужуди билан мақом ва суворий асосларини қайта ўзлаштиришга киришди. Яқин маслакдоши Озод Бобоназаров билан *Хоразм танбур чизиғи*да битилган матнларни қайта тиклашда ҳамкорлик қила бошлади.

И.Иброҳимов чуқур истеъдодли созанда ва ашулачи. Куй ва ашулаларни тез илғаб олиш қобилияти туфайли жуда кўп нарсани хотирасида сақлаб юради. Айни чоғда талайгина шеърий матнларни ҳам ёддан билади. Бошқа "*авом созандалар*"дан фарқли равишда мусиқа тарихи ҳамда илмий асослари хусусида билимларга эга. Мақом ва сувора йўлларининг ички мантиқи, куй

тузилиш тартиблари, парда ва усулларнинг нозик сифатларигача мутолаа қилиш даражасидаги зукко санъаткор эди[4].

## БЕКЖОН ОТАЖОНОВ

## (1937-1996)



Комилжон Отаниёзовнинг севимли шогирди устоз санъаткор Бекжон Отажонов 1937-йил 15-январ куни Хоразм вилояти Янгиариқ туманида таваллуд топган. У 1959-йили Москва шаҳрида бўлиб ўтган “Ўзбекистон Маданияти Кунлари” концерт дастурида қатнашган.

1960-йилдан 1996-йилгача Огаҳий номли драма ва комедия театрида актёр, яккахон бўлиб фаолият юритган.

Театрда кўплаб образларни яратган Бекжон Отажонов “Лайли ва Мажнун” спектаклида бош қаҳрамон Мажнун ролини, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” спектаклида Ошиқ Ғариб ролини ва яна бошқа жуда кўплаб қаҳрамонларни ролини ижро этган.

Табиатан ёқимли тембрли, кенг овоз кўламли овоз соҳиби Бекжон Отажонов устоз санъаткор Ҳожихон Болтаев назарига тушиб “Мақом ансамбли”га таклиф қилинади. Шу ерда бир қанча мақом ашулаларини радио, телевидения, магнит тасмасига ёзилган. Бугунги кунда бу тасмалар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида ва Хоразм телеведения ва радиоси олтин фондида сақланмоқда.

Бекжон Отажонов 1992-йили Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист давлатимиз унвони билан тақдирланади. Устознинг фарзанди Азамат Отажонов ҳам ота изидан бориб, санъат йўлини танлади. Бугунги кунда Азамат Отажонов мақом ва Хоразм суворaларини мукаммал даражада ижро қиладиган эл суйган санъаткорлардан бири.

Устоз санъаткор Бекжон Отажонов 1996-йил 13-январ куни вафот этди.

---

[4] О.Матёқубов. Мақомот. Т., “Мусиқа” нашриёти, 2004. 324-325 бетлар.

**БОБОМУРОД ҲАМДАМОВ**
**(1940)**



Бобомурод Ҳамдамов 1940 йили 3 апрел куни Чоржўй шаҳрида таваллуд топди.

Ёшлигидан соз чалишга, ашула айтишга қизиққан ёш Бобомурод мактабдаги мусиқа тўгаракларида фаол қатнашиб, наики тадбирлар бўлса бажонидил қатнашган. У атоқли санъаткор Комилжон Отаниёзов ижодига меҳр қўйиб, Комилжон Отаниёзов ижро этган барча ашулаларни ёддан айтар эди. Кунларнинг бирида Ўзбекистон, Туркманистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов Чоржўйга концерт сафари билан келиб қолди. Шунда ёш Бобомурод Ҳамдамов Комилжон устоз билан концертдан олдин кўришиб, унга ғоибона шогирд эканлигини айтиб, ўзи ўрганган, билган ашулалардан бир нечтасини ижро қилиб беради. Комилжон Отаниёзов эса яна олти ойдан кейин Чоржўйда ашула ва рақс ансамбли тузмоқчи эканлигини айтиб, иқтидорли ёш созанда, хонанда ҳамда раққосаларни тўплашини буюради. Бу ҳизматни Бобомурод Ҳамдамов бажонидил адо этади. Ёнига кўплаб ёш ижрочиларни тўплаб, ансамблнинг очилишига қизғин тайёргарлик кўришади. Комилжон Отаниёзов бу ерга келиб, иқтидорли ёшларга устозлик қилади ва узоқ вақт кутилган ансамбл концертлар беради. Бобомурод Ҳамдамов бу ансамблда яккахон хонанда ва Комилжон Отаниёзов ҳизмат сафарлари билан кетган вақтларида ансамблга раҳбарлик қилади. Ансамбл ижро дастури асосан ўзбек мумтоз ва халқ куй қўшиқларидан тузилган бўлиб, Туркманча, Қорақалпоқча ва русча асарлар ҳам бор эди. Мазкур ансамблнинг довруғи нафақат Туркманистон балки Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонга ҳам етиб боради. Қўшни давлатлардаги концертлари кўтаринки руҳда бўлади.

Бобомурод Ҳамдамов ўзининг ижро услубига келадиган бўлсак, у аслида – ўзбек ашулачисидир. Овоз имконияти жуда кенг бўлиб, ўрта регистрдан энг юқори авж пардасигача баланд ва жарангдор. Товуш тембри нозик ва гўзал лирик тенордир.

Унинг ижросидаги барча жанрдаги асарлар шинаванда халқ учун бирдек севимли. Бобомурод Ҳамдамов гоҳ мақом, гоҳ суворий, гоҳ халқ ашулалари,

гоҳ бастакорлар асарлари ёки ўзи басталаган асарларми барчасини ўз услубига солиб ижро этади. Унинг дастлабки ижролари услубига яқин бўлса, кейинги ижроларида батамом ўзининг ижро услуби пайдо бўлганлиги кўринади. Унинг услубидаги майинлик, тадаффузнинг аниқлиги, ҳар бир харфнинг ўз гўзаллигида жаранглата олиши унинг усталигидан далолат беради.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида У тўғрисида шундай дейилади: “Бобомурод Ҳамдамов 1979 йили Туркманистонда хизмат кўрсатган артист. 1983 йили Ўзбекистон халқ артисти. 1985 йили Туркманистон халқ артисти унвонлари билан тақдирланган. Ашула айтишни Чоржўй вилоят филармониясида хонандаликдан бошлаган. Ашулачиликни устозона йўлларини Комилжон Отаниёзовдан ўрганган. Кейинчалик Ўзбекистон ва Туркманистон филармонияларида турли вазифаларда ишлаган. 1994 йилдан нафақада. Ўтган асрнинг 1960-2000 йиллари Бобомурод Ҳамдамов ижодининг энг гуллаган даври бўлган”.

Дарҳақиқат, 1960 йиллардан ашулачилик соҳасини эгаллаб, ўзоқ йиллар давомида тобора бу соҳанинг ичига чуқур кириб борди. Ижрочилиги энг гуллаган даврида унинг дастурида халқ мумтоз ашулалари «Феруз- I-II» “Савти Феруз”, «Хоразм Сегоҳи», «Чапандози сувора», «Кажҳанг сувора» сувора савтлари, Хоразм ва туркман халқ достон қўшиқлари, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достонидан «Найлар», «Бўлмас», «Боғбоним бўл», “Тоҳир ва Зуҳра” достонидан «Боғ сайлина кетайлик», «Сендан айрилиб», «Сан-сан», “Саёдхон ва Ҳамро” достонидан «Сайёдинг», «Ёрим қолди», «Қурбон бўлайин», “Гўрўғли” достонидан «Сан ёр геткали» номалари, ўзи басталаган асарлардан «Елпеселенди», «Ўзимни ноним», «Жалолиддин» каби кўплаб асарлар, шунингдек ҳинд, афғон, тожик, туркман, озарбайжон, қўшиқлари ўрин олган.

Бобомурод Ҳамдамов Марказий Осиё давлатларининг барчасида, Ҳиндистон, Покистон, Непал мамлакатларида ва АҚШнинг барча штатларида ижодий сафарда бўлган. Бобомурод Ҳамдамов созанда, яъни торчи ва ўзи айтадиган 200 дан ортиқ қўшиқ ва ашулаларининг бастакори сифатида ҳам танилган. Бобомурод Ҳамдамов хонандаликдаги эҳтирос, шижоат ва жўшқинлик ижрочининг асар мазмунини чуқур билиши, айниқса ўзбек ва туркман бахшичилик мактаблари номалари анъаналарига таянган ҳолда яратилган бундай қўшиқлари унутилмас ва тингловчилар қалбидан чуқур жой олишига муҳим омил бўлган. Бобомурод Ҳамдамов миллий қўшиқчилигимиз соҳасида ўзига хос мактаб яратган хонандалардан биридир.

## ОЛМАХОН ҲАЙИТОВА
## (1940-2013)



Олмахон Ҳайитова 1940 йилнинг 3 июн ойда, Хоразм вилоятининг Хонқа туманида таваллуд топди. Ёш Олмахон мактабда ўқиб юрган кезларида мусиқий тўгараклардан ортмаган экан. Олмахон Ҳайитованинг тенгдош дўстларини хотирлашича бу қизча санъатга шу даражада берилган экан, ҳатто радио ёки телевизордан концерт бўладиган вақтда ҳеч кимни гапиртирмай ортиқча шовқинсиз жим туриб эшитар экан. Айниқса ўша кезлари аёл хонандалардан Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Берта Давидова, Коммуна Исмоилова, Султонпошша Раҳимова, Назира Юсупова ва бошқаларни ижро этган асарларини ёдлаб олиб, куйлаб юрган экан. Йиллар ўтиб Олмахон Ҳайитова тобора улғайиб, борган сари санъатга ошно бўла боради.

Маълумки, Ўзбекистон халқ артисти Ҳожихон Болтаев ва уларнинг аёллари Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган артист Назира Юсупова Хонқанинг Қаричмон қишлоғида яшаб ижод этишган. Бу қишлоқ Олмахон Ҳайитова яшайдиган уйидан узоқ эмас эди. Шунинг учун у устозлари Назира Юсупова ва Ҳожихон Болтаевларнинг уйига бориб, ашула ўрганар эди. Аммо ашула айтишни дастлаб тўгаракдаги устози Ўлмас Саидов ва кейинчалик Комилжон Отаниёзовдан ўрганган.

Олмахон Ҳайитованинг овоз имконияти кучли ва юксак даражада ривожланган, пастки пардадан энг юқори авж пардасигача икки октавадан ортиқ товуш кўламини ўз ичига олади, барча пардада бирдек товуш жарангдорлигига эришган, гўзал тембрли, *лирик сопранодир*. Албатта бу даврларда аёллар хонандалик қилиши қийнроқ эди. Аммо бу ҳаёт қийнчиликлардан қўрқмай Олмахон Ҳайитова дастлаб қашқар рубоб чалиб кейинчалик тор чертиб ижро этишни ўзига ижро услуби сифатида ўзлаштирди. Албатта хонанда овоз имкониятлари аъло даражада бўлса бу яхши, агар шу хонанда мусиқий соз чалиб, куйласа ундан ҳам яхши. Баъзида хонанда ўз ашулаларига ижодий ёндашиб, ашула орасида мусиқий машқлар, импровизация, яъни бадиҳагўйлик қилиб ижрони янада бойитиши мумкин. Шундай пайтларда хонанда ўзи мусиқий соз ижро этгани маъқул. Айниқса,

эркак хонандалар тор, танбур, дутор, ғижжак каби созларини ўзлари чалиб хониш қилишни одат этганлар. Аммо аёл хонандалар дутор ёки доира созларини чертиб куйлашган. Аёллар орасида Олмахон Ҳайитова тор чалиб куйлашни расм қилган.

1958 йилда Янгийўл шаҳрига кўчиб келиб, шу ернинг театрида яккахон ашулачи сифатида ишлайди. 1959 йили Москвада бўлиб ўтган VI-жаҳон ёшлар фестивалига қатнашиб, ғолиб бўлди. Олмахон Ҳайитованинг ижролари аста секин халқ оғзига тушиб, борган сари танила борди. 1968 йили Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган артист унвони билан тақдирланди. Ўтган асрнинг 1960-2000 йиллари Олмахон Ҳайитова ижодининг энг гуллаган даври бўлиб, бу вақтда унинг ижро дастуридан халқ мумтоз ашулалари «Феруз- I», «Гулузорим», «Самарқанд ушшоғи», «Тошкент Ироғи», ва халқ достон номалари, яъни Ошиқ ғариб ва Шоҳсанам достонидан «Озод қил», «Било-билмадим», «Хатингни», «Боғ сайлина галади» ҳамда кўплаб композитор ва бастакорлар асарларидан, «Аму тўлқини» Ғофур Ғулом шеъри Султон Ҳайитбоев мусиқаси билан «Ўзбекистон гуллари» Султон Ҳайитбоев мусиқаси «Найлайин» Комилжон Отаниёзов мусиқалари билан ашулалар ижро этган. Шунингдек ижро дастуридан туркман, озарбайжон қўшиқлари ҳам ўрин олган. Олмахон Ҳайитова созанда, яъни ўзига торда жўр бўлиб Республика радиоси фондига 250 дан ортиқ асарларни ёздирган.

Бу ҳизматлари хукуматимиз томонидан инобатга олиниб 1993йилда Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист. 1992 йилда Ўзбекистон халқ артисти унвонлари билан тақдирланди.

Олмахон Ҳайитова Марказий Осиё давлатларининг барчасида, АҚШ, Куба, Германия, Исроил, Марокаш, Англия, Тунис, Можаристон, Франция мамлакатларида ижодий сафарда бўлган.

Олмахон Ҳайитова ижро этган асарларидаги эҳтирос, шижоат ва жўшқинлик ижрочининг асар мазмунини чуқур билиши, бундай қўшиқларни унутилмас ва тингловчилар қалбидан чуқур жой олишига муҳим омил бўлган. 1995 йилда Ўзбекнаво концерт гастрол Хоразм вилоят бирлашмаси раҳбари бўлган. Хозирги кунда гарчи нафақада бўлсада 2003 йилдан Абдулла Қодирий номидаги маданият институти профессори лавозимида ёш хонандаларга сабоқ бериб келмоқда.

2013-йили вафот этган.

**РАУФ АЛЛАБЕРГАНОВ**
**(1940)**



Рауф Аллаберганов 1940-йил 12-майда Хоразм вилоятининг Гурлан туманида туғилган. Ўрта мактабни тамомлаб, Тошкентдаги Низомий номли Педагогика институтининг мусиқа ва ашула факультетини 1967-йилда тамолаган. Ундан кейин 1978-йилда Тошкент давлат Университетининг тарих ва жамиятшунослик факультетини муваффақиятли тамомлаган. У Хоразм Урганч Педагогика институтида ўқитувчи, Гурлан туманида мусиқа ва ашула ўқитувчиси ва директори бўлиб ишлади. Маданият уйида “Наврўз” ансамблига ташкилотчи ва раҳбар бўлиб узоқ йиллар ишлаган. У Республика миқёсида “Ҳофиз қўшиқлари” телевидение ва радиода доимий эшиттиришлар олиб борган. Рауф Аллаберганов Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Нурмамат Болтаев, Абдусамад Илёсов, Абдулла Исчонов, Раззоқ Ҳасановлардан ашулачилик ва созандалик сирларини чуқур ўрганган. Рауф Аллаберганов шоир сифатида ҳам танилиб, унинг “Ватанимни куйлайман” шеърий китоби чоп этилган. У кўплаб шогирдлар етиштирган санъаткорлар устозидир.

**HASAN KARIMOV**

**(1942)**



Каримов Ҳасан 1942-йил 8-августда Хоразм вилояти Урганч шаҳрида таваллуд топган. Отаси Матчанов Карим колхозчи, онаси Каримова Норжон уй бекаси эди.

1949-йил умумтаълим мактабига ўйишга бориб, 1959-муваффақиятли тамомлаган. Шу йили Хоразм вилояти Огаҳий номли мусиқали драма театрида созанда бўлиб иш фаолиятини бошлаган. Ўша вақтларда Ҳожихон Болтаев, Шерозий Ёқубов, Комилжон Отаниёзов, Олмахон Ҳайитова, Абдушариф Отажонов, Ҳайитбой Бобожонов, Назира Юсупова ва Султонпошша Раҳимовалардан сабоқ олган.

1972-йили Тошкентда ўтказилган "Марҳабо талантлар" Республика телевизион бадиий ҳаваскорлар кўригида Хоразм педагогига институтидан ижрочи сифатида қатнашиб, юқори балл олган, ғолиб деб топилган.

1976-93 йиллари Тошкент давлат филармонияси қошидаги "Шодлик" ва "Лазги" ансамблининг яккахон хонандаси бўлиб ишлади.

Умрининг 50 йилдан ортиғини санъатга, шеъриятга бағишлади. Кўплаб қўшиқ ва шеърият мухлисларига устоз даражасида танилган.

## ОТАЖОН ХУДОЙШУКУРОВ
## (1944-1994)



Халқ орасида «Оллоҳ томонидан хушсадо гўзал овоз ато этилган киши ярим подшоҳдур» деган ҳикмат бор. Отажон Худойшукуров ана шундай неъматдан баҳраманд бўлган инсонлардан бўлиб, ҳозир у орамизда бўлганида олтмиш беш ёшда бўлар эди. Яъни, Отажон Худойшукуров 1944 йил, 4 октябрда Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманида таваллуд топган. Ёшлигидан санъатга иштиёқи баланд, радио, телевидениядан, тўй ёки ҳашамларда бирон–бир қўшиқни эшитса шу заҳоти ёдлаб олиш қобилиятига эга эди. Ёш Отажоннинг зеҳни ўткир, иқтидорли ва нафисликка лиммо–лим қалб эгаси эканлиги сезилиб турар эди.

Унинг овоз имконияти болалигиданоқ юксак даражада ривожланган, пастки пардадан энг юқори авж пардасигача икки октавадан ортиқ товуш кўламини ўз ичига олган, қайси пардада хониш қилмасин барчасида бирдек товуш жарангдорлигига эришган, гўзал тембрли, лирик тенор овозга эга эди. Аммо ато этилган бу иноятни асраб-авайлаш, томоқнинг пай мушакларини тарбиялаш, равон ва қувватли нафас ила ривожлантириш, уни тўғри қўллай билиш, юрак дардини, қалб туғёнини бундай буюк неъмат воситаси билан

машаққатли меҳнат орқали, юксак санъат даражасида юзага чиқариш ва барчани ундан баҳраманд қилиш ҳар кимни ҳам қўлидан келавермайди.

Отажон Худойшукуровнинг чаппани одатлари, бир сўзлилиги, дўстга содиқлиги ва бошқа инсоний фазилатлари тўғрисида кўп айтилган ва ёзилган. Биз асосан унинг ижодини, ижро қилган мумтоз ашулалари ва яратган асарлари ҳақида гапириб ўтмоқчимиз. Даслаб Отажон Худойшукуров куйлаган достон номалари асосида яралган асарлари: Хоразм ва умуман Амударё қуйи оқимидан етишиб чиққан хонандалар ўз ижодиниинг дастлабки босқичида достон қўшиқларига мурожаат этишади. Бу бежиз эмас. Чунки Хоразм достончилиги ўзига хос бир мактаб бўлиб, Марказий Осиё ҳудудида бундай достончилик мактабининг қиёси йўқ. Ушбу мактаб бахшилари достон матнини ҳикоя тарзида, шеърларини эса очиқ овозда, қўшиқ шаклида (дутор ёки тор,буломон ёки ғижжак, доира) кичик ансамбл жўрлигида ижро этишади. Мумтоз ашула ва мақомлар сарой муҳити ва уни тинглашга тайёргарлиги бор хос муҳлисга мўлжалланган бўлса, достон қўшиқлари биринчи навбатда шеъри бармоқ вазнидаги, барчага тушунарли, куй жумлалари ҳам унча мураккаб бўлмаган мотивлардан тузилган, доира усуллари оддий лекин ривожланиб, майдаланиб, жўшқинлашиб борувчи, қўшиқ дипазони кенг овоз кўламини талаб қилмайдиган асарлардир. Улар шакли жиҳатидан ихчам, ўйноқи, авжлари унча баланд бўлмаган ва ўртача мураккабликдаги қўшиқлар бўлиб, бошловчи хонандалар учун дастлабки пағона вазифасини ўтаган. Отажон ака ҳам бундан мустасно эмас албатта. Унинг етмишинчи йиллари пластинкаларга дарж этилган «Гўрўғли» достонидан Оға Юнус Пари тилидан айтилган:

Жонима ўт солди айролиқ ғами,
Ёрни маннан мани ёрдан айирди.

қўшиғи ўша даврнинг каттаю кичик шинавандалари ёдида муҳрланиб, қаерда юрса ҳам хиргойи қилинадиган оҳанглардан бири бўлиб қолди. Ёки шундан сал кейинроқ Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам достонидан “Галар саллона–саллона” номаси авж пардаларидан бошланиб нақаротлари даромадда қайтирилади. Хусусан Отажонга эргашадаган, яъни яхши маънода унга тақлид қилувчи ёшлар «саллона» сўзидаги «С» ҳарфини Отажон акага ўхшатиш учун «Ш» симон қилиб айтишарди, чунки Отажон Худойшукуровда худди шундай талаффуз мавжуд эди.

Достон куй ва қўшиқлари уларнинг усуллари ва услубларини яхши билган Отажон Худойшукуров шу асосда яратилган Ҳожи Абдуллазиз Абдурасулов ижодига мансуб Бозургоний, Қўшчинор, Гулузорим шунингдек, Курд Эшвойи, Самарқанд ушшоғи, Тошкент Ироғи каби асарларни меъёрига етказиб ижро этган. Бунинг натижасида унинг хонандалик ижоди табиийи равишда тобора сайқалланиб, ривожланиб борди.

Отажон Худойшукуров ашулаларининг парда тизими ўзига хос бўлиб ҳар доим бетакрорликка интилиб келган ва Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов мактабининг бошқа намояндаларининг яратган асарларидан ажралиб туради. Бунинг сабаби Отажон ака кўпроқ манғитлик Назир қори ва Жуманазар Бекчонов каби устозларга нисбатан катта меҳр қўйган ва ҳурмати баланд эди. Уларнинг ижодий йўли достон куйлари асосидаги яратувчилик билан чамбар-

час боғлиқдир. Айниқса достонлардаги вазн, парда, усул хусусиятларини ўз ижодларида қўллаш, завқи келган пайтда торни юқори пардаларга созлаб ашула айтиш, улар билан тез-тез мулоқотда бўлиш, хабар олиш Отажон акага хос хусусият эди. Шунинг учун ҳам у ўз ижодида номлари келтирилган устозларга эргашган ҳолда ашула ва қўшиқлар яратишга интилган. Отажон аканинг бундай ашулалари жуда кўп бўлиб, ҳар бири ҳақида катта-катта мақолалар ёзиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам ўзаги халқ оҳангларининг чуқур илдизларидан баҳра олиб яратилган асар тингловчи ва шинавандаларни юрагига етиб боради, қалб тўридан жой олади ва умри боқийлик касб этади.

Эл эъзозлаган санъаткор ўз халқининг хотирасидан умрбод ўчмайди. Унинг жўшқинлиги мисоли Жайхундек бетакрор ижрочилик санъати, қолдирган мероси, замон ва макон сарҳадларидан умр карвони мулкида тингловчиларининг руҳиятига озуқа ва қувват бағишлаб, ёш ижодкорларни илҳомлантириб, авлоддан–авлодга ўтиб боражак.

Отажон Худойшукуров қисқа эллик йиллик умри давомида концертларда, гастролларда ва эл хизматида камарбаста бўлиб, умрининг ҳар лаҳзасидан унумли фойдаланди. Яъни 300 га яқин қўшиққа куй бастаалади ва ўзи ижро этди. Бундан ташқари мумтоз ашулаларни маромига етказиб куйлади. Ўзбек санъатини яқин ва узоқ хорижда тарғибот қилди.

Отажон Худойшукуров 1994 йил 23-декабрида вафот этдилар.

## BAXTIYOR SAFOYEV
## (1946-1996)



1962-1980 yillar mobaynida Ogahiy teatri orkestrida sozanda (changchi) vazifasida xizmat qilgan.

1975 yildan umrinig oxirigacha R. Olloberganov nomidagi musiqa maktabida yosh sozandalarga ustozlik qilib, chang va dutor sinflari bo`yicha saboq bergan.

## ОРТИҚ ОТАЖОНОВ
## (1947)



Ўзбекистон, Қорақалпоғистон ва Туркманистон халқ артисти Ортиқ Отажонов 1947 йили 30 январ куни Хоразм вилоятининг Боғот туманида таваллуд топди.

Ёшлигидан мусиқага кўнгли ошно бўлиб, даслабки мусиқа устози радио бўлган десак адашмаймиз. Чунки илк бор ўрганган асари радио орқали эшиттириладиган ашулалардан бошланган. Буюк хонандалар Ўзбекистон халқ артисти Ҳожихон ва унинг укаси Нурмуҳаммад Болтаевлар радио орқали ижро этган суворийлар ҳамда мақомлар. Айниқса Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов куйлаган кўплаб асарларни ёшлигиданоқ ўрганиб, куйлаб юрган. Ёш Ортиқжонни иқтидорига қойил қолган ота оналари уни хонанда бўлишини тўла қўллаб қувватлаб, бу соҳада ўқитишди.

1963 йили Урганч шаҳридаги Матюсуф Харратов номли мусиқа билим юртини рубоб синфига ўқишга киради.

Албатта, ҳар бир ўғил бола ўсмир пайтида овози расида бўлади. Бу даврда ёш хонандалар кўлами нисбата кичикроқ ашулалар айтиб, овозларини зўриқтирмайдилар. Акс ҳолда бўлажак хонандалар овозлари бузилиши, ёки шунга ўхшаш салбий оқибатларга бўлишлари мумкин. Ортиқ Отажонов ҳам ўсмир вақтида ашулани нисбатан камроқ айтиб, кўп вақтини соз чалиш билан ўтказар экан. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ҳам тор чалиш бўйича хонандалар орасида энг маҳоратлисидир. Унинг овоз имконияти ўрта ва юқори регистрларда жарангдор. Товуш тембри сўлим ва майин. Бундай овоз турини европа овоз мутаҳассислари драматик тенор деб атайдилар.

1968 йилдан Муҳиддин Қори Ёқубов номидаги ўзбек давлат филармониясида яккахон хонанда, «Лазги» ашула ва рақс ансамблида дастлаб хонанда ва кейичалик кўп йиллар давомида раҳбар лавозимларида фаолият юритади.

Абдулла Қодирий номидаги маданият институтини сиртдан ўқиб, ўқишни 1980 тамомлади.

Ўтган асрнинг 1960 йиллардан бошлаб Ортиқ Отажонов ижодининг энг гуллаган даври бўлиб, бу вақтда унинг ижро дастуридан халқ мумтоз

ашулалари бўлмиш «Феруз», «Суворий», «Хоразм мақомлари» дан кўплаб намуналар ижро этди. Ўзи яратган асарлари эса шу давларда янги йўналиш, яъни, лирик ижрочилик услубида бўлган.

Маълумки, ҳар бир даврнинг ўзини янги ижрочилик йўналиши мавжуд. жумладан: «Чарвоқ чироқлари», «Зеболаниб келибсиз», «Она диёрим», «Эй нурли ватан», «Хоразм фарзандиман», «Юрт ўғли бўл», «Мустақил карвоним», «Орол дарди», «Ватан», «Ота-онанг», «Сенинг кулишларинг», «Ибияй», «Бошқача», «Хоразмда Хива бор», «Куйлар», «Муҳаммаси Бозургоний» ва туркман, озарбайжон, рус, араб қўшиқлари ўрин олган. Уларнинг кўпчилиги миллий телерадио компанияси олтин фондида сақланмоқда.

Бундан ташқари «Ортиқ Отажонов куйлайди» номли иккита грампластинка чиқарилган ва « Ортиқ Отажонов» номли ярим соатлик фильм концерт яратилган.

Ортиқ Отажонов кўплаб ҳорижий давлатларда ҳам ўз санъатини намойиш этиб келмоқда. Марказий Осиё давлатларининг барчасида, Югославия, Македония, Афғонистон, Ҳиндистон, Непал, АҚШ, Мали, Марокаш, Иордания, Сурия, Япония, Малазия, Сингапур, Австралия, Янги Зеландия, Болгария, Дания, Франция, Голландия, Саудия Арабистони, Араб амирликлари каби мамлакатларида ижодий сафарда бўлган.

Ортиқ Отажонов созанда торчи ва ўзи айтадиган 300 дан ортиқ қўшиқларининг бастакори сифатида ҳам танилган. Ортиқ Отажонов қўшиқларидаги эҳтирос, шижоат ва жўшқинлик ижрочининг асар мазмунини чуқур билиши, айниқса ўзбек мумтоз ва халқ мусиқий ижодиёти анъаналарига таянган ҳолда яратилган бундай қўшиқлари унутилмас ва тингловчилар қалбидан чуқур жой олишига муҳим омил бўлган. Ортиқ Отажонов миллий қўшиқчилигимиз соҳасида ўзига хос услуб яратган хонандалардан биридир.

Ортиқ Отажоновнинг санъат йўлидаги ҳизматларидавлатимиз томонидан инобатга олиниб 1980 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, 1991 йилда Ўзбекистон халқ артисти унвонлари тақдим этилди. Ортиқ Отажоновни нафақат ўзбек шинавандалари балки қўшни давлатлар мусиқа иҳлосмандлари орасида ҳам кўплаб муҳлислари бор. Шу сабабли унга 1993 йилда Туркманистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти унвонлари билан мукофотланди.

## БОЗОРБОЙ ЎРИНОВ
## (1951)



Хонқалик истеъдодли бастакор, устоз мақомдон Бозорбой Ўринов 1951 йилда ишчи оиласида туғилган. 1966-1970-йилларда М.Харратов номли Урганч Давлат мусиқа билим юртини, 1970-1974-йилларда Тошкент Давлат педагогика институтининг мусиқа факултетинида таҳсил олган. У меҳнат фаолиятини 1974-йилдан Хоразм вилоят Хонқа туман Болалар мусиқа мактабида ўқитувчиликдан бошлаган. 1976-1979-йилларда Охунбобоев жамоа хўжалиги "Сарапоён гуллари", 1980-1987-йилларда Хонқа марказий маданият уйи қошидаги "Дилором" ашула ва ракс халқ ансамблларида бадиий раҳбар бўлиб фаолият кўрсатган.1988 йил Хоразм вилоят телерадиокомпанияси қошида мақом жамоаси тузиб, бебаҳо маънавий бойлигимиз болган Хоразм "Рост", "Бузрук", "Наво", "Дугоҳ", "Сегоҳ" ва "Ироқ" мақом туркумларининг айтим йўлларини Республика ва вилоят радиосининиг олтин хазинасига ёздирди, видеотасвирларга муҳрлади, шунингдек жамоа ижро қилган мақомларни тўлалигича нотага олиб, хайрли ва савобли ишларни амалга оширди.

Бозорбой Ўринов ўтган улуғ бастакорларнинг анъанасини давом қилдириб,қадим бастакорлик амалиётидан келиб чиққан ҳолда, мақомларимизнинг бизгача этиб келмаган қисмларини тўлдириш борасида тинмай изланиш олиб бориб, Хоразм 7 қисмли "Қалъабанди", 7 қисмли "Рок"туркуми ва 9 қисмдан иборат "Панжгоҳ" мақомининг айтим йўлларини янгидан басталаб тўлдирдиш билан бирга, ўзи ҳам 20 дан ортиқ анъанавий мақом тарзидаги оригинал ашулалар яратди.

У Ўзбекистон бастакорлар уюшмасининг аъзосидир. Унинг бастакорлик фаолияти серқирра бўлиб, ижодий фаолияти давомида тарихий ва долзарб мавзуларда 7 та спектакл ва 3 та видеофилмга мусиқа, Она Ватанга садоқат ва ватанпарварлик руҳида 30 дан ортиқ йирик хор ва восал асарлари, 50 дан ортиқ лирик қўшиқлар, 20 дан ортиқ миллий эстрада, 30 га яқин болалар, фолклор жамоалари учун 40 дан ортиқ шўх ҳазил ва ҳажвий қошиқлар, 10дан ортиқ чолғу куйларининг муаллифидир.

Бастакорнинг "Мустақиллик қасидаси", "Муаллимлар", "Муҳаббатим сенсан – Ватаним", "Ватан", "Меҳр нурин сочиб яшанг, одамлар", "Ватан

посбонлари", "Мангуберди-ворисимиз", "Шукрона" восал асарлари, "Юртимизда шодиёна" вокал хореграфик сюитаси Республика қўшиқ байрами танловларида совриндор бўлган. Шунингдек, у мусиқа басталаган "Жавлон Жўрра" мусиқали комедия, "Авесто-Меҳр фарзанди" тарихий мусиқий драма, "Арабмуҳаммадхон" мусиқий тарихий фожиа, "Бола кўтарган аёл" мусиқий драмалари Республика театр жамоалари фестивалларида етук саҳна асарлари деб эътироф қилинган.

Бозорбой Ўриновнинг "Гулла, яшна, юксал – Ўзбекистоним", "Сизмусиз" қўшиқлари она заминимизда ўтказилган шоҳ ва шоир Ферузнинг 150, кўҳна Хиванинг 2500 йиллик тантаналарида, "Тўйга келинг", "Офатижон лазги", "Тўхта қизча", "Лачакингнан-ов", "Кампиржон ойнанин, гал қучоқа", "Чаққида чопилғангина", "Қовун савдоси", "Олмали боғ" каби 10 дан ортиқ шўх хазил қўшиқлари ва айтишувлари Республикамизнинг Мустақиллик ва Наврўз умумхалқ байрамларининг нуфузли катта саҳналарида Хоразм бадий жамоалари томонидан юксак маҳорат билан севиб ижро этилиб, мамлакатимиз ва ҳорижлик санъатсевар тамошабинларнинг қалбларида ўчмас из қолдирган.

## БОТИР МАТЁҚУБОВ
## (1953)



Ботир Матёқубов 1953 йилнинг 12 январида Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида хизматчи оиласида дунёга келган. 1960 йили Қ.Исмоилов номли умумтаълим мактабининг биринчи синфига ўқишга боради. Ўқиш давомида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Юсуф Жабборов раҳбарлигидаги мусиқий тўгаракда қатнашиб рубоб чалиб қўшиқ айтишни ўрганади. Шу билан бирга 1967-68 йиллари болалар мусиқа мактабининг рубоб синфида Э., О.Ибодуллаев, К.Авазовлардан таълим олади. 1968 йили ўрта мактабнинг саккизинчи синфини тамомлаб М.Харратов номидаги Урганч мусиқа билим юртининг А.Г.Масликов синфига кларнет ихтисослиги бўйича ўқишга киради. 1969 йили билим юрти директори Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Матниёз Юсупов ташаббуси билан ўқувчи ҳамда ўқитувчиларнинг Ўзбекистон халқ артисти Ҳожихон Болтаев, укалари Нурмуҳаммад Болтаев ва созчи Жуманиёз Ҳайитбоевлар билан бўлган учрашув унда катта таъсурот қолдирди. Бу учрашувда Ботир дил сўзларини айтиб, улуғ устозларга узоқ умр ва ижодларига барака тилаганлигини фахрланиб эслайди.

Баҳодир Муртазоев устозлигида кларнет ихтисослиги бўйича консерваторияни тугатиш арафасида Отаназар Матёқубов билан гапиришиб, мусиқа тарихига қизиқишини айтиб, Бола бахши, Вовоқ ота ва Юсуф Жабборовдан эшитганларини қисқачароқ ёзиб бораётганлигини гапирганида Отаназар ака: - «Олдинроқдан қаерда эдинг, ўқишга кирганингда менга ёрилсанг бўлмасмиди?» деб, ҳазил аралаш ўз афсусини билдирди. Бу қизиқишингни ривожлантириш учун энди ўқишни битказганингдан кейин ҳам ҳаракат қилсанг, излансанг бўлади. Аммо билим билан илмни фарқи бор. Ҳозирча сенда эмпирик - яъни амалий ижрочилик билимни ўргангансан, бироқ унинг тарихий - назарий томонларини ривожлантириш учун илмий асарлар ва тадқиқотларни жуда кўп ўқишинг керак ва қандай қилиб ёзиш масаласида улардан андоза олишинг зарур деган эдилар.

Шу бўладию Ботир М.Харратов номидаги Урганч мусиқа билим юртида ишлаган ўн икки йил давомида Отаназар аканинг ўгитларига амал қилган ҳолда излана бошлайди. Бу даврларни Ботир ҳаётининг ижодий жабҳасини ривожланиш палласи деса бўлади. Чунки шу вақтдаги Хоразм ижод аҳли билан танишади ва кўпчилик улуғ устозлар билан яқиндан мулоқотда бўлади. Айниқса Озод Бобоназаров, Рейим Қўчқоров бошчилигидаги тўй гуруҳи билан тўйларда хизмат қила бошлайди. Кекса санъаткор ғижжакчи, кўп йиллар давомида театр маъмурий хўжалик ва раҳбарлик лавозимларида ишлаган Ахмаджон Машарипов кўпинча ўз уйида Ҳожихон Болтаев, Сиддиқ Махсум, Самандар Авазов, Абдуқодир Маҳбубий, Машраб бобо каби Хоразмнинг кекса ижод аҳлини йиғиб кечалар уюштирар ва шу кечаларга мазкур гуруҳни ҳам таклиф қилар эди. Бу ерда бўладиган соз ва суҳбатга ҳар қандай таъриф ожиз бўлиб, Ботир у ерда юқоридаги устозлар билан яқиндан танишиб кўпчилик тарихий хотира ва далилларни уларнинг суҳбатларидан олганлигини айтади.

1978 йили ўқишни имтиёзли диплом билан тамомлаб М.Харратов номли Урганч мусиқа билим юртида ўқитувчи бўлиб ишлайди.

1983 йили Хоразм вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтида мусиқа-эстетика кабинети мудири лавозимида фаолият юргизади.

1990 йилдан бошлаб оиласи билан Тошкентга кўчиб ўтади ва Маданият ишлари вазирлигининг Республика методика хонасида услубчи ва 1993 йилнинг апрелидан методик хона Истиқболни белгилаш, услубият ва ахборот Республика марказига айлантирилгандан кейин у ерда олий даражали мутахассис сифатида ишлай бошлади. Бу давр ичида «Дамли ва зарбли чолғуларда ўқитиш услубияти» номли дастури нашрдан чиқди. Шунингдек, Болалар мусиқа ва санъат мактаблари, коллеж, Академик лицей ва олий ўқув юртлари учун янги низом, давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари ишлаб чиқишда қатнашган комиссияга бошчилик қилади. 40 дан ортиқ ўқув қўлланма ва дарсликларга муҳаррирлик қилди. Республика газета ва журналларида 60 дан ортиқ илмий-оммабоп ва тарихий мавзулардаги мақолалари чоп этилган. Мулла Бекчон Рахмон ўғли ва Муҳаммад Юсуф Девонзодаларнинг «Хоразм мусиқий тарихчаси» (Т., «Ёзувчи». 1998 й.) китоби Ботир муҳаррирлиги остида иккинчи бор дунё юзини кўрди. «Хоразм достон ижрочилигининг зархат саҳифалари» («Хоразм» 1999 й.). «Истиқлол ғунчалари

– THE BUODS OF INDEPENDENCE». Халқаро танлов лауреатлари фотоальбоми ва улар тўғрисида қисқача маълумот. (Тўпловчи, нашга тайёрловчи ва муҳаррир. Т.,2002 й.) «Муҳаббат». Кларнет ва фортепиано учун тўртта хоразмча рақс. (Ўқув қўлланма. Истиқболни белгилаш, услубият ва ахборот Республика Маркази. Т., 2002 й.). Каби рисола ва қўлланмалари босмадан чиқди. Бакалавр тайёрлаш бўйича 3 та, магистр тайёрлаш бўйича 1 та дастур ишлаб чиқди.

1996-1997 йиллар вазирликнинг Фан, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бошқармасининг бошлиғи вазифасида фаолият юргизади. Шу йили «Хоразм достонларининг мусиқий хусусиятлари» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. «Авазхон», «Базирён», «Хирмондали», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» достонларининг тўлиқ матни ва нота ёзувлари билан биргаликда тўплам ҳолига келтирди ва диссертацияга илова сифатида санъатшунослик илмий тадқиқот институтининг кутубхонасига топширади.

1997-2000 йилларда Маданият ишлари вазирлиги Истиқболни белгилаш, услубият ва ахборот Республика Маркази директори лавозимида, 2000-2001 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг маъсул ходими вазифасида ишлайди. 2001 йили ЎзОАК томонидан доцент илмий даражасига эга бўлди.

2001 йилдан Ҳ.Ҳ Ниёзий номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юрти (2002 йилдан коллеж) директори лавозимида жамоага раҳбарлик қилади. 2010-2011 йилгача Ўзбекистон Давлат консерваторияси Шарқ мусиқаси ва Оркестр чолғулари факультетларининг профессори в.б бўлиб ишлайди. 2011 йил сентябр ойидан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Талим муассасалари бошқармасида бош мутахассис лавозимида ишлайди.

Республика телевидениесида «Достон қўшиқлари», «Мусиқий хиёбон», «Наво» номли туркум кўрсатувларнинг муаллифи ва олиб борувчиси сифатида фаолият юргизиб келди.

2008 йили олий мусиқий ўқув юртларининг бакалавриат босқичи талабалари учун "Дамли ва зарбли чолғуларда чалишни ўргатиш услубияти" номли ўқув қўлланмаси чоп этилди.

2009 йили "Достон наволари" номли "Авазхон", " Бозургон (Базирён)", "Хирмондали", "Ошиқ Махмуд", "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" каби достонларни насрий, назмий, мусиқий-нота матнлари ва аудио-видео ёзувларини ўз ичида мужассам этган дискли илмий монографияси ЎДК ихтисослашган кенгаши тавсияси билан нашрдан чиқди.

2010 йили "Дамли ва зарбли чолғуларда чалишни ўргатиш", "Дамли чолғулар ижрочилиги тарихи", "Анъанавий ижрочилик санъати тарихи" каби фанлардан замонавий педагогик технологияларни қўллаган ҳолда ўқув-услубий мажмуалар тузиб чиқди.

2013 йил песияга чиққди. Оилали, тўрт фарзанднинг отаси, саккиз невaранинг бобосидир.

**НУРМЕТОВ САДУЛЛА ЮЛДАШЕВИЧ**
**(1955)**



Нурметов Садулла Юлдашевич 1955 йил 7-майда Хоразм вилояти Урганч шаҳрида ишчи оилада дунёга келган. У 1962 – йилда 1- сонли умумтаълим ўрта мактабига 1- синфига ўқишга борди.

1970 йилда 8 – синфини битказиб Урганч шаҳридаги М. Харратов номли мусиқа билим юртига “Хор дирижёр” мутахасислиги бўйича ўқишга қабул қилинган. Шу билим юртини 1974- йилда муваффақиятли тамомлади.

1975 - 1980 йилларда М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваториясида “Хор дирижёрлиги” мутахассислиги бўйича таҳсил олди.

1980 -1983 йилларда йўлланма бўйича М. Харратов номли Урганч мусиқа билим юртида ўз мутахассислги бўйича ўқитувчилик қилди.

1983-1986 йилларда Урганч шаҳридаги 1-сонли Болалар мусиқа мактабида ўқитувчи.

1986-1992 йилларда Усмон Юсупов номли 2-сонли умумтаълим мактабида мусиқа ўқитувчиси.

1992-2012 йилларда Урганч Давлат университети “Мусиқа” кафедрасида катта ўқитувчи, доцент вазифасида фаолият кўрсатди. Хоразм вилояти ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида мусиқа ўқитувчи тингловчиларига ўз малака ва тажрибаларига таянган холда маърузалар ўқиб билим бериб келмоқда.

Хозирги пайтда Садулла Нурметов 3-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабида ёш авлодга ўз билимларини бериб келоқда.

У иш фаолияти билан бир қаторда бастакорлик ҳам қилган. Унинг яратган асарлари Республика радио телевидениясида мунтазам берилиб келади. Бундан ташқари умумтаълим мактаби “Мусиқа” дарсликларига асарлари киритилган.

Садулла Нурметов Хоразм мумтоз қўшиқчилик санъатини ноталаштиришда ўз хиссасини қўшиб келаётган мутахассислардин биридир. У яратган хор жамоалари учун акапелла хор жанрида Хоразм халқ қўшиқларини қайта ишлаган.

1990 йилда Ўзбекистон халқ артисти Мадраҳим Ёқубов (Шерозий) номли мемуар китобида хофиз ижро қилган мумтоз ашулаларниноталаштирди, ва китобга ҳаммуаллифлик қилди.

Садулла Нурметов муаллифлигида “Истиқлол навоси” номли қўшиқлар тўплами 1997 йилда Тошкент “Ўқитувчи” нашриётида 5000 нусҳада чоп қилинган. “Тарғунча” номли Хоразм халфа қўшиқларини ноталаштириб услубий қўлланма сифатида 2002 йилда Урганч шаҳри нашриётида чоп қилдирган.

Садулло Нурметов хозирда ёш авлод вакиллари билан вилоят тадбирларида ўз хор жамоаси билан мунтазам фаол қатнашиб, эл хурматига сазовор бўлиб келмоқда.

## ФАРҲОД ДАВЛАТОВ
## (1957)



Фарҳод Давлатов 1957-йилда Хива шаҳрида Карим ота хонадонида дунёга келди. Отаси савдо соҳасида ҳисобчи бўлиб ишлади. Тоғалари Жоббарган ва Оллаберган оғалар эса Хоразмлик қон-қонига сингиб кетган куй-қўшиқларни унга ўргатдилар.

– Болалигим ширин хотираларга бой. Гўй санъатни сеҳрли дунёсига кириб кетиб, халқ мақоми бўлмиш Рост, Бузрук, Наво, Сегоҳ, Дугоҳ, Ироқ мақомларини бутун вужудим билан тинглардим. Баъзан ўзимча хиргойи ҳам қилардим. Шунданми ёки тоғамлар ижро қилган куй-қўшиқларданми завқ олиб санъатга ошуфта бўлганман, – дейди ҳофиз.

Фарҳод Давлатов 1980-йили Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият олийгоҳини маданий оқартув факультети сиртқи бўлимини тамомлаб, Хоразмдаги “Олтин қўллар” ашула ва рақс ансамблида ишлади.

Бахт... Бахт келса қўша-қўша келади деганларидек, болаликдаги сеҳрли орзулари рўёбга чиқа бошлади. 1987-йилда Республика мақомчилар дастаси совриндори ҳам бўлди.

Халқимизнинг севимли санъаткори, Ўзбекистон, Туркманистон, Қорақалпоғистон халқ артисти Комилжон Отаниёзовнинг 70 йиллик тўйида 1-даражали диплом, 1995-йилда Қозоғистонда ўтказилган Ўзбекистон маданият кунларида Қозоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, мустақиллигимизнинг ўн бир йиллигида эса Хоразм мақомчилиги йўналишида кўрсатаётган хизматлари учун "Ўзбекистон халқ ҳофизи" унвонига сазовор бўлди.

Айни пайтда ҳофиз Хоразм телевидениеси қошидаги ансамблда ишламоқда. Шунингдек, халқ мақомининг унутилиб кетган нодир турлари бўйича изланишда. Мазкур Хоразм мақоми, унинг ноёб сирлар бўйича катта илмий иш ва изланишлар олиб бораяпти. Бунга биргина мисол тариқасида яқинда Хоразмда Фарҳод Давлатовнинг ҳамроҳлигида тасвирга олинган ҳужжатли фильмни айтиш мумкин.

Хуллас, хоразмлик ҳофиз, эл севган санъаткорнинг бахти бекам. У бахтни санъат йўлидан топди. Турмуш ўртоғи Роза, фарзандлари Дилдора, Мушарраф, Раҳима, Севдиёрлар ўз оталаридан ҳар қанча фаҳрлансалар арзийди.

## РУСТАМ БОЛТАЕВ[5]
## (1957)



Консерваториянинг "Шарқ мусиқа" кафедрасида кекса устоз Риҳси Ражабий синфида таҳсил кўрган. Сўнгра устоз Оланазар Ҳасановдан Хоразм танбур ва дутор ижрочилигининг эски анъаналарини ўрганди. Айни чоғда танбур чизиғида битилган куй ва ашулаларнинг жонли ижроларини яратиш борасида изланишлар олиб бормоқда. Хоразм танбур чизиғининг ашула матнлари билан ёзилган янги нусхаси топилгач, ушбу манба асосида эски мақом йўлларининг туркум шаклидаги ижроларини тиклаш ва уларни Урганч санъат коллежи ва университет талабаларига ўргатишда раҳнамолик қилмоқда.

---

[5] О.Матёқубов. Мақомот. Т., 2004. 327-бет.

## САМАНДАР ХУДОЙБЕРГАНОВ[6]

## (1957)



Тошкент давлат консерваториясини халқ чолғу асбоблари бўйича тугатиб, қашқар рубобининг забардаст ижрочиси сифатида кўплаб кўрик танловларда иштирок этган. Кейинчалик Хоразм телевиденияси қошидаги Р.Жуманиёзов бошчилигидаги ансамблда ашулачи, дутор, тор, рубоб ижрочиси бўлиб ишлади. Айни чоғда Рўзмат Жуманиёзовга шогирд тушиб, унинг ёнида ҳамнафаслик ҳамда жўрнавозлик қилди. Хоразм Танбур чизиғининг янги нусхасини амалга жорий этишда Р.Болтаев, М.Матёқубовлар билан ҳамкорликда устоз-мураббий, хонанда ва созанда сифатида фаоллик кўрсатмоқда.

## МАТРАСУЛ МАТЁҚУБОВ

## (1958)



[6] О.Матёқубов. Мақомот. Т., “Мусиқа” нашриёти, 2004. 327-б.

Матрасул Матёқубов 1958 йил 3 июнда Хоразм вилояти Хива шаҳрида туғилган. 1966 йилдан Қурбон ота Исмоилов номидаги ўрта мактабда ўқиган. Мактабда ўқиб юрган кезларида дастлаб чанг чолғуси бўйича мусиқа мактабини қўшимча ўқийди. Унинг онаси Ражабиби она бир куни аёлларнинг йиғинида шу даврнинг машҳур сурнайчиси Матёқуб Оллаёровнинг умр йўлдоши Бибижон она билан ёнма–ён ўтириб қолади. Шу Матрасул ўғлининг чанг чолғусида ўқиши унга ёқмаётганлиги ҳақида гапириб, бутун дардини тўкиб солади. Шунда Бибижон ая "Эртага сиз Матрасул ўғлингизни олиб бизнинг уйга келинг, мен ҳужайининм билан гаплашаман зора ўғлингизни шогирдликка олса!" дейди. Эртаси куни ёш Матрасулни онаси қўлидан етаклаб, Матёқуб Оллаёровларникига олиб боради. Матёқуб устоз жуссаси кичкина бу болани куриб, даслаб шогирдликка олишдан бош тортади. Аммо онаси "у жудаям тиришқоқ, барча айтганларингизни бажара олади," деган гапларидан кейин рози бўлади. Устознинг уйида кўп йиллар шогирд бўлиб, сурнай буламон созларини ижро этишни ўрганади. Шу билан бирга ўз фарзандидек бўлиб қолади. Ҳатто кейинчалик ўз қизи Мунавварxонни унга уйлантирган.

1973 йили Шу йили Урганч шаҳар Матюсуф Харратов номидаги мусиқа билим юртининг сурнай ва қўшнай синфига ўқишга киради. 1977 йили Тошкент давлат консерваториясининг Шарқ мусиқаси кафедрасида ўқийди. Талабалик даврида, яъни 1978 йили Самарқанд ва 1980 йили Хива шаҳрларида ўтказилган Халқаро симпозиум ва семинарларда фаол иштирок этди.

1981 йилдан 1992 йилгача Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Татаристон, Бошқирдистон халқ артисти, Ҳамза номидаги Давлат мукофотининг лауреати Отажон Худойшукуров ансамблида қўшнайда жўрнавоз бўлиб, ҳамнафаслик қилди.

1982 йили консерватория аспирантурасига ўқишга киради ва уни тугатмай 1982-84 йиллари армия сафида хизмат қилади.

1987 йили аспирантурани тамомлаб, II Республика мақомчилар тановида қатнашиб I - даражали диплом билан тақдирланади.

1985 йилдан бошлаб Урганч шаҳар М.Харратов номидаги мусиқа билим юртида ёшларга санъат сирларидан сабоқ бера бошлади.

1991 йили унинг ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчилари учун мўлжалланган «Қўшнай» номли ўқув дастури нашрдан чиқди.

1996 йили Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида бўлиб ўтган «PIRI» фестивал танловида олий мукофот ва «Олтин сертификат» соҳиби бўлди.

1998 йилдан бошлаб Урганч Давлат педагогика Университети педагогика факультетининг мусиқа кафедрасида педагоглик фаолиятини давом этдиради. Бу даврда у ўз фани бўйича маъруза матнлари, «Қўшнай» номли ўқув қўлланмани тайёрлади. Франциянинг Халқаро жамияти билан тузилган шартнома лойиҳасида иштирок этиб, «Хоразм танбур чизғи» асосида Рост мақоми ашула ва чолғу қисмларини Рустам Болтаев билан тиклашда қатнашади.

2003 йили санъат ва маданият коллеж Ҳамда лицейлари учун «Сурнай» номли ўқув қўлланмаси нашрдан чиқди.

2006 йил апрел ойида Москвада ўтказилган МДҲ давлатлари зиёли ёшларининг жамғармаси концертида қатнашади. Май ойида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти давлатларининг Шанхайда бўлиб ўтган анжумани концертида мусиқа раҳбари сифатида фаолият кўрсатади. Июль ойида Москвада ўтказилган «Москва встречает друзей» номли фестивалда ҳам қатнашади. 25 августда эса унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилади. Ноябр ойида Маъмун Академияси ташкил қилинганлигининг 1000 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган анжуманга якка ижрода «Сурнай лазгиси» чолғучиси ва режиссёр ёрдамчиси сифатида қатнашади.

Матрасул Матёқубовнинг санъат ва маданият коллежлари ҳамда Академик лицейлари учун Сойибжон Бегматов билан Ҳаммуалифликда «Анъанавий Ўзбек чолғулари» номли ўқув қўлланмаси нашр қилинди ва ушбу қўлланма “Энг яхши “Янги валод адабиёти” номли Республика кўрик-танлови ғолиби” деб топилди.

Унинг иштирокида Ўзбекфильмнинг хроникал ва Ҳужжатли фильмлар бўлими томонидан «Сурнай» номли қисқа метражли фильм суръатга олинди.
Матрасул Матёқубов Ўзбек халқ мумтоз куйларини чет элларга тарғиб қилишда жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Германия, Туркия, Голландия, Франция, Бельгия, Япония, Швейцария каби давлатларда концерт сафарларида бўлган ва у ижро этган ноёб куйларнинг талай муҳлислари бисёр.

Матрасул Матёқубов Жанубий Кореяда бўлиб ўтган мусиқа фестивалида «Дунёга машхур созанда» номинацияси бўйича таъсис этилган мукофотга лойиқ деб топилган. 1997 йили «Дўстлик» ордени билан тақдирланган.

Созанданинг Ўзтелерадиокомпания олтин фондида ижро қилган 25 дан ортиқ асарлари сақланмоқда.

Хозирги кунда Ўзбекистон давлат консерваториясида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. консерватория музейига тақдим этган XIX – асрда кашф этилган Хоразм танбур мақомлари нота ёзуви - «Танбур чизиғи» Ҳамда ўша қўлёзма ичида жамланган “Сурнай мақомлари”ни жонли ижрода садолантириш устида изланмоқда.

## КАРИМБОЙ РАХМОНОВ

(1958)



Каримбой Рахмонов 1958-йил 3-мартда Туркманистон Республикаси Тошховуз вилояти Шихқала қишлоғида оддий меҳнаткаш оиласида туғилган. 1965-1973-йилларда 13-сонли мактабда ўқиди. 1974-78 йиллари Педагогига билим юртини мусиқа бўлимини битирди. 1978-80 йиллар ҳарбий хизматда бўлди.

1981-1984 йиллари Хоразм вилояти Гурлан тумани “Гулдаста” ашула ва рақс ансамблини ташкил қилди. 1984-йилдан Хоразм вилояти Комилжон Отаниёзов номли филармонияга ишга кирди. 1990-йилда А.Қодирий номли Маданият институтида ўқиди. 1986-йил Ўзбекистон ёшлар мукофоти совриндори. 1989-йил Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист унвони билан тақдирланган. Ҳожихон устоз билан 1985-йилда Хоразм вилояти Огаҳий номли мусиқа театрида ҳамсуҳбат бўлган. Ҳозирги кунда мазкур устоз йўлларидан бориб, ижод қилмоқда.

## РАҲМАТЖОН ҚУРБОНОВ
## (1959)



Рахматжон Қурбонов 1959 йил 20 сентябр Хива шаҳрида, санъаткорлар оиласида дунёга келди. Отаси Худойберган Қурбонов, 40 йилдан ортиқроқ, Ўзбек санъати учун холис хизмат қилди ва кўпгина ёшларга ашула ва мусиқадан сабоқ берди. Онаси Лайлинисо ая 13 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказди ва қаҳрамон она унвонига эга бўлди. Рахматжон оилада бешинчи фарзанд. Рахматжон санъатдаги илк сабоқни отаси Худойберган хожидан олди ва отаси санъаткор бўлганлиги сабабли, хонадонига ташриф буюрган кўп машхур санъаткорларнинг соз ва овозини ёнидан тинглашга муяссар бўлди. Жумладан 1964 йилда илк бор Комилжон Отаниёзовни ашуллаларини ёнида ўтириб тинглади ва шу кишини ўзига устоз деб билиб тақлид қилди ва эргашди. Комилжон Отаниёзов, Худойберган хожи оталар хонадонига тез-тез келиб турар ва хар келганида Хожихон Болтаевга ўхшаган устоз санъаткорларни етаклаб келардилар. Ёш Рахматжон устоз санъаткорларни суҳбатларини тинглаб, уларнинг ёнида ўтириб, сози ва овозидан бахраманд бўлиб, шу мухитда санъатга кириб келди. У ёшлигиданоқ Бола Бахши Абдуллаев, Шерозий, Юсуф дуторий ва кўпгина Хоразмлик устозларни дуоларини олиб вояга етди.

1967 йилда Хива шаҳар мусиқа мактабида, илк устози Ғайбуллоев Убайдулла мураббийлигида рубоб мутахасислиги бўйича, 1975 йилда Урганч Матюсуф Харратов номидаги мусиқа билим юртида рубоб мутахасислиги бўйича Озод Матёқубов қўлида тахсил олди. Шу билим юртида ўқиб юрган чоғлари устоз санъаткорлар, Ўзбекистон ҳалқ артистлари Абдушариф Отажонов, Матёқуб Рахимов ва кўпгина устозлардан санъат сирларини ўрганди. Рахматжон 1979 йилда Тошкент Давлат Консерваториясига, Мақом кафедрасига ўқишга кирди ва Консерваториядаги илк таълимни Ҳалима Носирова, Шавкат Мирзаевлардан олди.

1983 йилда бўлиб ўтган биринчи Республика мақомчилар кўрик танловида ғолиб деб топилди ва биринчи ўрин “лауреат” дипломини қўлга киритди. Шу кўрик танлови хайъат аъзолари ва устозлар, Рахматжон Қурбоновнинг овозини тинглаб, “Довудий овоз сохиби” деб эътироф этишди. Рахматжон Қурбонов Консерватория даргохида кўпгина устозлардан сабоқ олди, жумладан, Ориф Алимаҳсумов, Фаттоххон Мамадалиев, Суюма Ғаниева, кабилардан ва ўзи хам шу устозлар қаторида ёшларга мураббийлик қила бошлади. Самарқандда бўлиб ўтган симфозиумларда ва 1985 йилда Москвада бўлиб ўтган " XII бутун жаҳон ёшлари" фестивалида ва шунга ўхшаган кўпгина ҳалқаро анжуманларда ўз санъатини намойиш этди. Рахматжон Қурбонов 1976 йилдан Хива "Нақш" ансамблида мусиқа рахбари, 1978 йилдан Урганч филармониясида мусиқа рахбари, 1984 йилдан Тошкент Консерваториясида ўқитувчи, 1987 йилдан “Лазги” ашула ва рақс ансамблида мусиқа рахбари ва 1989 йилдан бошлаб шу ансамблда бадий рахбар лавозимларида ишлаб келди. Хозирги кунда Алишер Навоий номидаги академик опера ва балет театрида солистлик қилиб келмоқда. 1993 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, 2002 йилда Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист унвонларига эга бўлди. Давлатимизнинг қатор тадбирларида яъни, Мустақиллик байрами, Наврўз байрами, 1996 йилда Парижда бўлиб ўтган Амир Темур бобомизнинг юбилейи, Брюсселда Европарламентда бўлиб ўтган анжуманларда, Парижда Юнеско томонидан ташкил этилган Хива ва Буҳоро шаҳарларининг юбилейларида ва қатор хорижий мамлакатларда бўлиб ўтган мусиқий фестивалларда, "Лазги" ансамбли билан ўзбек санъатини намойиш этди. Рахматжон Қурбонов Шарқ тароналари фестивалида хам бир неча бор иштирок этди ва мувоффақиятлар қозонди. Рахматжон Қурбонов, Отажон Худойшукуровни хам ўз устози деб билади ва ўзидан олдин санъатга кириб келган барча санъаткорларни ўзига устоз деб билади. Рахматжон хозирда ўзи хам устоз даражасига етган санъаткор. У кўп ёшларга устозлик қилди ва барча шогирдлари хам давлат мукофотларига, унвонларига эга бўлдилар. Рахматжон санъат билан биргаликда Назмда хам қалам тебратади. 2004 йилда "Етмиш икки шаҳр" деб номланган рубойилар тўплами китоби чоп этилди. Рахматжон юздан ортиқ рубойилар, бир неча масаллар, ғазаллар ва Навоий, Фузулий, Мунис, Омон Матчон каби шоирлар ғазалларига мухаммаслар ёзди. Рахматжон Қурбонов, келгусида Навода ва Назмда ўзбек санъати ва адабиёти учун катта хизматлар қилиб, келажак авлодга улкан мерос қолдириш ниятида. 2011 йилда Рахматжон Узбек санъати учун катта меърос яъни "Санъатнома" нинг I (Санъатнинг сирли олами)

китобини яратди. Хозирги кунда "Санъатнома" нинг II ва III ларини хам яратиш орзуси билан яшаяпти. Хоразм мусиқасида V та асосий сувора бўлса, VI суворани (сувораи Комил) устози Комилжон Отаниёзов яратганлар. Рахматжон Қурбонов VII (нимпарда) суворани яратишга мушарраф бўлди. Рахматжоннинг келажакда орзулари рўёбга чиқишига, ният билдириб қоламиз.

## АЗАМАТ ОТАЖОНОВ

## (1969)



Азамат Отажонов 1969-йилда Урганч шаҳрида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, ҳофиз Бекжон Отажонов оиласида туғилди.

1984-йилда мусиқа мактабини тамомлаб, шу йили Урганч Санъат коллежига, қашқар рубоб синфига ўишга қабул қилинди.

У ерда малакали устози Бахтиёр Исмоиловдан таълим олди. 1988-йилда Ўзбекистон давлат консерваториясининг Анъанавий хонандалик бўлимига ўқишга қабул қилинди. Устозлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Машрабжон Эрматов ва Фаттоҳхон Мамадалиевлардан мақом сабоқларини олади. 1991-йилда бўлиб ўтган Юнус Ражабий номидаги 1- анъанавий мақомчилар кўрик танловида биринчи ўрин соҳиби бўлди. Ўқиш ва ижодий фаолияти давомида кўплаб устозлардан таълим олди. Жумладан, отаси Бекжон Отажонов, Ўзбекистонда хизмат артист Раҳматжон Қурбонов, Отабой Холлиев ва бошқалар.

Ҳозирги кунда ўзи ҳам ёшларга мақом сирларидан сабоқ бериб келмоқда.

**ОҒАБЕК СОБИРОВ**
**(1972)**



Оғабек Собиров Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. 1972-йил 24-июнда Хоразм вилояти Урганч шаҳрида таваллуд топган. Ёшлигидан санъатга мехри баланд бўлгани сабаб, айниқса ўзбек миллий мумтоз қўшиқчилиги ҳамда Хоразм санъат йўналишининг етук намоёндаларидан бири Ҳожихон Болтаевнинг ижодини ҳурмат қилган ва меҳр қўйган.

Шу билан биргаликда устоз санъаткор Ҳожихон Болтаев ижро этган мақомлар, сувора ва ферузлар каби халқимизнинг ноёб қўшиқларини ижро этиб келмоқда. Ҳозирги кунда вилоят маҳаллий телевидениялари орқали айни шу йўсинда яъни устозларни ёдлаш ва уларни хотирлаш ҳамда ёш Ҳожихонларни халқимизга кўрсатиш учун **«Шинаванда»** деб номланган кўрсатувга муаллифлик ва бошловчилик қилиб келмоқда.

**ШАВКАТ МАТЁҚУБОВ**
**(1978)**



Шавкат Матёқубов 1978 йил 21 ноябрда Чирчиқ шахрида хизматчи оиласида туғилди.

1980 йил улар оила аъзолари билан Хоразм вилояти Урганч шахрига кўчиб кетишади. Унинг оила аъзолари мусиқачи бўлганликлари сабабли унда мусиқага бўлган қизиқиш эрта уйғонди. Унинг отаси кларнет синфи ўитувчиси, санъатшунос олим Ботир Матёқубов. Онаси ўзбек халқ чолғулари бўлимининг дутор синфи ўқитувчиси Гулчехра Мухамедова.

1985 йил Хоразм вилояти Урганч шахридаги Гайдар номидаги 2-ўрта мактабда ўқиш билан биргаликда Комилжон Отаниёзов номидаги 1-мусиқа мактабининг фортепиано (Раъно Бобожонова синфи) ва труба (Мақсуд Собиров синфи) синфида ўқиди.

1992 йили Харратов номидаги Урганч Давлат мусиқа билим юртининг анъанавий ижрочилик бўлимининг қўшнай сурнай синфига ўқишга қабул қилинди. У ўз амакиси Матрасул Матёқубов синфида тахсил олди.

1995 йил билим юртини тугатмай Тошкент Давлат консерваториясининг тайёрлов курсига ўқишга киради. У ерда Машраб Эрматов синфида тахсил олади.

1997 йил у оила аъзолари билан Тошкент шахрига кўчиб келади ва шу йили анъанавий ижрочилик кафедрасида ҳам хонанда ҳам созанда (қўшнай-сурнай, А.Тошпўлатов синфида) синфларида ўқий бошлайди. Ўқиш давомида 1999 йилда Юнус Ражабий номидаги V мақомчилар кўрик танловининг совриндори бўлади. Шу йили Италия сафарида бўлади. Ўқиш давомида кўпчилик устозлардан дарс олишга муваффақ бўлади. Ўзбекистон халқ хофизи, профессор Фаттоххон Мамадалиев, Саодат Қобулова, профессор Турғун Алиматов, профессор Рифатилла Қосимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Машраб Эрматов шулар жумласидандир.

2001 йил Консерваториянинг бакалавр босқичини тугатгач ўқишни давом эттириш мақсадида магистрлик босқичига ўқишга киради. Шу йиллар давомида Хиндистон, Туркия, Тайван, Гонконг, Тайланд, АҚШ ва Россия давлатларида ижодий сафарларда бўлди.

2003 йил ассистент стажёрлик бўлимига ўқишга киради. Шу йили уни “Илхом” театрига “Қуръонга итибос” спектаклининг ровий ролига таклиф этишади. Бу роль унга муваффақиятлар келтиради. Театр билан биргаликда АҚШ, Россия, Япония каби давлатларда спектакль намойиш этиб, ижодий сафарида бўлиб қайтди.

2004 йил АҚШдаги минималистик йўналишдаги мусиқачилар ва копозиторлар BANG ON A CAN гуруҳи мастер класс ташкил этиб у ерга ҳам таклиф этилади.

2006 йил 1 апрелдан то 30 ноябргача анъанавий ижрочилик йўналишида Кореянинг Сеул шахридаги Санъат саройида малака алмашиб қайтди.

Консерваторияда Матрасул Матёқубов билан биргаликда талабаларга танбур чизиғи асосидаги мақомларни ўргатди.

2007 йили Ш. Шу йили июнь ойида Американинг BANG ON A CAN гуруҳи томонидан мастер классга таклиф этилиб у ерда ҳам бир хафта давомида концертлар қўйиб, дарслар олиб борди.

2008 йили ЮНЕСКОда Ўзбекистон ваколатхонасининг очилиши муносабати билан бўлиб ўтган концертда Ўзбекистоннинг етакчи гуруҳ санъаткорлари билан муваффақиятли иштирок этди.

У Франциянинг Нантес шаҳрида бўлиб ўтган “3-Continent” номли Нантес кинофестивалида ўзбекфильм томонидан 1931-1934 йилларда яратилган “Эшон қизи” ва “Тонг олдидан” овозсиз кинолар намойиши пайтида мусиқаларини танбур, сато, дутор, қўшнай, сурнай ва овозда жонли тарзда ижро этди. Бундан ташқари 1934 йили Тожикфилм томонидан яратилган “Эмигрант” киносига ҳам Тожикистонлик созандаларга ижро жараёнида ёрдам берди.

27 – 31 мартда мен “Илхом” театри билан биргаликда “Золотая маска” деб номланган, Москвада бўлиб ўтган театр фестивалида қатнашдим. Биз у ерга буюк бобокалонимиз Ҳазрати Мир Алишер Навоийнинг “Саъбаи сайёр” деб номланган асарини намойиш этди. У бу спектаклда “Ровий” образини яратди.

“Илм зиё” нашриётида Ўзбекистон халқ ҳофизи Бекназар Дўстмуродов билан ҳамкорликдаги “Халқ ҳофизлари” деб номланган китобимиз чоп эттирилди.

2011 йил унинг ижоди учун жуда сермаҳсул бўлиб, Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг “Машъал” радиоканалида “Мумтоз наволар” деб номланган эшиттириши деярли ҳар кун янгради. Бунда миллий жанрларимиз ва уларнинг ижрочилари, буюк устозлар, халқ ҳофизлари, бетакрор хонанда ва созандаларни ижодий фаолияти ҳақидаги дастурлари радио эшитувчилар томонидан қизғин кутиб олинди.

18–23 апрел кунлари Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган “Этноджаз” фестивалида Ўзбекистоннинг “Ҳоқон” гуруҳи билан қатнашиб, ўн саккизта давлат орасида “Энг гўзал ижро” номинацияси соҳиблари бўлишди.

У ўз ижролари билан кўплаб ҳорижий давлатларда бўлиб, Ўзбек санъатини дунё бўйлаб таралишида ўз ҳиссасини қўшди. Жумладан: Италия, Хиндистон, Тайвань, Тайланд, Корея, Япония, Россия, АҚШ, Англия, Франция, Белгия, Голландия, Германия, Словакия, Чехия, Туркия каби йигирмадан ортиқ давлатларда ижодий сафарларда бўлиб қайитди.

## МАНСУР ВАИСОВ
## (1979)



Ваисов Мансур Эгамберганович 1979 йил 29 мартда Хива шаҳрида туғилган. Илк таълимни 9-сон ўрта мактаб ва Хива шаҳридаги А.Отажонов номли 5-сон болалар мусиқа мактабида олган.

Мусиқа мактабида қўлига соз бериб илк мусиқа саводини берган устозлардан: Мелибой Абдураимов, Матякуб Абдуллаев, Назирбой Курбанов қўлида тахсил олган. Ўқиш жараёнида Мансур Ваисов  бир қанча туман, вилоят, республика миқёсида бўлиб ўтган кўрик танловлар ғолиби ва совриндори бўлган.

Шулардан 1992 йилда бўлиб ўтган М.Қориёқубов номли Республика ёш ижрочилар кўрик танлови ғолиби бўлган. 1994 йил ўрта ва мусиқа мактабини тамомлаб. Урганч шаҳридаги М.Харратов номли мусиқа билим юртига ўқишга қабул қилинди. Билим юртида устозлари Баҳодир Матчонов, Мадраҳим Ёқубов Кадамбой Мусаевлардан таҳсил олган. 1998 йил билим юртини имтиёзли тугатиб, шу билим юртида ўқитувчилик фаолиятини бошлаган. 1999 йил Ўзбекистон давлат консерваториясининг “Анъанавий ижрочилик” кафедрасига ўқишга қабул қилинди. Ўқиш жараёнида ўзининг чуқур мусиқий истедоди билан устозлар назарига тушди. Устозлардан Рифатилла Қосимов, Шомахмуд Шорахматов, Махмуд Тожибоев, Қувондиқ Искандаров, Матназар Худойназаров, Коммуна Исмоилова, Салоҳиддин Азизбоевлардан таҳсил олди. Ижодий фаолияти давомида “Тавоис” ансамбли билан биргаликда Ўзбекистон радиоси хазинасига бир нечта мумтоз куйларни магнит тасмасига ёзди. 2001 йил Ўзбекистон республикаси Президенти томонидан таъсис етилган  “Нихол” мукофатига сазовар бўлди. 2003 йил бакалаврият босқичини имтиёзли тугатиб, магистратурага қабул қилинди. Шу йили декабрь ойида бўлиб ўтган Ю.Ражабий номидаги VI - республика мақом ижрочилар кўрик танловида Рубоб сози бўйича фахрли I - ўринни эгаллади 2005 йил магистратурани имтиёзли тамомлаб, устозларнинг таклифи ва тавсияси билан Ўзбекистон давлат консерваторияси “Анъанавий ижрочилик” кафедрасига ўқитувчи бўлиб ишга қабул қилинди. Иш фаолияти давомида устоз М.Худойназаров билан биргаликда Шашмақом, Хоразм мақомлари, Тошкент Фарғона мақом йўлларидан  бир нечта туркум асарларни Ўзбекистон телевидняси олтин фондига ёзиб олинди. Шу билан биргаликда Ўзбек мумтоз мусиқасини бир нечта чет мамлакатларда тарғиб этиб келмоқда. Жумладан Туркия, Азарбойжон, Қозоғистон, Корея, Тайван мамлакатларини айтишимиз мумкин. Айни дамда Ўзбекистон телевиденясининг тараннум, оҳанрабо ва бошқа мусиқий кўрсатувларида мунтазам иштирок этиб келмоқда. Айни вақтда Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаларига Шашмақом, Хоразм мақомлари, Тошкент Фарғона мақом йўллари мумтоз асарлардан ёшларга чуқур билим бериб келмоқда.

# ОЧИЛБЕК МАТЧОНОВ
# (1979)



Матчонов Очилбек Йўлдошбоевич 1979 йил Хива шаҳрида ишчи оиласида туғилган. Бошланғич таълимни 121- сон махсус кўзи ожиз болалар мактаб интернати ва Хива шаҳридаги 5-сон болалар санъат мактабида олган. Санъат мактабида достончилик синфи бўйича Матёқуб Абдуллаев қўлида таҳсил олган. Ўқиш жараёнида Очилбек Матчонов бир қанча кўрик танловлар ғолиби ва совриндори бўлди. Шулардан 1991 йил 15-19 май кунлари Украинанинг Хемолинск шаҳрида ўтказилган “халқаро ёшлар фестивали”да Гран-при, шу йилнинг август ойида Сурхондарёнинг Денов шаҳрида бўлиб ўтган “бахши шоирлар” кўрик танловида 2 ўрин, 1992 йил 12-15 март кунлари Тошкентда ўтказилган “Ўрта Осиё фальклор жамоа”лар фестивалида 3-ўрин соҳиби бўлди. 1995-1999 йилларда М.Харратов номидаги Урганч мусиқа билим юртида “Анъанавий ижрочилик” бўлими хонандалик мутахасислиги бўйича Мадраҳим Ёқубов синфида таҳсил олган. Шу билан биргаликда Отабой Қори Холлиев, Бахтиёр Қори Султонов, Рустам Болтаев, Азамат Отажонов каби устозлардан таълим олди. 1999-2002 йиллар Хива шаҳридаги 5-сон болалар санъат мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаган. 2001 йил Ҳожихон Болтаев хотирасига бағишлаб ўтказилган вилоят мақомчилар кўрик танловида 2-ўрин соҳиби бўлди. шу танловда Очилбек ижроси устоз Рўзмат Жуманиёзов томонидан муносиб баҳоланиб, керакли тавфсиялар ва узтоз эътифига сазовор бўлди. 2002 йил Ўзбекистон Давлат Консерваторияси Шарқ мусиқа факултети Анъанавий ижрочилик кафедраси хонандалик мутахасислиги бўйича Ўзбекистон Халқ хофизи Қувондиқ Искандаров синфига қабул қилинди. Шу билан биргаликда Ўзбекистон Давлат Консерваторияси профессори Матназар Худайназаров, Ўзбекистон, Тожикистон халқ артисти Жўрабек Набиев, Хоразм мақом ва суворалрнинг моҳир билимдони Озод Иброҳимовлардан таҳсил олди. 2003-йил “Юнус Ражабий номидаги 6-Республика мақомчилар кўрик танлови”да мутлоқ ғолиб бўлди. Ўқиш йиллари Очилбек Матчоновни мусиқий истеъдоди конкурс ҳакамлар, санъат усталари ва мухлислар томонидан юксак

баҳоланди. Ўзбекистон телевидиниясида 2004-йил 28-февраль ва 9-май, 2005 йил октябрь ойидаги берилган “Оҳанрабо”, 2006 йил октябрь ойидаги “Куз оқшомлари” кўрсатувлардаги чиқишлари кўпчилик томошабинларга манзур бўлди. 2006-йил бакалавриатни мувофаққиятли тамомлаб шу йили Ўзбекистон Давлат Консерваторияси магистратурасига ўз мутахасислиги бўйича Ўзбекистон Халқ хофизи Маҳмуджон Тожибоев синфига имтиёзли қабул қилинди. 2008-йил магистратурани мувоффақиятли тамомлади. Айниқса Хоразм суворалари хусусидаги диплом химояси узтозлар таҳсинига сазоввор бўлиб, бу илмий ишни кенгроқ даражада давом эттириш ва ёритишга тавфсия этилди. 2012-йил сентябргача Урганч санъат коллежида ўқитувчи бўлиб ишлаган. 2012-йил 3-сентябрда Ўзбекистон Давлат Консерваторияси Шарқ мусиқа факултети Анъанавий ижрочилик кафедрасига жўрнавоз ўқитувчи сифатида ишга қабур қилинди. Қисқа вақт мобайнида Очилбек Матчонов ёш бўлишига қарамасдан устозлик маҳорати билан талабалар меҳрини қозонди. Ўзбекистон Давлат Консерваторияси ва Ўзбекистон телевиденияси ҳамкорлигида ташкил этилган “Назм ва Наво” кечаларида ўзининг фаол иштироки билан санъат ихлосмандларига манзур бўлмоқда.

Очилбек Матчонов 2006-йил Голландия, 2008-йил Швейцария давлатларида ижодий сафарда бўлиб, ўзбек санъатини намойиш этди. Ҳозирги кунда ижодий изланишларини давом эттириб, Ўзбекистон Давлат Консерваторияси профессори Матназар Худайназаров, Ўзбекистон Халқ хофизи Маҳмуджон Тожибоев, Ўзбекистон Халқ хофизи Фарҳод Давлетов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раҳматжон Қурбоновлардан хонандалик сир асрорларини ўрганиб келмоқда.

Оилали, 2 фарзанднинг отаси. Хонанданинг ижодий репертуарида Ҳожихон Болтаев ижро йўлидаги суворалар Тани мақоми Сегоҳ таронаси ва Суворийси, Бузрук мақомидан Сайри Гулшан таронаси, Хоразм Наасруллоси, Эшвой, Феруз I-II-III каби бир қатор ашуллалар ўрин олган.

## ШЕРЗОД МАШАРИПОВ
## (1986)



Машарипов Шерзод 1986 йил 12 октябрда туғилган. У 1993 йилда Хива туманидаги 9 сон М.Отабоев номли умумий ўрта таълим мактабига 1 синфга ўқишга борди. У ёшлигидан санъатга қизиқиб борди. Ўзбек миллий санъатини севиб тингларди ва ижро қилишни яхши кўрарди. Шу сабабдан ёшлик даврларидаёқ Ўзбекистон халқ ҳофизи Фарход Давлатовга шогирд тушди.

Устозидан Хоразм мақом ва мумтоз ашулаларини кунт билан ўрганди. Мактабда турли хил тадбирларда қатнашиб туман ва вилоят миқиёсида фахрли ўринларни эгаллаб келди. 2002 йилда шу мактабни 9 синфини тамомлади. Шу йили Хоразм вилояти Урганч шахридаги М.Харратов номидаги санъат коллежига ўқишга кирди. Коллежда ўқиш даврида хам тадбирларда қатнашишда давом этди ва 2005 йилда бўлиб ўтган Республика ёш мақомчилар кўрик танловининг совриндори бўлди. Мазкур коллежни 2005 йилда тугатди. У ерда устозлари М.Яқубов, Ў.Жабборов созанда ва хонанда устозлардан таълим олди. Устозлари билдирган ишончини оқлаб 2005 йилда Ўзбекистон Давлат Консер-ваториясининг ананавий ижрочилик бўлимига ўқишга кирди. Олий таълим даргохида ўқиши давомида Ўзбек миллий хонандалигини, Хоразм олти ярим макомини, Бухоро Шашмақомини ва Тошкент-Фарғона мақом хонандалиги устозлари профессор М.Худайназаров, Ю.Ражабий номидаги Республика мақомчилар кўрик танловининг лавуриятлари О.Матчонов ва М.Ваисовлардан ўрганди. Ўқиш жараёнида пойтахт тадбирлари, Навоий, Огахий, Муқимий ва бошқа хассос шоирлар ва устоз санъаткорларнинг хотираларига бағишланган тадбирларда фаол қатнашди. 2010 йилда Ўзбекистон Давлат Консерваториясининг аианавий ижрочилик бўлимини тамомлади ва олий маълумот тўғрисидаги дипломи сохиби бўлди. Хозирда ўз ижоди ва фаолиятини Хоразм вилоятида давом эттирмокда. Халқ эътирофига сазовор бўлиб Хоразм санъатини муносиб издошларидан бири сифатида ижод қилмокда.

## С Ў З  М А Т Н Л А Р И

### ОНА СУВОРА

Машраб ғазали

Мани олам аро Мажнуни бесар[1] қилдию кетди
Бошимга солди савдони қаландар қилдию кетди
Дилимнинг қалъасини бузди абтар[2] қилдию кетди
Қуйиб кўксимга оташни самандар қилдию кетди
Кўзим телмуртириб расвойи махшар қилдию кетди

Кўзим чун баҳра олмай бородур дурри хушобидин[3]
Жаҳон нолишға кирди дуди бағримнинг кабобидин
Насибам йўқ экан афсус ҳусни бениқобидин
Ўқинглар олдима кўп дард чекканлар китобидин
Мани йўл устида якбора музтар қилдию кетди

Тараҳҳум бирла ҳаргиз сўрмади зорим нечиксан деб
Мен учун мубтало бўлғон гирифторим нечиксан деб
Юрак бағри адо бўлғон дилафкорим нечиксан деб
Бу вайрон хонада муштоқи дийдорим нечиксан деб
Бошимга жабрларни боз дилбар қилдию кетди

Вафолиғ ёр агар бўлса паришонини сўрмасми
Адашган интизори хонавайронини сўрмасми
Туташган бағри қуйган йўлда хайронини сўрмасми
Дили сад пора бўлган чашми гирёнини сўрмасми
Бошимга таҳ-батаҳ тупроқ баробар қилдию кетди

Қўлингдан келса дўстим, бевафоға асло дил берма
Жаҳонни моҳи бўлса норасоға асло дил берма
Жафо-ю жабр пеша пур жафоға[4] асло дил берма
Бало кўпроқ тегар ноошноға асло дил берма
Дилимга солди оташни мукаддар[5] қилдию кетди

Кўзимга тариқистон[6] қилди охир рўзи равшанни
Ёқиб ҳар соати сийнам уза савдойи гулханни
Мани мотамға солди, шод этиб олдимда душманни
Они мақсуди куйдирмак менингдек бағри куйганни
Сипанди хотиримни ғарқи мижмар[7] қилдию кетди

---

[1] Бесар – бошсиз, паришон.
[2] Абтар – хароб, хаста, нотавон.
[3] Хушоб – тоза.
[4] Пур жафоға – жафоси кўп, золим ситамгар.
[5] Муқаддар – хафа.
[6] Тариқистон – қоронғи, зулмат.

Ёқамни чок этиб ҳар соате бисёр йиғларман
Менингдек ғамда қолган йўқ, дили афгор йиғларман
Ўзимде хонавайронларни кўрсам зор йиғларман
Мани арзим эшит, эй Вохид ул-Қаххор[8] йиғларман
Мусибат тоғини бошимга лангар қилдию кетди

Қони бир дард кўрган, бевафони дардини айтай
Ёқамни чок этиб ноошнони дардини айтай
Лаҳаддин бош кўтарсам Махлуқонинг дардини айтай
Бу кун шўридаман, нозик адонинг дардини айтай
Қилиб хокистарим[9] бар боду аҳгор қилдиюу кетди

Юракнинг дардини ҳар дўсту душмандин нҳон туттим
Балони тахтини токи ўзимга ошён тутдим
Қочиб ҳар неку баддин[10] остонига макон тутдим
Бориб бир гўшада йиғлабон оҳу фиғон тутдим
Ҳама сирри дилимни халқа дафтар қилдию кетди

Йўлингда мунтазирман токи пайғам айласам ҳар шаб
Сафар дур[11], дарду ранж кўп, ҳеч ҳосил бўлмади матлаб
Кўнгулни дардини ман ашки хун олуд[12] ила тузлаб
Агар чандики дилғирсам кўнгулни узмоғил Машраб
Азалдин мис эдим тиллайи аҳмар қилдию кетди

---

[7] Мижмар – хушбўй нарсалар солиб тутадиган идиш, манқал.
[8] Вохид ал-Қаххор – ягона ва ғолиб, Оллох Таолонинг сифатлари.
[9] Хокистарим – кул.
[10] Баддин – яхшию ёмон.
[11] Дур – узоқ, олис, йироқ.
[12] Хун олуд – қонга беланган.

## САВТИ СУВОРА

Огаҳий ғазали

Ул юзи гул нигорининг меҳри жамол[13]ини кўринг
Меҳри жамоли устида икки ҳилол[14]ини кўринг

Икки ҳилолини кўриб, қонмаса меҳрингиз агар
Сафҳаи орази[15] уза нуқтаи холини кўринг

Нуқтаи холини кўриб, сабр эта олмас эрсангиз
Ҳусну жамоли боғида қадди ниҳолини кўринг

Қадди ниҳолини кўриб, кўнглингиз этмаса қарор
Жон кўзи бирла боқибон лаъли zулолини кўринг

Лаъли зулол[16]ини кўриб, жонингиз этса изтироб
Чораи ҳолингиз учун шаҳди мақол[17]ини кўринг

Шаҳди мақолини кўриб, топмаса чора ҳолингиз
Нуқта[18]га лаб очар чоғи ғунжу далол[19]ини кўринг

Ғунжу далолини кўриб, истасангиз муроди дил[20]
Огаҳийдек қучуб белин, айши камол[21]ини кўринг

---

[13] Меҳри жамол – жамол (юз) қуёш.
[14] Ҳилол – янги чиққан ой.
[15] Ораз – юз саҳифаси.
[16] Зулол – тиниқ ва мздай.
[17] Шаҳди мақол – асалдек ширин сўз.
[18] Нуқта – нозик маъноли, ихчам, ифодали жумла.
[19] Ғунжу далол – ноз-карашма.
[20] Муроди дил – кўнгул муроди истаги, тилаги.
[21] Айши камол – комил(мукаммал) айиш, роҳат-фароғат.

## САВТИ СУВВОРА

Болтадавлат Фузулийга мухаммаси

Ҳар китоба ким лаби лаълинг ҳадис[22]ин ёзарлар
Нуқтаи ҳолингдин олмишлар анга андозалар
Орзуи наргизиндиндур адо дил созолар
Ўрганишга севги тарихин кўнгил парвозалар
Риштаи жон[23] бирла ишқ ахли они шероза[24]лар

Жилваи акси руҳинг илхом эрур таририга
Борҳо ойим кўк юзин тутмам ироқинг шолига
Кўнглида мажнунлигимни ошкор этмак нега
Бу на сирдур сирри ишқинг демадан[25] бир кимсага
Шара тушмишман сени севдим деган овозалар

Танда қалбинг тийра олий ҳимматман дема
Қоний бул ўз меҳнатимга ўзгадин қилма таъма
Хонақо излаб қадам ранжида қилмоқдин нима
Шайх[26]лар майхонадин юз дундирур[27]лар масжида
Бетариқат[28]ларни кўрким тўғри йўлдин озалар

Белима зуннор янглиғ тирмашибдур тиғи ишқ
Ёр жабри бехабарлардан қочибдур тиғи ишқ
Бегуноҳ ошиқларинг қоним сочибдур тиғи ишқ
Чоклар кўксимда санмок[29] ким, очибдур тиғи ишқ
Кўнглимнинг шахрига меҳринг кирмакка дарвозалар

Дилда дарди йўқни Бодил ошиқи содиқ дема
Ошиқ содиқ эсанг раҳми келар кўп ғам ема
Илтифотидин умидинг узмагил айла тама
Эй Фузулий ёр агар жабр этса андин инжима[30]
Ёр жаври ошиқа ҳар дам муҳаббат тозалар

[22] Ҳадис – сўз.
[23] Риштаи жон – жон ипи.
[24] Шероза – китоб варақларини муқовалашда уларни яхлит тутувчи ипак тахма.
[25] Демадан – демай туриб.
[26] Шайх – қария, бирон тариқат йўлини тутган.
[27] Дундирмоқ- бурмоқ, ўгиртирмоқ.
[28] Бетариқат – тариқатсиз.
[29] Санмоқ – санамоқ ҳисобламоқ.
[30] Инжимоқ – ранжимоқ, хафа бўлмоқ.

## САВТИ СУВОРА

Огаҳий ғазали

Ул ай рухсориким ондин ҳама олам мунаввардур
Латофат осмони авжида хуршиди анвардур

Ўрулган икки зулфи жону кўнглум косдин этмакда
Саросар жисми печу тоб топган икки аждардур

Мусаффо тишлари кулгу чоғи лаъли лаби ичра
Дарахшон ҳўққаи[31] ёқут аро покиза гавҳардур

Юзу зулфиға то қилди назар девоналиғ айлаб
Гули аҳмар яқо чоку, паришон сунбули тар[32]дур

Хироман қоматиға гулшан ичра кўргузур таъзим
Дема эл бирла мойил, ҳар тараф сарву санубардур

Кўзиким қасдижон эткуси мужгону қоши бирла
Қўлига ўқу ё олған ситам қилғунчи кофар[33]дир

Мане бемор ўлар ҳолатға етконда ики лаълин
Сўруб билдим оларнинг бири шаккар, бири кавсардур

Агарчи Юсуф аҳли ҳусн султони азизидур
Нигорим олдида лекин ғуломи хору камтардур

Ул ай васфида ҳар кун Огаҳий шеъри топар рифъат[34]
Қуёшдек боши ондин чарх авжиға баробардур.

---

[31] Ҳўққа – қимматбаҳо тошлар солиб қўйиладиган қутича.
[32] Сунбули тар – яшнаган ва тароватли сунбул.
[33] Кофар – кофир.
[34] Рифъат – баландлик, юксаклик.

# САВТИ СУВОРА

Машраб ғазали

Ёрни куйида мен жавлон қилай
Итлариға қўшулуб афғон қилай

Кошки, бу кулбаи эҳзон аро
Итларини бир куни меҳмон қилай

Ёр қилғон заҳми битмас эй табиб
Дема менга, дардингга дармон қилай

Кес бошимни ҳанжари нозинг билан
Сендин ўзга кимга саргардон қилай

Зулфи мушкининг[35] тасаввур айлабон
Бу вароқни сафҳаи[36] пинҳон қилай

Гул юзун кўрсатти ўлдурди мани
Ёрни жисм орасида жон қилай

Машрабо, бир қатра тотсам жомидин
Ўзими ишқ аҳлиға султон қилай

[35] Мушкин – муш ҳидли, хушбўй.
[36] Сафҳаи – гўзал чеҳра.

# САВТИ СУВОРА

Аҳмад Яссавий ғазали

Дам бу дамдур ўзга дамни дам дема
Шукур қил дунё ғамини ғам дема

Куймаса жону дилинг ҳам устихон
Кўз ёшинг оққан билан сен нам дема

Хо кулса йиғласа ошиқ эли
Чеҳрайи сурхин кўриб беғам дема

Асли наслинг қатрайи обу эрур
Ҳасни кўрсанг сан ўзингдан кам дема

Одамида зарра мани бўлмаса
Сан они суврат кўриб одам дема

Юрагида бўлмаса юз доғи дард
Зинҳор қочгил они ҳамдам дема

Дўстлар девона эрмас ҳар киши
Изза жондин кечмаса адхам дема

Аҳмада тутқил ғанимат ҳар нафас
Дўстсиз ўтган нафасни дам дема.

## САВТИ СУВОРА

Машраб ғазали

Токай мени бечораға бу дарду аламдур,
Вaслингни тилаб кўнглума андишаю ғамдур
Ҳасрат ичида мунча менга жабру ситамдур
На дарди фалак бўлди на тақдири қаламдур
Бул ғуссада ўлсам, бошима оҳим аламдур.

Сен дилбари жононау, мен – ошиқи шайдо.
Жонимни берай васлинг учун, айла тамошо
Нетгум, мени ишқинг бу сифат айлади расво,
Мажнунга тушуб доғи ғаминг бўлди басаҳро
Васлинға етиб ўлса бу ошиқға не ғамдур?!

Мен сенга етолмай, санамо, хаста бу жоним
Тун кун сени излаб югуруб ташна забоним
Бир неча маҳалдурки жафога хеш бу жоним
Етмасму сенга мунча мени оҳу фиғоним
Бу хастани доим тилаги лутфу карамдур.

Жон қийнамайин восили жонона бўлурму,
Найсони[37] ки садафсиз дури як дона бўлурму
То шам куюб ёнмаса парвона бўларми
Оғзини очиб сўзламай афсона бўлурму
Васлинг асалу, доғи ғаминг – захри зоқамдир

Чин ошиқ эрсанг берма кўнгул нафси ҳавога
Кўп ётма саҳар уйғона кўр зикри худоға
Ғофул юрма бўлма гирифтори балоға
Машраб ўзингни солма мунча жабри жафога
Тўғри юрсанг эл сўзидин сенга не ғамдур.

[37] Найсон – сурёни тақвими бўйича еттинчи ой апрель ойига тўғри келади.

## САВТИ СУВОРА

Мунис ғазали

Кўнглума бир гул ғамидин санчилибдур хорлар,
Оҳ ким ҳар хордин жонимдадур озорлар.

Айламиш кўнглумни мажнун жилваи лайливаши,
Ким асири ғамзаси дурлар пари рухсорлар.

Турфа айёрики дин нақдин олурда турраси[38],
Ўрганурлар андин ўғрилик ишин таррор[39]лар.

Гардиши чашмидадур кайфияти даври қадаҳ,
Мен билибдурманки, билмаслар ани ҳушёрлар.

Мунисо, ағёр гар ҳамсуҳбат ўлса ёр ила,
Бўлма маҳзун ҳамдами гул бўлғусидир хорлар.

[38] Турраси – кокил, зулф, соч ўримлари.
[39] Таррор – айёр, маккор, хийлагар.

## ФЕРУЗ I

Базмимга келди ул пари рухсорин айлаб гул букун,
Чексам, нетонг, ўтлуғ наво, ул навъким, булбул букун.

Бўлди машомим мушк иси бирла муаттар, эй кўнгул,
Юз узра ёзмишдур магар ул дилрабо кокул букун.

Кўнглумға таъсир этмаса булбул фиғони, не ажаб
Ким, гулузорим илкида мийно қилур қулқул букун.

Сармасти саҳбо бўлғоли чиний қадаҳни тўлдуруб,
Аввал ўзи нўш айлабон тутди манга ҳам мул букун.

Ул оташин юзни кўруб, гулшанда шайдо андалиб,
Ишқи ўтига ўртаниб, бўлмиш вужуди кул букун.

Тун бода ичмай, зоҳидо, худбинлик изҳор айладинг,
Бу беадаблик бўйнинга тасбеҳинг этмиш гул букун.

Гарчи эрурман толеи Феруз ила оламға шоҳ,
Лек ул парилар сарвари олдидадурман қул букун.

## ФЕРУЗ II

Соқий, мани сармаст қил лаълинг майи нóби била,
Жону кўнглумни банд қил зулфингни қуллоби била.

На хуш саодат бўлғуси бўстон аро мажлис тузуб,
Ичса шароби нобни базм ичра аҳбоби била.

Ичмишдурур ифрот ила майни магар ул сиймтан,
Гулгул бўлубдур орази гулранг май тоби била.

Юз ишваю минг ноз ила очиб юзин келса агар,
Равшан қилур тийра туним рухсори моҳтоби била.

Дарду фироқи захридин ҳар неча бўлсам талхком,
Комимни ширин қилғуси ул лаъли сероби била.

Комим раво қилмоқ учун ширин забонлиқ кўргузуб,
Ўлтурди ёнимга келиб икрому одоби била.

Феруз, агар ёринг сори ирсол қилсанг номани,
Ёзғил сиёҳ ўрниға хат чашминг хуноби била.

## САВТИ ФЕРУЗ

Шод ўлғил, эй маҳзун кўнгул, бу кеча дилдоринг келур,
Ширин такаллум, гулбадан, лаъли шакарборинг келур.

Соз айла айш асбобини, очғил тараб абвобини,
Рухсори оламтобини очиб севар ёринг келур.

Лаълин қилиб мўъжизбаён, бермакка умри жовидон,
Юз навъ меҳр айлаб аён, жонбахш гуфторинг келур.

Ҳижрони ичра борҳо тортар эдинг ранжу ано,
Бу дам тутуб расми вафо шўхи ситамкоринг келур.

Маҳзун қилиб ағёрни, шод этгали сен зорни,
Тарк айлабон озорни, ёри вафодоринг келур.

Кўнглига ноланг бир саҳар таъсир қилмишдур магар,
Ширин дудоқу сиймбар, фархунда дийдоринг келур.

Ферузбахт ўлғил мудом, эт нўши ишрат бирла жом,
Андоқки сарви хушхиром, озода рафторинг келур.

## САВТИ ФЕРУЗ

Бир кун мени ул қотили Мажнун шиор[40] ўлтурғуси,
Усрук[41] чиқиб, жавлон қилиб[42], девонавор[43] ўлтурғуси.
Гар заф[44] ила ожизлиғим кўнглиға солса раҳм ким,
Бошимга етгач секратиб[45] беихтиёр ўлтургуси.
Васли аро гар ўлтирур жонимга юз минг шукр эрур,
Чун қолсам андин бир замон, ҳижрон зор ўлтургуси.
Ошиқ бўлурда билмадим мен нотавони[46] хастаким,
Ҳажр ўлса ғам куйдургуси, васл ўлса ёр ўлтургуси
Майдон аро, э аҳлидин, кирманг тамошосиғаким,
Юз кўрмайин ул қотули чобуксувор[47] ўлтургуси
Лаланг закотин май тутиб тургузмаса эй муғбача
Дайир ичра мен дил хастани ранжу хумор ўлтурғуси
Дерлар Навоий қатлиға гул-гул очибтур ораз[48]ин,
Кўргунча они вайким, бу хорхор[49] ўлтургуси.

[40] Мажнун шиор – телба сифат.
[41] Усрук – маст.
[42] Жавлон қилмоқ – от ўйнатмоқ.
[43] Дейвонавор – девоналарча.
[44] Заф – заифлик.
[45] Секратмоқ – сакратмоқ.
[46] Нотавон – заиф, қувватсиз.
[47] Чобук – чаққон, тез, илдам, чавандоз, ўйноқи шўх.
[48] Ораз – юз.
[49] “Хор-хор” – “Рақиблар мени хор”.

# ХУШПАРДА СУВОРА

Огаҳий мухаммаси

На дилбарсанки монандинг қоза килки рақам қилмос
Қаду рухсорингга осо сарв ила гулни баҳам қилмос
Кўриб жон қоматинг тубиға ранжа бир қадам қилмос
Кўнгул кўрса юзингни, майли гулзори эрам қилмос
На гулзори эрам ёди гули фирдавс ҳам қилмос

Чу ул золим манга икки кўзин хунхорлар қилди
Дилу жонимни мажруҳ айлабон, овворалар қилди
Демай ёлғуз жафоси тийғи бағрим ёралар қилди
Чекиб юз ноз ила ханжар, юроким поралар қилди
Киши ўз душмониға бу сифат ҳаргиз ситам қилмос

Баланд этмак учун оламда қадру эътиборини
Мунаввар қилғали ҳам тийра чашми интизорини
Қилиб сайр, ул қуёшнинг хок кўйи лолазорини
Сабо оғёра элтур тўтиёликға ғуборини
Сиришким кўйининг туфроғини беҳуда нам қилмос

Кийиб зебо қодиға лолагун тўнлар бори заркаш
Қуёшдек бошим узра тийғ тортиб, сакратиб абраш
Ғазаб бирла иштоб айлаб, бўлиб сарто қадам оташ
Худоға шукурким, жавру жафо зулмини ул махваш
Қилур кун-кундин афзун жонима зарра кам қилмас

Агар ғам шиддати ичра эшитиб нолау зоринг
Қилиб ногаҳ тараҳҳум ҳолинга тарк айлаб озаринг
Навозиш айласа дилдорлиғлар кўргузуб ёринг
Роқибо қлима нозиш ман кўрон ёр ўлса дилдоринг
Мани шод этмади бори, сани ҳам мухтарам қилмос

Неча йил хонақоҳ ичра бўлиб шайтон киби сожид
Матай тоатинг қилдинг риё бозорида косид
Ишингнинг охири билмон не ерга бўлғуси оид
Кўруб ул бут қошин миҳроба қилдинг сажда, эй зоҳид
Сан этган ишни биллоҳ ҳеч рахбону санам қилмос

Муроди Огаҳийнинг бўлса пири дайр ҳамрози
Хароботи фанода риндларнинг ёру дамсози
Бўлиб иқбол агар онинг бу ҳоли чора пардози
Муяссар бўлса синғон косаю гулхон кули Ғозий
Ҳавоий тахти Доро орзуйи жоми жам қилмос

## КАЖҲАНГ СУВОРА

Навоий ғазалига Огаҳий мухаммаси

Не бўла олдим ғами уқбо саранжоми била
Не фараҳ топдим жаҳон саҳбайи гулфоми била
Иш манга тун-кун улус таъзиму икроми била
Вохки, умрим бўлди зое барча эл коми била
Бадои ноб ўрнига хуноба ошоми била

Эй кўнгул, қил барча комингни худодин мултамас
Истасанг рахот замона аҳлидин пайванд кас
Комурон ўлмоқ тилаб шаҳ хизматин қилма ҳавас
Кимса юз йил комронлиғ қилса, билким арзимас
Даҳр аро бир лаҳза бўлмоққа биров коми била

Факр элига кулбаси мулки жахондин яхшиким
Онда эски бўрё тахти қаёндин яхшиким
Тинчлик бирла атола нўши жондин яхшиким
Заҳрни ўз коми бирла ичса ондин яхшиким
Оби ҳайвон шарбатин нокомлиғ жоми била

Қадни ҳар тун ҳам қилиб тангри руқуиға эгил
Оч саҳарлар охуруб, афғон чекиб зикриға тил
Айши ишрат жойи эрмастур бу олам англағил
Эй кўнгул, эл субҳ айши сори боқма хўй қил
Фардлиғ вайронида меҳнат қаро шоми била

Аҳли дунёким эрурлар одамиликдин йироқ
Пешаси озару миннат, одати кийну нифоқ
Хушинг ўлса бу сўзимға сидқ ила тутғил қулоқ
Бўлмоқ итлар мунъими тан туъма айлаб яхшироқ
Танни қилғунга семуз нокаслар инъоми била

Ҳар кишиким фақр пиридин эруру иршодлиғ,
Гўшае ичра ирик мешоб ила муътодлиғ,
Етмагай ҳаргиз онга шаҳ хилъатидин шодлиғ,
Қўшға юнг маскан аро хушроқдурур озодлиғ.
Бўлғонидин банд аро сайёд ипак доми била.

Ораз ўлди зард тарк эт гулжабинлар суҳбатин
Қомат ўлди ҳам, унутғил сарв қадлар қоматин
Огаҳийдек тинмайин охторма дунё ишратин
Эй Навоий, хузн ила ўткар қарилиғ меҳнатин
Ким, йигитлик борди айшу ишрат айёми била

## ЧАПАНДОЗИ СУВОРА

Фузулий ғазалига Комил Девоний мухаммаси

Киши то илми комил, бўлмоғунча пок боз бўлмас
Шарофат маснади олиси узра аҳли ноз бўлмас
Таккабур бирла хоин заҳрасида имтиёз бўлмас
Адаб сариштасин тутғил адабдин яхши роз бўлмас
Адабсиз икки оламда билинг ким сарфароз бўлмас

Ташаллидин қадам қўй кўк равоқиға масиходек
Тирикликда макоминг жаннат эт Идриси донодек
Тааллук қайдида вобаста юрма аҳли дунёдек
Ҳавоға учма эй кўнгул қуши монанди анқодек
Баланд учқон била зоғузағон оламда боз бўлмас

Азал қассами ёзмиш бирни бахтли бирни ҳам бахтсиз
Биравни шони давлат соҳиби бирни бисоатсиз
Шу боис давлат аҳли бўлди баъзи давлатсиз
Кима давлат қуши қўнса, учар ҳар ёна қанотсиз
Киминг бахти қаро бўлса они дасти дароз бўлмас

Ҳама умринг аро ўтган хатоу журумни ўйла
Бўлур ўқ журми нуқсон кечалар фарёд этиб йиғла
Сен ҳам Адҳам киби бўйнингга таъки бандалик бойла
Тавозия пешалик шикасталик оламда касб айла
Мабодо косайи зарнинг баҳоси синса оз бўлмас

Қанот бўриёси фавке дунё тахт жайидин
Тама арзанна этма бегухону подшохидин
Ҳама мақсадга етди туганмас боргохидин
Худонинг ғазнаси кенгдур тила ганже Илоҳидин
Магар бир қатраси томса тўкулган бирла оз ўлмас

Топиб Дейвони бир марди Худони ҳоки поси бўл
Муҳаббатдан ҳамиша даргоҳида йори хоси бўл
Ки ғафулларни шоҳи бўлма хушёр эл гадоси бўл
Фузулий икки оламда муҳаббат ошноси бўл
Муҳаббатсиз кишининг кўнгли қишдир асло ёз бўлмас

# ОЙ БИРЛА КУН БЎЛДИ ЗОР

Огаҳий мухаммаси

Шаҳсуворимким, қуёшдек ҳусни майдонидадур
Ишқдин, ушшоқнинг шўриш дилу жонидадур
Дема ёлғуз шўру офат чашми фаттонидадур
Ул париким фитнаи айёми фармонидадур
Юз қиёмат жилваси тахрики мужгонидадаур

Ой бирла кун тинмайин парвонадек Лайлу наҳор
Айланиб шамъи жамолингни кўрарга бўлди зор
Чун намоён айладинг мушкин ниқобингдин узор
Не қамардин бўлди зоҳир, не қуёшдин ошкор
Ул тажаллийким юзинг хуршиди тобонидадур

Гар мане Мажнунға ҳар дам юзланиб дарду ниҳон
Халқдин қочиб жунун саҳросини қилсам ватан
Ушбу ҳолимға қилиб ҳар бирингиз бир навъи зан
Деманг, эй жамият аҳли, не учун ошуфтасан
Телба кўнглум манзири зулфи паришонидадур

Субҳи давлатдур аён дилбарлигинг айёмидин
Оби ҳайвондини чоғлади майи гулфомидин
Сурмаи мозоғ эрур зоҳир кўзинг бодомидин
Ояти валлайл эрур таъбир зулфи шамидин
Сураи вашшамс тафсири юзи шаънидадур

Ақлу хушимни бериб ҳайли бало торожиға
Қасд қилдим хаста жонимнинг яна торожиға
Огаҳий найлай онинг ман бе наво торожиға
Берди кўнглул кишварин охир жафо торожиға
Қилурлар ким ул амири ҳусн давронидадур

# МУХАММАС

Машраб сўзи

На ғурбатларини чектим чархи бебунёд, дастингдин,
Тамоми хонумоним ўлдум чун барбод дастингдин.
Мудом мотамда бўлдум бўлмадим дилшод дастингдин,
Ҳама обод бўлди бўлмадим обод дастингдин,
Ки мен ҳар қайға борсам, дод этарман, дод дастингдин!

Кўзумни оқи янглиғ меҳрибонимдин аюрдилар,
Дилимни қуввати руҳи равонимдин аюрдилар,
Анисим, мунисим, дилбанди жонимдин айирдилар.
Ҳама обод бўлди бўлмадим обод дастингдин,
Ки мен ҳар қайға борсам, дод этарман, дод дастингдин!

Чаманда булбули бехонумонман ошёним йўқ
Мисоли чуғздек вайронада ҳаргиз маконим йўқ,
Азизимдин жудо бўлдум бошимға соябоним йўқ,
Ҳама обод бўлди бўлмадим обод дастингдин,
Ки мен ҳар қайға борсам, дод этарман, дод дастингдин!

Бу олам халқи ичра дил паришон бўлмасун ҳеч ким,
Кўзи ҳам термуруб йўлларға ҳайрон бўлмасун ҳеч ким,
Бу дунё дийдасиға торикистон ўлмасун ҳеч ким,
Ҳама обод бўлди бўлмадим обод дастингдин,
Ки мен ҳар қайға борсам, дод этарман, дод дастингдин!

Илоҳи менга еткургаймукин хуршиди матлабни,
Саодат вақтида бошимға чун иқболи кавкабни,
Илоҳи, сен етур ҳиммат йўлиға ҳаста Машрабни,
Ҳама обод бўлди бўлмадим обод дастингдин,
Ки мен ҳар қайға борсам, дод этарман, дод дастингдин!

## НАВО МАҚОМИНИНГ ТАЛҚИНИ

Кўнглум ўртансун агар ғайринга парво айласа,
Ҳар кўнгул ҳамким сенинг шавқунгни пайдо айласа.

Гар киши васлин таманно айласам навмид[50] ўлай,
Ҳар киши ҳамким, сенинг васлинг таманно айласа!

Ўзгалар ҳуснин тамошо айласам, чиқсун кўзум
Ўзга бир кўз ҳамки ҳуснунгни тамошо айласа!

Ғайр зикрин ошкоро қилса, лол ўлсун тилим,
Қайси бир тил ҳамки, зикринг ошкоро айласа.

Рашкдин жонимға ҳар наргис кўзи бир шуъладур,
Боғ аро ногаҳ хиром ул сарви раъно айласа.

Офият[51] жонимға етти, эй хуш ул муғким, мени
Бир қадаҳ бирла ҳаробот ичра расво айласа.

Даҳр шўхиға, Навоий, сайд бўлма нечаким,
Кун узори узра тун зулфин мутарро[52] айласа.

[50] Навмид – умидсиз, маъюс.
[51] Офият – соғлиқ, тинчлик.
[52] Мутарро – тозаланган, мусаффо.

## НАВО МАҚОМИНИНГ УФОРИ

Ҳар дам манга юз жафо қилурсан
Минг дардга мубтало қилурсан

Қатлимға қилиб кўзингни жаллод
Қастимға қошингни ё қилурсан

Ғамзанг қиличин чекиб бошимға
Жондин баданим жудо қилурсан

Киприкларинг ўқларини отиб
Бошдин оёқим яро қилурсан

Мандин ёшуруб ул ганжу хуснинг
Зулфинг ики аждоҳо қилурсан

Вайрон этубон бинойи сабрим
Зулминг уйини бино қилурсан

Етса ситаминг гар интихоға
Бошдин яна ибтидо қилурсан

Жонимға уруб фироқ нешини
Эл захми уза даво қилурсан

Раҳм айлаки, қолмади қарорим
Чиқмоққа етишди жони зорим.

## РОСТ МАҚОМИНИНГ УФОРИ

Огаҳий ғазали

Кўнглум ғамин, эй дўстларим, ёрима айтинг,
Жоним аламин лаъли шакарборима айтинг.

Шоядки тараҳҳум қилибон кулбама келгай
Ҳолимни паризоди вафодорима айтинг

Истаб нигаҳи гўшаи чашмин топо олмай,
Беморлиқим кўзлари беморима айтинг.

Мужгони хаёли била ҳар лаҳзада минг ўқ,
Санчилғонини бу тани афгорима айтинг.

Озорига кўнглум чидамай, эмди ўлумга
Рози эрур ул шўхи дилозорима айтинг.

Келсун доғи қатл айласуну қонима қонсун,
Қотилвашу[53], ошиқ қушу[54] хунхорима айтинг.

Огаҳийни ўлтурсуну ё комини берсун
Зинҳор бориб ёри жафокорима айтинг.

---

[53] Қотилвашу – қотилга ўхшаган.
[54] Ошиққушу – ошиқ ўлдирадиган.

# САВТИ СУВОРА

Девоний сўзи

Эй кишвари ҳусн ичра жойинг
То ким санинг бўлдим ошнойинг
Жисмим била жон эрур фидойинг
Билмам на эрур муроди райинг
Еткур кўзим узра ҳоки пойинг
Куйди ғаминг ичра бул гадойинг

Эй моҳи жабинлар ичра якто
Ишқинг мани қилди бўйла расво
Ишдур манга йиғламоқ мудомо
Шавқинг била юз бошимда ғавғо

Алдоқчи ёмон экан рақибинг
Йўл бермади бу ғани қарибинг
Эй ёр сенинг ман андалибинг
Вобаста кўнгил эрур ғарибинг

Йўлингда хамиша посбонман
Ғурбатда ғариби бағри қонман
Ал қисса зайифи нотавонман
Ишқингда фасанойи замонман

Ҳажрингда висолдин хабар йўқ
Бир ман каби сўхтайи жигар йўқ
Оҳим ўтидин санга асар йўқ
Сандин манга биргина назар йўқ

Ишқингда ажойиб ҳолатим бор
Андуҳу ғами малолатим бор
Не сабру сукундин тоқатим бор
Не соғману саломатим бор

Эй зулмила офати замона
Топмасмисан айласанг баҳона
Бир яхши хабар ёзиб нишона
Девонийга айласанг равона.

## ЧАПАНДОЗИ СУВОРА

Махрами сўзи

Муродумдур онинглан сайр қилсам васл боғинда
Қўлим бўйниға ташлаб рози дил қилсам қучоғинда
Бўлиб парвонадек ман айланай ҳусни чароғинда
Бўлиб соқий карам қилсам бир оқшом васли боғида
Олай кўз пардаси бирлан қадалса ҳор оёғинда

Ҳазар қилмай қаддим бўлди ғамингни ҳасратидин дол
Ажаб ҳангомалар солдинг бошимға бу палак пур зор
Неча кундан барин бўлмишдурур оху менга ким бор
Хўжиклар сарваридурсан мани бу хаста кўнглим ол

Ёмон кўз офатидин сақласин давлатли султоним
Фидойи ҳолинг ўлсин эй тўрам ушбу азиз жоним
Агар раҳм этмасанг энди ўларман бўйнингга қоним
Санинг дардинг чекарга қолмади бир зарра дармоним

Ризолик берса кўнглум ушбу бошим ол итобингда
Бошим турса ризоман найзо устинда жанобингда
Ничик кимсан юрурсан ўз ҳазингда мен кабобингда
Сўзим шулдир ваё ўлтир ваё хат берма офингда

Даъвосиз дард экандур билмадим бу ишқинг кори
Агар Искандар ўлса ишқни бўлғай баси хори
Тешиб кўксимни бузди дам бадам мужгонни озори
Даъво йўқ дардига ҳар кимни бўлса беақил ёри

Шарофатлик кўзинг қайғусидин девонавор бўлдим
Санга кўнглумни бергандан барин кўп беқарор бўлдим
Иложим йўқ ничик найлай ажаб бечоравор ўлдим
Ўзимдан паст кишиларга санинг ишқингда зор ўлдим

Мани Мажнун қилан наққош қудрат тортилан қошинг
Тушиб оламни бузди шуҳратинг ўн тўртдадур ёшинг
Агар борсам маломат тошин отғай қавму-қардошинг
Эмас мумкин бир оқшом сенга бўлсам якка сирдошинг

Фироқинг шиддатидин қоматим ҳам кўзларим гирён
Кўзингни қайғуси қилди бу ҳаста кўнглимни вайрон
Мани оввора айлабсан юрарсан шод ила хандон
Агар билсанг манингдек ошно топмассан эй нодон

Муборак исмингизни ушбу тахрир ичра бунёди
Кўринг фахм айлабон ондин чиқар маъшуқни оти
Бу кимдир бир дуогўй Махрамингни арз ила доди
Сани Лайли мани Мажнун қилан саргаштайи водий

## ХОРАЗМ НАСРУЛЛОСИ

Огаҳий ғазали

Бу оқшом маҳвашим руҳсори ой бирла талошибдур
Эмас анжум фалак аҳли очиб кўзлар қорошибдур

Бир учқундур қуёш ул маҳлиқо рухсори ўтидин
Шафақ эрмас фалак домониға ул ўт тутошибдур

Дема тун зулмати хуршид рухсорин ниҳон этмиш
Ул ойнинг ишқи савдоси онинг бошидин ошибдур

Фалак меҳри булутдин юзига чекмиш пардаи мушкин
Магар боқиб қуёшим юзига кўзи қамошибдур

Юзида чинмудур ҳар сори тушкан совуқ оҳимдин
Бу Сарсар бирла, йўқ эрса ғазаб дарёси тошибдур

Сочи савдосида гар етмасам лаълиға тонг эрмас,
Ки, бу зулмат ичида неча Искандар адошибдур.

Юзига суртубон ғоза чекибдур қошига вўсма,
Бу зиннатлар онга, ваҳ, не бало усру ярашибдур.

Кўнгул бўл воқиф ул пайваста қошлар ҳайатидинким,
Иков бир-бирга қатлингда эгиб боши кенгошибдур.

Неча кўб деса ҳазён Огаҳий ҳар кеча тонг йўқким,
Ул ой савдоси фикри бирла онинг ақли чошибдур.

**МУХАММАС**

Хилватий ғазалига Залулий мухаммаси

Хужуди хорижи гар ғамда бўлса ман ўшандандур
Бу ғамлар бир париваш дилрабо нозик бадандандур
Дема булбул навоси гулшан ичра нола мандандур
Бу барно нозанинни билмадим қайси ватандандур
Паризоти эрамдандур сиё чашми хўтандандур

Зеҳи пориғ эрмас эрдим висолинг жусти жўйидин
Паёми келмайин ҳайрон эдим ул шоҳ расулидин
Тараҳҳум бирла худ келди очиб бурқани рўйидин
Кўнгиллар ғунчаси гул гул очилди ранги бўйидин
Бу гул билмам қаю гулшандану қайси чамандандур

Ёронлар менга бу ғам ул париваш соридин билгум
Хумори зори ҳайронлиқ шакар гуфторидин билгум
Бу беҳудлиқ манга ул маҳлуқа озоридин билгум
Ўшал махваш паринінг партави руҳсоридин билгум
Бу маҳфил ичра равшанлиқ на шаъм на лагандандур

Ғамингнинг лангаридин қоматим бўлмиш мисоли нун
Кўнгиллар тах батах бўлди қизил гул ғунчасидек хун
Дедим танхо жаҳонда ошиғингдурман ўзим акнун
Биров шайдо биров расво биров махзун биров мажнун
Дема бир ўзга дилбардин ҳама эй ёр саннандур

Таним беқувввати бе ҳам ўлиб кўзимнинг намлиги
Неча мандин бўлаклар ҳам гадою мухташамлиги
Ишим оҳу кўтарган юкларим дардим аламлиги
Юзим сориғлиги, сочим оқи қаддимнинг ҳамлиги
Ўшал гул рўйи сунбул соч қади сарву суманнандур

Бўлиб эрди муяссар ман гадоға васл ҳангоми
Келиб эрди манинг кулбам сори ишратнинг айёми
Тутиб зулфингни ўйнаб ўлтирурди ул неку номи
Дедим бу ҳалқаи сулариму ё бало доми
Деди ушшоқлар кўнглини банд этган расандандур

Мани дилхастасиға мунча ҳам нозу димоғ этдинг
Кўнгул оинасига зулмидин юз доғ-доғ этдинг
Рақибий рўйсиёларни бу ғамлардин фароғ этдинг
Тун ул гул руҳ ёзиб сунбул сочини сайри боғ этдинг
Тамоми рангги бу ондин на боғу на чамандандур

Аламлар манга жоно шум рақибға шафқатингдандур
Аларға лутф ила эҳсонлар айлаб рағбатингдандур
Карам қилсанг мани бир зори аҳли суҳбатингдандур
Бу ғам дарди ғамингдандур фиғоним фурқатингдандур
На фикри моли зардандур на фарзанди на зандандур

Бу кеча келган эрди ул пари рўйи малаксиймо
Висолингга қилиб эрди кўнгилни волайи шайдо
Дедим доим сани деб бу Залулий оҳ урар жоно
Сани деб Хилвати гоҳи хумор баъзи гоҳи расво
Гоҳи бангги гоҳи гулханнишин гоҳи чамандандур

# МУХАММАС

Тухфатул Обидин

Манга саргашталик э гулбадан раънолиғингдандур,
Кўзимга ҳар замон хуш жилваи оралиғингдандур.
Ҳамиша зулму жабринг рахми йўқ тарсолиғингдандур,
Ўзингга хўб бино қўйган тахий барнолиғингдандур.
Дило ҳар ғам ўзингдандур анга шайдолиғингдандур.

Ёмон кўздин саломат айласун парвардигор аммо,
Ғами андух ўтида куймасун жисминг пикор аммо.
Миёни дўсти душман ичра бўлмай хору зор аммо,
Омон бўлғил ҳамма дарду машақатдин назар аммо.
Мани қон ютмоғим холимға бе парволиғингдандур.

Рақибий рўй сиё бирлан юрарсан зор этиб бизни,
Йўлингда мисли мажнундек дили афкор этиб бизни,
Ҳамма халқи жаҳон ичра басе кўп хор этиб бизни.
Нигоҳи айламасдин ожизи бемор этиб бизни,
Билурманким булар пур нози истиғнолиғингдандур.

Забун бўлди ғамингда қоматим чун дол э махваш,
Фироқинг бирла бўлмишман ажойиб хол э махваш.
Бугунча даскирим бўл қўлимни ол э махваш.
Тутиб қўлдин висолинг кўчасига сол э махваш,
Агар қилсанг муни дар ғояти донолиғингдандур.

Керак эрмас манга айшу нишоту ду жаҳон сансиз,
На тахти бахтию ҳам боғу-роғу ҳам бу жаҳон сансиз.
Тирикликни нетарман э майи нозик нихон сансиз.
Агар чандики қилсанг ҳам жафоларни чунон сансиз.
Куяр жисмим алам ўтиға но файдолиғингдандур.

Агар ажам висолингга тану жоним фидо бўлсин,
Сенинг кўнглинг илоҳи манга ҳам бир ошно бўлсин.
Илоҳи санга халлоқи жаҳоним миттақо бўлсин,
Ҳама ишда ривожинг берувчи ҳам у Худо бўлсин.
Ва лекин ҳасратиман йўқламас аслолиғингдандур.

Рафиқ ўлмас агарчи бир келиб кетмас мани йўқлаб,
Танимнинг қуввати мағзун дилимнинг равшани йўқлаб.
Демабман бирили кел деб маконингга сани йўқлаб,
Нетайким толейим йўқ келмади ёрим мани йўқлаб.
Ютарман заҳар ила оғувни бепарволиғингдандур.

Ёмон бўлди фироқингда мани холим аё махваш,
Куярсан нози истиғно қилиб кўксим аро оташ.
Қачон бўлғайки лутф айлаб бўлурсан бизларга дилкаш,
Фироқинг зўридин мағзун кўнгил бўлмиш ҳамиша ғаш.
Сани зикр этмагил дил мулкида ғавғолиғингдандур.

Хаёлинг бирла э махваш кеча уйқум хором ўлмиш,
Ишим шому саҳар ғайри тарафларга хиром ўлмиш.
Бу боисидин манга кундуз куни гўёки шом ўлмиш,
Билолмам санга мандин ўзга бир одам ғулом ўлмиш.
Оларға марҳамат манга машаққат шолиғингдандур.

Муҳаббатлик санга бўлган асиру муфталоларга,
Дилу жонини берган ваъда пурнам ошноларга.
Тараххум қилмадинг харгиз дили мағзун гадоларга,
Иши булбул каби ғам гулшани ичра наволарга.
Жафолар қилмағинг э махлуқа зеболиғингдандур.

Аё нозик бадан ширин шу мойил нозанин ёрим,
Парий талъат малак суврат мисоли мажабин ёрим.
Бу янглиғ қилмағил кўнглим ғаминг бирла хазин ёрим,
Фузуний давлатинг этсун илоҳий аламий ёрим.
Дуолар мандин э дилбар қамар сиймолиғингдандур.

Нечук қилсун илож Обид саниваслингнинг ёдидин,
Насиб этса худо бир лаҳзаи фурсатни шодидин.
Бу янглиғ бўлмасун ноумид қилғон этиқотидин,
Висолинғға етурни айлаганларнинг муродидин.
Санга дил бермагим хуш рўй аро танхолиғингдандур.

# ПУШАЙМОНСАН

Аюб ғазали

Йигитликда ўқувдан қолса ўғлон
Қариганда пушаймонсан пушаймон

Гўзаллик юзда эрмас эй биродар
Сўзи ширин киши ҳар кимга ёқар

Сўзинг оз бўлсину кўп мани бўлсин
Эшитганлар қулоғи дурга тўлсин

Табакур бўлмоғин бўлғил мулойим
Бўлурсан шоду хуррамликда доим

Биров қилса ғазаб сан сўкма они
Бу дур яхши қишиларнинг нишони

Ёмонлик айлаганга яхшилик қил
Ёмонлиқни ёмоннинг бўйнига ил

Насиҳатни қулоғингга тутиб ол
Ёмон сўзни эшитмай тез кетиб қол

Сўзинг бўлса кумуш жим турмоқ олтин
Миси чиққай сўзинг кўп бўлса бир кун

Кўпалган сўзни бўлгай маниси оз
Шакарни кўпидин ози бўлур соз

Биравдин бир нарса сўрма зинҳор
Кишини миннати сенга не даркор

Талаб қилғил муродингни ўзидин
Гадосан сўр муродинг подишодин

Экин вақтида ухлаб ётса деҳқон
Ўроқ вахтида бўлғай кўзлари қон

Жадал қил илм учун Аюб ҳамиша
Кучинг борида қил ҳайратни пеша

# ҲОЖИХОН

Рауф Аллаберганов ғазали

Барча Хофизлар ичида Ҳожихон  машҳур эди
Неки машур ул бўлиб ҳам халқига манзур эди
Муғонилик бобида комилу устоз бўлим
Куйлаганда тенги йўқ Мутрибу гўянда эди
Хониш қилса ул мақом Бузрук ила Наволарни
Булбули гўё сифат андалиб хонанда эди
Ҳеч ҳофиз келмас эди унга баробар барчаси
Қолдириб барчани ҳайрон ул ўзи хушхон эди
Ферузу, Ушшоқ, Суворапарни айтиб халқига
Нурмамат дутор ила ёнида жўр овоз эди
Кўп ғазал айтур эди ул ҳазрати Навоийдан
Ҳам Фузулий, Огаҳий, Машраб унга мактаб эди
Матпано эди унга мақом йўлида устоз
Хониши ҳам сарбаланд авжида хуш парда эди
Улфати Сиддиқ Мақсум ҳам ул Отажон қўшмон
Камсуханликда бариллар доимо ҳамроз эди
Ҳожихон ҳофиз номин қилсак эъзоз жоиз эрур
Машрабжон пир эшон унга дуо қилган эди
Ҳожихон устоз учун ёздим ғазални мадҳ этиб
Рауф ҳофиз ҳам ундан санъат илмин олган эди

ДЕМА
(«Қорадали» куйига айтганлар)

Машраб ғазали

Асли давлат диндадур марди баҳимматман дема
Дилда маъни бўлмаса аҳли ҳақиқатман дема
Хотамий тойдек жахонни тутса хайринг эй соқий
Иш риёдин холи йўқ аҳли саҳоватман дема
Қатраий оби манигоҳ мовиман лозим эмас
Мужтаҳиднинг ўғли бўлсанг бе қаруратман дема
Сан насаб бозорига солма ўзингни эй азиз
Мази тақлид бирла авлоди муҳамматман дема
Муттоқий бўлмоқ учун нафсни ўлдирмоқ керак
Зиндаликда ўлмасанг аҳли саломатман дема
Ёр юзининг тоатин қилғонда ожизликни тут
Дилни нохватдин оритғил аҳли тоатман дема
Мутасибий нафси бўлсанг дилни ширкатдин арит
Бас бу нодонлик билан соиб насиятман дема
Ҳаорти иқлим бўлса фармонигга нақши нигин
Талху жону хандалиғ бердурки шавкатман дема
Бандаликда мустақим бўл гарданингни ҳам қил
Сан одам йўлини тутғил аҳли хизматман дема
Мисли яхё йиғлагил шому саҳар мотамда бўл
Дийдадин хун тўкмайин аҳли надоматман дема
Не дилаворларни йиққан накдини олганда бил
Мушти хоки бе бизотсан ул баҳимматман дема
Хаста дил Машрабнинг асрорини билсанг эй ҳаким
Бу хатарлик йўлдасан сойиб кароматман дема

# АЙЛАНУР

Аҳмаджон Уммат ғазали

Лутфи Ҳақ бўлса гадолар подшоға айланур,
Қаҳр қилса подшолар бенавоға айланур.

Водийи ҳайратда қолган гумроғу саргаштаға,
Бир назар қилса Худойиим раҳнамоға айланур.

Гар тажаллий қилса афъо фазлида коми била,
Заҳри афъо малҳам ўлғай мўмиёға айланур.

Дайр хуффошиға гар қилса иноят шул замон,
Шаҳбози арш ўлуб, балки хумоға айланур.

Раҳм қилса бистари марг узра ётган хастаға,
Ҳар мариз бўлса вужудида шифоға айланур.

Солса туз йўлга агар исён била оғуштани,
Пешвойи халқ бўлиб, соҳиб дуоға айланур.

Ким набий шаръини маҳкам тутса ул Жаброилдек,
Маҳрами даргоҳ бўлур нури Худоға айланур.

Кимким асли пок бўлса боқмағил кирдориға,
Охири шаръи набий мустафоға айланур.

Берса ожизларға қувват пашша бўлса хох мур,
Пашша фил бўлғай, даме мўр аждаҳоға айланур.

Уммато бўл, мардларнинг суҳбатида ҳокпо
Бир назар солса алар, мис кимёға айланур.

# ҲАРГИЗ

Навоий ғазали

Кўйинг борида қилмон жаннатка гузар ҳаргиз
Қаддинг қошида солмон тубийға назар ҳаргиз

Ўқингға кўнгул мойил муъжиб недур эй қотил
Ким ўтганидин бўлмас кўнглумга хабар ҳаргиз

Бу жисмим низор ичра кўнглимни гумон қилманг
Шоҳеки қурур, анда ким кўрди самар ҳаргиз

Лаълингда малоҳатдин жон комидадур лаззат
Бу таъм қачон бергай туз бирла шакар ҳаргиз

Кўнглиға фиғонимдин раҳим ўлмаса эй булбул
Гул ғунчасиға борму нолангдин асар ҳаргиз

Фил ўлса санинг хасминг десанки зарар топмай
Бир пашшаға оламда еткурма зарар ҳаргиз

Маҳлас тиласанг ғамдин даҳр ичра Навоийдек
Қўймағайсен илгингдин соғарни магар ҳаргиз

# ХУШ КЕЛДИНГ

Партавий мухаммаси

Салом эй шаъми маҳфил матлаи анвор хуш келдинг
Салом эй ишқ элига муниси ғамхор хуш келдинг
Салом эй нозанинлар хайлига сардор хуш келдинг
Маконим қилғали гушан чаман рухсор хуш келдинг
Бошимга қўй қадам эй сарви гул рафтор хуш келдинг

Бўлиб тобеъ нигоҳи марҳаматдин илтижоларга
Қадрдонлик тариқи бирла биз қилган рижоларга
Муҳаббат аҳлини еткурмак истаб муддаоларга
Висолинг муждасидин туҳфа айлаб ошноларга
Тутиб меҳри вафо ойинини изҳор хуш келдинг

Сочинг фикри билан диллар паришон ўлғонин англаб
Лабинг ёдида бағридин таҳ-батаҳ қон ўлғонин англаб
Саҳарлар жон қуши шавқингда нолон ўлғонин англаб
Йўлингда ойу йил кўзлар нигорон ўлғанин англаб
Соғинган дийдаларга кўрсатиб дийдор хуш келдинг

Фалак токи неча ўз манзарида ишва соз ўлсин
Неча ойу қуёш ўз буржида оламнавоз ўлсин
Тароватда надими даргоҳинг ҳар сарвиноз ўлсин
Ошиб ҳар лаҳза ҳуснинг равнақи умринг дароз ўлсин
Муродим жомидин ич бодайи саршор хуш келдинг

Кўнгул кўйдим санга аввал кўришда дил фирибим деб
Кўнгул дардини изҳор айладим ҳозиқ табибим деб
Умид этдим висолингдан шифо бўлғай насибим деб
Нечук ҳижроним ичра ҳолинг эй Партав ғарибим деб
Сўраб ҳолимни саҳар вақтида бедор хуш келдинг.

ПАНОҲИМ БОР

Муҳлис мухаммаси

На тил бирла санга арзим қилай беҳад гуноҳим бор
Лаҳатга бораман ҳижлат ила рўйи сиёҳим бор
Умид узмам карамдин мағфиратлик подшоҳим бор
Деди лотаҳни тухмир раҳматиллодин гувоҳим бор
Ғамим йўқ Мустафо отлиғ менинг пушти паноҳим бор

Имомий жузви гулдир жумла олам бошининг тожи
Қалам то арши курси лавҳидур гардининг мухтожи
Ҳамма бошин кўтариб ҳажрида ондин эрур рожи
Ушал кун лол қилса ҳашр аҳлин дўзахо аввожжи
Ғамим йўқ мустафо отлиғ менинг пушти паноҳим бор

Ҳаммадин илгари бир нури аъзам айлади пайдо
Муҳаммад ном қўйди ким бўлур деб бойиси Ашё
Кими-ким анга уммат бўлди топди давлати узмо
Жудо қилма бу нурдин жон чиқар вақти худовандо
Ғамим йўқ мустафо отлиғ менинг пушти паноҳим бор

Ўшал вақти онодин келди иззат топди дунёга
Замин фахр айлабон ҳам санг бўлди арши аълога
Тутиб овозаи тахти сиротдин то сурайёга
Ҳабибим ҳоқ эрур деб тўлди олам шўри ғавғога
Ғамим йўқ мустафо отлиғ менинг пушти паноҳим бор

Кичик тутди ўзин тупроқ лойиқ бўлди иззатга
Макон ўлди ўшандоқ саййиди соҳиб шафоатга
Киши то хок бўлмай етмагай қурби саодатга
Муҳаммад уммати шарманда бўлмасдир қиёматда
Ғамим йўқ мустафо отлиғ менинг пушти паноҳим бор

Мадорим қуввати жони тилим ёрони асҳоби
Абу Бакр, Умар, Усмони Ҳайдар дурри ноёби
Ҳасан бирла Ҳусайн ул кун берур лаб ташнага оби
Ул иккиси рисолат осмони меҳри ила тобони
Ғамим йўқ мустафо отлиғ менинг пушти паноҳим бор

Менинг пайғамбарим меърож уза ким чиқди аълога
Набиларга муқаддам бўлди ким меҳрибони ақсога
Салом айтди бу янглиғ ким бориб вожиб таологa
Санхо айди  қўниб булбул сифат шўхи тажаллога
Ғамим йўқ мустафо отлиғ менинг пушти паноҳим бор

Аё ҳайрул башар ул кун ижозат бўлса боридин
Ҳалос эт умматингни етти дўзахнинг каноридин
Ичирсанг куллу мужримга шафоатнинг висолидин
Манга ҳам жой бергин анда муҳлислар қаторидин
Ғамим йўқ мустафо отлиғ менинг пушти паноҳим бор.

## БЎЛМАСА

Девоний мухаммаси

Қонға ботсин жисмим ишқ ўтиға сўзон бўлмаса
Кўр бўлсин кўз жамолингга нигоҳ бон бўлмаса
Тандин айрилсин бошим йўлингда қурбон бўлмаса
Бархам ўлсин жоним ул ғам бирлан тўпон ўлмаса
Ҳар бир ул тўпон ғами ҳам онда бу жон бўлмаса

Йиғламоқдин кўзларимда қатраи нам қолмади
Тоқатим сабру фироқинг қилди бархам қолмади
Эй ситамгар ҳажр аро мен чекмаган ғам қолмади
Қилмағон афсуси аҳволимға одам қолмади
Деб на мушкул дард экан бу ҳеч осон бўлмаса

Ўзга бир хури пари пайкар ҳузурин не қилай
Айламанг тарификим даврон сururин не қилай
Анжуми афлок ўзга хуршиди нурин не қилай
Ҳосилим васл ўлмаса умрим мирурин не қилай
Шами ҳижронингда мандек сўнгра вайрон бўлмаса

Хотирам ошуфтаман шод бўлмаса шод бўлмасин
Қисматим шулдур ғамидин кўнглим озод ўлмасин
Эй мусулмонлар бировга шунча бедод бўлмасин
Улки аввал ёри васли бирла обод ўлмасин
Тиракан шаму аро ул моҳи тобон бўлмаса

Эй саломат аҳли ўзни мен билан ёд этмангиз
Роҳат эт сундеб валиятга гирифтор этмангиз
Захмима малҳам қўйиб нештарға дучор этмангиз
Дўстлар энди мени тарғиби гулзор этмангиз
Ул қадди туби юзи гул чашми фаттон бўлмаса

Нехуш айём эрди айлаб сайри гулшан иккимиз
Гоҳ гулистон саҳнида айлаб нишинман иккимиз
Дилга ўргатмай дами ман йўқса ким сан иккимиз
Айрилиғ тақдир экан бердик шунга тан иккимиз
Рози эрмас сансиз ичкан май қаро қон бўлмаса

Шаму Фурқат даштида шабгирри Девони қилур
Ёри хатти ҳолини тасвири Девони қилур
Бенаволик шиквасидан таҳрири Девони қилур
Зулфи тумори бу нав тасвири Девони қилур
Зафарон хожат сиёйи ранги самон бўлмаса.

# МУХАММАС

Навоий ғазалига Огаҳий мухаммаси

Фалакким яхшилар базмида қадримни баланд этмас,
Даме йўққим ёмонлар мажмаида мустаманд этмас,
Бу ҳасратдин кўзим ашки йўлин бир лаҳза банд этмас,
Мани ман истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас,
Мани истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.

Фиғонким, даҳри дун ичра рафиқе топмадим огаҳ,
Қаён борсам бўлурлар ғўливашлар ҳамдаму ҳамраҳ,
Тиларлар баҳра мандин, ман тилаб топман биридин раҳ,
Не баҳра топғаман ондинки мандин истагай баҳра,
Ўзи ҳам баҳраманд ўлмас, мани ҳам баҳраманд этмас

Кўзи захри эса ҳар нечаким мойил мамотимға,
Лаби шаҳди эди роғиб ўлумдин ҳам нажотимға
Бу дам восил эмон ул қотили Исо сифотимға
Нетай ҳуру пари базминки қатлим ё ҳаётимға
Аён ул заҳри чашм айлаб, ниҳон бу нўш ҳанд этмас

Чиқо олмай кўнгул ҳайрондур усру шоми фурқатдин,
Тўкар ашкини кўз ҳам интизори субҳи вислатдин,
Иложи бўлмаса ул, моҳваш хуршиди талъатдин,
Керакмас ой била кун шакликим ҳусну малоҳатдин,
Ичим ул чок-чок этмас таним бу банд-банд этмас.

Букун чобуклар ичра йўқ эди ул шахсуворимким
Бирини қилмади манзур чашми ашкборимким,
Ғуборосо не тонг гар қолмаса сабру қароримким
Керак ўз чобуку қотилвашу Мажнун шиоримким,
Бузуқ кўнглумдин ўзга ерда жавлони саманд этмас

Саводи зулфини кўргач юмор Огоҳий тун деб кўз,
Юзиға нозир ўлғоч ҳам тутар қўл бирла кун деб кўз,
Кўнгул ҳайратда қолма кўрмас они не учун деб кўз
Ул ой ўтлуғ юзин очса Навоий, тегмасун деб кўз,
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас.

# СУВОРИЙ

Муқимий ғазалига Партав мухаммаси

Нигоро поймолинг ҳар дилу жон ўлди, бир манму,
Юзинг шавқида булбул зору нолон ўлди, бир манму.
Нигоҳинг садқаси чашми ғизолон ўлди, бир манму,
Асири чашминг оҳуйи биёбон ўлди, бир манму,
Кўриб оиналар ҳуснигга ҳайрон ўлди бир манму.

Юрарсан борҳо ишқ аҳлини ўздин йироғ айлаб,
Жафо тиғи билан эл кўксини доғ узра доғ айлаб,
Тафаккур қил ўзинг жонлар нечук турғай фароғ айлаб,
Руҳ очдинг пардадин ул субҳиким бир сайри боғ айлаб,
Қолиб хижлатда гул чоки гирибон ўлди, бир манму.

Бўлур жон ўйнамоқ ҳуснини бозорида ашғолинг,
Раво Юсуф Зулайхо бўлса савдо вақти даллолинг,
Жаҳон нақдинасин мансух этар қадр ила иқболинг,
На ёлғиз ман асири халқаи зулфу хату холинг,
Лабингга банда ҳам лаъли Бадахшон ўлди, бир манму.

Тутар ишқинг йўлин ҳар нечалар анга айб эрмас,
Жунун даштида маскан қурмоқимға шакка райб эрмас,
Танимас ошиқинг деб ул кишиким чоки жайб эрмас,
Йўлингда телбалардек оҳ уриб юрганда айб эрмас,
Сочингдин сумбулу райҳон паришон ўлди, бир манму.

Мақоминг ҳусни авжи узра жоно жойи аълода,
Лабинг устида бежо нуқтаи бўлмишдур омода,
Юраклар раҳна топгай рўбарўйинг бўлғон аснода,
Куяр жонлар на танҳо ишқинг ўтидин саҳрода,
Тушиб бағрига яксар лола сўзон ўлди, бир манму.

Умиди васлатинг Партавға на хушким спеҳри ғам,
Қўярсан нома ирсоли билан дил дардига малҳам,
Қачон нўш айлагум васлинг шаробин ўйла жоми жам,
Жамолинг лаззатидин муждалар топган ҳарифлар ҳам,
Келиб дерлар Муқимий Янгиқўрғон ўлди, бир манму.

## ХУШПАРДА СУВОРА
## (МУХАММАС)

Огаҳий ғазалига Комил Аваз мухаммас

Ишқни деб тинч тонг каби онинг керакмасму сенга,
Ғам чекарсан кулги, хандонинг керакмасму сенга,
Телба ҳолига тушиб, шонинг керакмасму сенга,
Ошиғ ўлдинг, э кўнгил, жонинг керакмасму сенга,
Ўтга кирдинг жисми урёнинг керакмасму сенга?

Тонгда булбул чарх уриб, уйғотди гулни уйқудан,
Ноласида неча афғон, неча андуҳ, неча ғам,
Қайси маҳваш юзларини беркитиб қилди ситам,
Истабон ул юз томошосин кўздин дам-бадам,
Қон тўкарсан, чашми гирёнинг керакмасму сенга?

Ул париваш ёди бирла ҳар нафас овворасен,
Бир кулиб боқса агар, то қиёмат борасен,
Ким яшарсан оди бирлан сарвиқад бўй, оразин,
Ҳар дам эткунг орзу кофир кўзи наззорасин,
Қил ҳазарким, накд иймонинг керакмасму сенга?

Даста-даста шеър битиб, куй басталарман сен учун,
Сайри боғ этмай ҳанузким, хасталарман сен учун,
Лафзи ширин суҳбатингдин баҳраманд этмай нечун,
Лутфинг этдинг ҳаста кўнглумда дариғ, э шоҳи ҳусн,
Бу гадойи зору ҳайронинг керакмасму сенга?

Не сабабдин дилбарим, кўнглумни обод этмадинг,
ШУм рақибларни рақиб, ётларни ҳам ёт этмадинг,
Кўп ситамлар кўргузиб сен бир нафас шод этмадинг,
Сели ғамдин хонавайрон ўлдиму ёд этмадинг,
Айтгил, бу хонавайронинг керакмасму сенга?

Нозу истиғнонгни, эй гул, бунча хил-хил қилғосен,
Гоҳи рашким келтириб, кимни муҳофил қилғосен,
Не учун Комил Авазни бунча ғамдил қилғосен,
Огаҳий ҳолин кўриб дойим тағофил қилғосен,
Шоири донойи давронинг керакмасму сенга?

## ОНА СУВОРА
## (БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ)

Мухлис Намангоний мухаммаси

Сипосу ҳамди беҳад Ҳаққоки зоти қадимдандур,
Кимики зотиға инкор этар жойи жаҳимдандур,
Мадори икки олам зоти Ҳақдин ўзга кимдандур,
Каломин аввали билгил Алифу Лому Мимдандур,
Шифо мўъминға Бисмиллоҳир роҳманир роҳимдандур.

Буюрди Ҳақ қаламга айла деб туғройи Бисмиллоҳ,
Йил ўтди минг битолмай бўлди шақ имлойи Бисмиллоҳ,
Минг йилдин сўнгра таҳрир этди ул иншойи Бисмиллоҳ,
Етти қудрат била битди Худойим бойи Бисмиллоҳ,
Шифо мўъминға Бисмиллоҳир роҳманир роҳимдандур.

Ёзилдиким бу хат етмиш йил илгари ки Одамдин,
На арзу на само балки нишон йўқ эрди оламдин,
Ҳакими ламязал бизга насиб этди бу марҳамдин,
Бу хатни ким қироат қилди мухласдур жаҳаннамдир,
Шифо мўъминға Бисмиллоҳир роҳманир роҳимдандур.

Деса ҳар кимки Бисмиллоҳни очқай Ҳақ дури раҳмат,
Азал кундин муни Ҳақ айлади сардафтари оят,
Намоз ичра дедилар Шофиий фарз, ўзгалар суннат,
Намози Ҳақ, таҳорат, ҳеч иши улсиз эмас таммат,
Шифо мўъминға Бисмиллоҳир роҳманир роҳимдандур.

Биҳамдиллоҳ, ҳама мўъминға бу Ҳақни каломидур,
Кими ҳар ишни улсиз қилса, у лиш нотамомидур,
Бўлак хатлар уқбода қавму гўё бу имомидур,
Калиди етти ул дарвозаи доруссаломидур,
Шифо мўъминға Бисмиллоҳир роҳманир роҳимдандур.

Бу хатнинг ҳосили ул мимдандур чашмаи кавсар,
Кўриб бу қудрати азимни Ҳазрат бўлдилар музтар,
Хабибиға шаби меърож маъмур айлади Акбар,
Хаёли кечди ичкайму бу сувдин тонгла мўъминлар?
Шифо мўъминға Бисмиллоҳир роҳманир роҳимдандур.

Эгамнинг номи уч минг, минггидандур ки малакосо,
Мингидин ваҳший, тайру жину баҳрлар бўлур пайдо,
Минги тўрт сафҳада, онлардин афзалдур Каолмуллоҳ,
Бу уч минг отини зикру савоби даржи Бисмиллоҳ,
Шифо мўъминға Бисмиллоҳир роҳманир роҳимдандур.

Муҳаммад сурасида нозир ўлди Ҳақ Таолодин,
Келур жаннат ичида тўрт анҳор арши аълодин,
Учи ширу шаробу ҳам асал, тўртинчиси модин
Ичар жаннатда мўъминлар кириб тонгла бу дарёдин,
Шифо мўъминға Бисмиллоҳир роҳманир роҳимдандур.

Нидо келди ўшал соат Ҳабибим бўлмағил ғамгин,
Ўқиб бу ояти покимни оғоз этса ҳар муъмин,
Солиб жаннатга они бу сувдин бермасам зомин
Бўлай деб ваъда қилди, анда Пайғамбар деди Омин,
Шифо мўъминға Бисмиллоҳир роҳманир роҳимдандур.

Илоҳий, айлагил тоатга мойил жисми жонимни,
Йироқ этма бу оят зикридин коми забонимни,
Шафоат вақти Аҳмад ёнида қил ошёнимни,
Саломат тут кетарда макри шайтондин иймонимни,
Шифо мўъминға Бисмиллоҳир роҳманир роҳимдандур.

Ўшал соатки исрофил амр бирла нағма сур этса,
Тирилиб мурдалар ғавғо била ғавғойи шўр этса,
Ажаб йўқ нори дўзахдин Худо мўъминни дур этса,
Қилиб алтофи беҳад манзилин дорус сурур этса,
Шифо мўъминға Бисмиллоҳир роҳманир роҳимдандур.

Ки ул Маъбуди барҳақдурки ҳеч йўқ ҳамтоси,
Олиму одил Халлоқ дурур донолар доноси,
Эрур жорий ёмону яхшига раҳмат дарёси,
Раҳим оти билан маъмур мўъминларни уқбоси,
Шифо мўъминға Бисмиллоҳир роҳманир роҳимдандур.

Менингдек бўлмағай олам ичра ожизу ганда,
Фиоли номуборак, беамал осий-у шарманда,
Қиёмат шиддатида бўлдилар музтар ҳама банда,
Илоҳий, қил у дам Муҳлисни мўъминлар қаторида,
Шифо мўъминға Бисмиллоҳир роҳманир роҳимдандур.

# НИҲОНДУРМАН

Партав мухаммаси

Ётиб ғору панода дийдаи элдин ниҳондурман,
Жунун туғёнидан тийри маломатга нишондурман,
Бу ҳолат бирла гар афсонаи аҳли замондурман,
Кезарман ишқ шаҳристонида бир карвондурман,
Матои ҳусн олурға жон бериб ҳар су равондурман.

Бошимга уйма офат хирманин қаддимни нун айлаб,
Танимни ёқма ҳижрон ўтиға жисмимни хун айлаб,
Юборма осмони қурбатингдин сарнигун айлаб,
Мани ингратмагил, эй гул бадан жавринг фузун айлаб,
Қизил гул ғунчаси янглиғ саросар бағри қондурман.

Жаҳон айвонида, жанон, санингдек дилрабо йўқдир,
Доғи қўйингда ман янглиғ гирифтори бало йўқдир,
Бу ғунча бўсайи лаълингдин ўзга муддо йўқдир,
Висолинг бодасидин ағёр нўш этмак раво йўқдир,
Бу қийматлик шаробинг ташнаси ман нотавондурман.

Сочинг сарига беркитма юзинг, мандин ниҳон этма
Жафо тиғи била кўксим ёриб бағримни қон этма,
Ёнимга кел, жаҳонни бошима охир замон этма,
Йироқ ўлма кўзимдин, кеча-кундуз ҳеч қаён кетма
Ки, сансиз борҳо сер нолау оҳу фиғондурман.

Эрурсан ҳусни давлат соҳиби аҳли саҳоват бўл,
Дили нозикларинг инжилмасин озода меҳнат бўл,
Жаҳон айвонида ўйнаб-кулиб шоду фароғат бўл,
Манга бас айла озорингни, эй дилбар, саломат бўл,
Тирикман токи кўйинг итларига посбондурман.

Нечук жон офатисан олдинг орому қароримни,
Чиқардинг осмона нолайи дуди шароримни,
Ёқарсан бегуноҳ ишқ ўтига жисми фигоримни,
Сабабсиз қийна бирла тийра қилдинг рўзиғоримни,
Қилурға дод дастингдан тилим йўқ, безабондурман.

Нечук кўнглинг бўлиб қон йиғлатиб кетинг мани ташлаб,
Бузиб кўнглим уйин бедодгарликдин кўзим ёшлаб,
Вафо расмин унутдинг ўзгалар бирла кўнгил хушлаб,
Мани бесар садоқат бирла ишқнинг домиға ташлаб,
Қилиб жавлон жунун даштида расвои жаҳондурман.

Қулоқ қўй, соати тингла сўзим, эй маҳрами асрор,
Мурувватдинмудур бир жонга бермак бунча кўп озор,
Қаландарман сўроғинг бирла ҳолим танг этар ағёр,
Эрурсан дастгирим, тут қўлим, эй кўнгли қаттиғ ёр,
Фироқинг хастасиман ранги рўйим заъфарондурман.

Сўрашгин арзи ҳол эй фитнагар, мафтун ўлонлардин,
Хусусан ман каби кўп ўртаниб дилхун ўлонлардин,
Руҳинг шавқида, эй Лайливашим Мажнун ўлонлардин
Вафо расмин тутиб ол бир хабар маҳзун ўлонлардин,
Тариқи ишқ аро вобасталардин бир нишондурман.

Муқаррар англа жанон ошиғи зоринг, қулинг Партав,
Назокат боғида бир гул эрурсан, булбулинг Партав,
Ризодур ҳар на озоринг етушса бедилинг Партав,
Гирифтори камандин тори зулфинг сумбулинг Партав,
Муҳаббат достони ичра тенгсиз қаҳрамондурман.

## МУСАДДАС

Амири сўзи

Кўзимда ашки гул-гул қон каби чоки жигардандур
Бу меҳнат донаси нахли дили кулфат самардандур
Азал сармоясидин ҳосилин сувди зарардандур
Дегил бу шому кулфат толаи зулмат асардандур
На сандандур на мандандур на чархий ки навардандур
Бу дардисар хумори нашаи жоми қадардандур

Ғами шарин эшитмасликка э дилдор аҳд этдинг
Мусалсал зулфи симун сиймитан рухсор аҳд этдинг
Қилиб кўп нозлар э дилбари эй ёр аҳд этдинг
Агар чандики паймон синдириб бисёр аҳд этдинг
На сандандур на мандандур на чархий ки навардандур
Бу дардисар хумори нашъаи жоми қадардандур

Жунун водийсида ҳоки таним мушти ғубор ўлди
Сиришким қони бирла даштисахро лолазор ўлди
Муҳаббат доғи гул зохир қилиб фасли баҳор ўлди
Бу ким жисми назарим нотавон кўнглим фикор ўлди
На сандандур на мандандур на чархий ки навардандур
Бу дардисар хумори нашаи жоми қадардандур

Сенингдек дилрабога ошуғу зор ўлмайин найлай
Вафо бегона у на ошносан ўлмайин найлай
Гирифтори каманди зулфи пурдоб ўлмайин найлай
Юзинг гулзорини кўрган замон зор ўлмайин найлай
На сандандур на мандандур на чархий ки навардандур
Бу дардисар хумори нашаи жоми қадардандур

Жунун саҳросида мажнун каби оввора бўлмишман,
Кўнгил дардига топмай чора чўғ бечора бўлмишман
Кийикдин менки вахшат даштида сайёра бўлмишман
Мунингдекким маломат ўқларига ёра бўлмишман
На сандандур на мандандур на чархий ки навардандур
Бу дардисар хумори нашаи жоми қадардандур

Фалак давра туну кун ким манга жабри жафо қилди
Танимни бари меҳнат бирла қаддимни дуто қилди
Ғуборимнинг йўлида дахр барбоди паноҳ қилди
Манга ҳар нечаким ул бевафо жабру жафо қилди
На сандандур на мандандур на чархий ки навардандур
Бу дардисар хумори нашаи жоми қадардандур

Фалай айтди манга бегона ўхшарсан дедим йўқ йўқ
Жафо тиғила бағринг пора ўхшарсан дедим йўқ йўқ
Балокаш ошиғи бечора ўхшарсан дедим йўқ йўқ
Жунун дашти аро оввора экансан дедим йўқ йўқ
На сандандур на мандандур на чархий ки навардандур
Бу дардисар хумори нашаи жоми қадардандур

Бу офатларки тегмиш рзғорим ичра кун кундин
Хатодир гар гумон этсам Амири зоти бе чундин
Жаҳонга ҳарна ким келса тегар ул зоти бе чундин
Шикоят қилмағил э ҳаста кўнглим бахти вожундин
На сандандур на мандандур на чархий ки навардандур
Бу дардисар хумори нашаи жоми қадардандур

## ПАРВО АЙЛАСА

Навоий ғазали

Кўнглум ўртансун агар ғайрингға парво айласа
Ҳар кўнгул ҳам ким сенинг шавқингни пайдо айласа

Ҳар киши васлин таманно айласам новмид ўлай
Ҳар киши ҳам ким сенинг васлинг таманно айласа

Ўзгалар ҳуснин тамошо айласам чиқсун кўзим
Ўзга бир кўз ҳамки ҳуснунгни тамошо айласа

Ғайри зикрин ошкора қилса лол ўлсун тилим
Ўзга бир тил ҳамки зикринг ошкоро айласа

Рашкдин жонимға ҳар наргис кўзи бир шўъладир
Боғ аро ногоҳ хиром ул сарви раъно айласа

Офият жонимға етти эй хуш ул муғким мени
Бир қадаҳ бирла харобот ичра расво айласа.

Даҳр шўхиға Навоий сайд бўлма нечаким
Кун узори узра тун зулфин мутарро айласа.

## ҚАДРИНИ

Ҳазиний ғазали

То етим бўлмай киши билмас отани қадрини,
Жони дилдан тарбиёт қилган онани қадрини,
Билмагай ҳеч ким ака бирла-укани қадрини,
Бир неча хешу табору ақробони қадрини,
Ажралиб билгай ака бирла-укани қадрини.

Тан дурустлик лаззатин бемор бўлганлар билур,
Боши ёстиққа етиб абгор бўлганлар билур,
Кўп ётиб фарзандларига зор бўлганлар билур,
Парчайи нон қадрини кўп хор бўлганлар билур,
Қарию амо бўлиб билгай асони қадрини.

Қўлда молинг борида бегоналардан ёр кўп,
Давлатинг кетса агар дилдоридин ағёр кўп,
Суҳбатингга интизор айлар яна безор кўп,
Бошингга тушмас киши билмас яна озор кўп,
Мардуму Фарғона билмас амбиёни қадрини.

Бу жаҳонда баъзиларни айладинг тирноққа зор,
Баъзиларга ҳолиқим фарзанд берди бешумор,
Бирини қилғани сен нечаларни хору зор,
То худолиқ исми зотинг бўлди улдам ошкор,
Бил Хазиний сидқ ила шукру худони қадрини.

## ҲОЖИХОН

Ўктам Давлетов

Бахшида айлади борин мақомға
Таранглаб созлабон торин мақомға
Қул қилди юрагим зорин мақмоға
Ҳамиша тингласам роҳати жоним
Авж ила ноласин ул Ҳожихоним

Маъниға йўғрилган эди боқиши
Оҳанги сеҳрли дилни нақши
Кул бўлсам арзийди ёқар ёқиши
Ҳамиша тингласам роҳати жоним
Авж ила ноласин ул Ҳожихоним

Дардларин дардлари куйдирди ёндим
Гоҳида завқидан мас бўп қувондим
Жонима жонлиғин сездим ишондим
Ҳамиша тингласам роҳати жоним
Авж ила ноласин ул Ҳожихоним

Сувора мақомдан бошқа ўйи йўқ
Ғазалнинг ичидан яхши уйи йўқ
Вужудинг тирнамас қўшиқ куйи йўқ
Ҳамиша тингласам роҳати жоним
Авж ила ноласин ул Ҳожихоним

Фалакни чок этди ҳар дам каж-ҳанги
Айтишса Боғибек, қаландар банги
Дунёда топилмас изласанг данги
Ҳамиша тингласам роҳати жоним
Авж ила ноласин ул Ҳожихоним

# ONA SUVORIY

Ogahiy murabba'sini
muxammasga aylantirganlar:
Mullo Ismoyil, Siddiq Maxsum




lar - zon, ko‘n-gil no - lon er - kan til
Bo-qib ay - ni ka-ram - din ush-bu ho-
li - ma ta - rah - hum qil Vi-so - ling ro - ha - tin man
rit. a tempo
no - ta - von mah - zun - ga lo - zim bil Di - lu jo - nim
rit. a tempo
sen-ga qur - bon, qur - bo - nu di - lu jo-nim
Tu-shib ma-qul ko‘ng-li - ga
ra-qi - bing har - zi guf - to - ri Ha-mi - sha qas - di no-zik
xo - ti- ring - ning ko‘ng-lim o - zo - ri Za-mo - ni tar -
-ki o-zor et men-ga luft ay - la-bon bo - ri Ni-go -
hing mar - ha-mat qil men shi-kas - ta o - shi-g‘ing so - ri
rit.
Di - lu jo - nim sen-ga qur - bon, qur - bo - nu di - lu


a tempo
jo - nim
O
Ka-ram rax-shi i-no - ni man sa-ri bir
dam ev-ur - mas-san Xi-zir - dek bo - shim uz - ra
maq-da-ming har - giz ye-tur - mas-san
O‘ lar - ga yet - mi-sham dar - dim che-kib ho - lim-ni so‘r -
mas-san Ne vaj - din bil - ma-dim men xas-ta - ni g‘ay
ri-cha bil - mas - san Di - lu jo - nim sen-ga qur - bon, qur
- bo - nu di - lu jo - nim
Qi-lib ko‘p va' - da - lar ba - ri - ga qil - mas-
san va-fo har-giz Va - fo man-din ti - lar-san tatk qil-
- mas - san ja-fo har - giz


Da-mi ta'-sir qil-mas no-la - yi zo-rim san-ga
har - giz Ta g'o - ful kas - ra-ti - din rahm qil - mas -
rit. a tempo
san man ga har - giz Di - lu jo - nim sen-ga qur - bon, qur-
bo - nu di - lu jo - nim
Ye-tar mung- lig' bo-shim-g'a har na - fas yuz-ming ba - lo
san - dan Va le - kin zo - hir o'l - mas lah-za-i meh-
ru va - fo san-din Qa-chon - g'a tiy-ra chek- kay - man ja-fo
uz - ra ja - fo san - din Da-mi dil-shod e-mas-man
meh-ri yo'q - din gul- ruh - o san-din Di - lu jo-nim sen-ga
qur - bon, qur - bo - nu di - lu jo - nim Va-fo san-din
ti - lab ku - ying a - ro bis - yor yig' - lar - man Fi-g'o -


rit. a tempo
nim ti - g'i-din bag'-rim ti - lib af - gor yig' - lar-man
o' yib yuz os - to-nang
tup-ro g'i - ga zor yig' - lar - man Ke-cha - lar vah-mi
haj- ring - da bo' - lib be - dor yig' - lar - man
Di-lu jo-nim sen-ga
qur - bon, qur - bo - nu di - lu jo - nim
Rubato
dos-ki ri - pa-no ye
tempo I
Bu-kun jo-nim ha-zi - nim
tempo I
rit.
bo - da - yi lut - fing bi - la shod et Shi-kas - ta xo -



rit.
tempo I
-ti - rim vay - ro - ni-ni ma' - mu - ri o - bod et Bu qa-
tempo I
ri qul - ni ya' - ni dar - du g‘am ban - di - din o - zod et
rit.
Ka-ram ab - vo - bin o - chib fur - qa ting ran - ji - ni bar -
tempo I
bod et oy - - - - - Di-lu jo-nim
rit.
gliss.
a tempo
sen - ga qur - bon, qur - bo - nu di-lu jo - nim
O‘ tib um-rim du - o - go‘ -ying
ja - no - bi charx so - ying - man Yo‘ ling - da yuz ni - yo - zu
rit.
a tempo
ajz bir - la xo - ki po - ying - man Ta-rah - hum ay -
-la-gil ho - lim - ga-kim mis - kin ga-do - ying-man Ta- zar -
-ru bir - la ro‘ - zi - shab sa-ni so - hib du-o - ying - man
o - - - - - y Di-lu jo - nim sen-ga


rit. a tempo
qur - bon, qur - bo - nu di-lu jo - nim
Ti-lab
lut- fing - ni mas - kan go‘ sha-yi ku - ying-ni to qil - dim
I - to - bing o‘ - ti - g‘a yuz-ming u - qu - bat bir - la yo
qil - dim
Bi-lol - may-man sen-ga man shum to-
- le ne xa-to qil-dim So‘ rib xo - ki po-ying - ni
ko‘z-la rim - ga to‘-ti-yo qil-dim
oy
rit. gliss.
Di-lu jo-nim sen-ga qur - bon, qur - bo - nu di - lu




Jamoling shavqida yoqdi falakni o'lig' afg'onim,
Bori yer yuzini to'fonga berdi chashmi giryonim,
Eshit dodimni endi darding o'ldi, qosidi jonim,
Xalos o'lsam baloyi furqatingdin yo'qdur armonim,
Dilu jonim senga qurbon, qurbonu dilu jonim.

O'tibdur iltifoting orzusi birla oyu-yil,
Ko'zim giryon, tanim larzon, ko'ngil nolon erkan til,
Boqib ayni karamdin ushbu holimg'a tarahhum qil,
Visoling rohatin men notavon mahzunga lozim bil,
Dilu jonim senga qurbon, qurbonu dilu jonim.

Tushib ma'qul ko'ngliga raqibing harzi guftori,
Hamisha qasdi nozik xotiringning ko'nglim ozori,
Zamoni tarki ozor et menga luft aylabon bori,
Nigohing marhamat qil men shikasta oshig'ing sori,
Dilu jonim senga qurbon, qurbonu dilu jonim.

Karam raxshi inoni man sari bir dam evurmassan,
Hizrdek boshim uzra maqdaming hargiz yeturmassan,
O'larga yetmisham dardim chekib holimni so'rmassan,
Ne vajdin bilmadim men xastani g'ayricha bilmassan,
Dilu jonim senga qurbon, qurbonu dilu jonim.

Qilib ko'p va'dalar bariga qilmassan vafo hargiz,
Vafo mandin tilarsan tark qilmassan jafo hargiz,

Dami ta’sir qilmas nolayi zorim sanga hargiz,
Dilu jonim senga qurbon, qurbonu dilu jonim.

Yetar munglig‘ boshimg‘a har nafas yuz-ming balo sandin,
Va lekin zohir o‘lmas lahzayi mehru vafo sandin,
Qachong‘a tiyra chekkayman jafo uzra jafo sandin,
Dami dilshod emasman mehri yo‘qdin gulruho sandin,
Dilu jonim senga qurbon, qurbonu dilu jonim.

Vafo sandin tilab kuying aro bisyor yig‘larman,
Fig‘onim tig‘idin bag‘rim tilib afgor yig‘larman,
Qo‘yib yuz ostonang tufrog‘iga zor yig‘larman,
Kechalar vahmi hajringda bo‘lib bedor yig‘larman,
Dilu jonim senga qurbon, qurbonu dilu jonim.

Bukun jonim hazinim bodayi lutfing bila shod et,
Shikasta xotirim vayronini ma’muri obod et,
Bu qarri qulni ya’ni dardu g‘am bandidin ozod et,
Karam abvobin ochib furqating ranjini barbod et,
Dilu jonim senga qurbon, qurbonu dilu jonim.

O‘tib umrim duogo‘ying janobi charx soyingman,
Yo‘lingda yuz niyozu ajz birla xoki poyingman,
Tarahhum aylagil holimgakim miskin gadoyingman,
Tazarru birla ro‘zishab sani sohib duoyingman,
Dilu jonim senga qurbon, qurbonu dilu jonim.

Tilab lutfingni maskan go‘shayi kuyingni to qildim,
Itobing o‘tig‘a yuz-ming uqubat birla yoqildim,
Bilolmayman senga man shum tole ne xato qildim,
Surib xoki poyingni ko‘zlarimg‘a to‘tiyo qildim,
Dilu jonim senga qurbon, qurbonu dilu jonim.

Muruvvat aylakim aftodayi xoki rahingdurman,
G‘ulomi ostoni jabhasoyi dargohingdurman,
Qarilig‘ dardidin pajmurda bo‘lg‘on Ogahiyingdurman,
Kamina xonaqolig‘ oshig‘I Ismoyilingdurman,
Dilu jonim senga qurbon, qurbonu dilu jonim.

# YAKPARDA SUVORIY

Muqimiy g‘azali
Partav muxammasi

**Jadal**




Ni-go - ro poyi- mo - ling har di - lu jon
o‘l - di bir man - mu Yu-zing shav-qi - da bul bul zo - ru no-
- lon o‘l - di bir man - mu Ni-go - hing sad - qa - si chash mi
g‘i zo - lon o‘l - di bir man - mu A-si - ri chash-ming oh - u
yi bi - yo - bon o‘l - di bir man - mu Ko‘ rib o - yi -
-na-lar hus - ning- ga hay - ron o‘l - di bir man - mu
Yu-rar - san bor - ho ishq ah - li - ni o‘z-
din yi-roq ay - lab Ja-fo ti - g‘i bi - lan el ko‘k-si - ni
dog‘ uz - ra dog‘ ay - lab Ta-fak - kur qil o‘ zing jon-lar
ne-chuk tur - sin fa-rog‘ ay - lab Ruh och - ding par - da-din ul


sub-hi-kim bir say-ri bog‘ ay-lab Qo-lib xij-lat-
-da gul cho-ki gi-ri - bon o‘l-di bir man-mu
Ma-qo-mi hus-ni av-ji
uz-ra jo - non jo-yi a'-lo-da La-bing us-ti - da be-jo
nuq-ta-lar-e bo‘l-mish-dir a-mo-da Yu-rak-lar rah-na
top-g‘ay ro‘-ba ro‘ - ying bo‘l-g‘on as-no-da Ku-yar
jon-lar na tan-ho ish-qing o‘-ti - din-ki sah-ro-da
Tu-shib bag‘ ri - ga yak-sar lo-la so‘ - zon o‘l-di bir
man-mu
Bo‘-lur jon o‘y - na-moq hus - - -


ning - ni bo - zo - - ri - da ash - g‘o - ling
Ra-vo Yu- suf - Zu-lay-ho vaq-ti sav - do bo‘l-sa dal-
lo - ling Ja-hon naq-di - na-sin man - sux e-tar qadr
i - la iq - bo - ling Na yol - g‘iz-man a - si - ri hal- qa - yi
zul - fi xat-u ho - ling La-bing - ga ban - da ham la'- li
Ba- bax - shon o‘l-di bir man-mu
Tu-tar ish-qing yo‘ lin har lah-za hij - ron
an-g‘a g‘ayb er - mas Ju - nun dash-ti - da mas - kan tut-mo g‘i -
- ga shak-ki rayb ber - mas
Ta-nil - mas o - shi - g‘im deb ul ki- shi - kim


chok jayb ber - mas Ku-ying - da tel - ba- lar - dek oh u-rib
yur - gan-ga ayb er - mas So-ching - dan sun - bu-li ray - hon
pa - ri - shon o'l-di bir man - mu
Ra-mu - zu osh - no - liq - la zu-hur et - ting ta-lat -
tup - lar Ko'n-gil gan - ji - na-si - din bar- ta - raf bo'l
g'ay ta kal - lum-lar
Ni-qob och - gach yu-zing - din ah - li dil ay - lab ta - bas-
sum-lar Ko' -rib ram-zu ta- bas - sum bu e-kan deb
rit.
a tempo
hus-ni yu - suf-lar Gi-rif - to - ri o' shal cho - ki gi-ri -
- bon o'l-di bir man - mu




Nigoro poyimoling har dilu jon o‘ldi bir manmu,
Yuzing shavqida bulbul zoru nolon o‘ldi bir manmu,
Nigohing sadqasi chashmi g‘izolon o‘ldi bir manmu,
Asiri chashming ohuyi biyobon o‘ldi bir manmu,
Ko‘rib oyinalar husningga hayron o‘ldi bir manmu,

Yurarsan borho ishq ahlini o‘zdin yiroq aylab,
Jafo tig‘i bilan el ko‘ksini dog‘ uzra dog‘ aylab,
Tafakkur qil o‘zing jonlar nechuk tursin farog‘ aylab,
Ruh ochding pardadin ul subhikim bir sayri bog‘ aylab,
Qolib xijlatda gul choki giribon o‘ldi bir manmu.

Maqomi husni avji uzra janon joyi a'loda,
Labing ustida bejo nuqtalat bo'lmishdir amoda,
Yuraklar rahna topgay ro'baro'ying bo'lg'on asnoda,
Kuyar jonlar na tanho ishqing o'tidinki sahroda,
Tushib bag'riga yaksar lola so'zon o'ldi bir manmu.

Bo'lur jon o'ynamoq husningni bozorida ashg'oling,
Ravo Yusuf-Zulayho vaqti savdo bo'lsa dalloling,
Jahon naqdinasin mansux etar qadr ila iqboling,
Na yolg'izman asiri halqai zulfi xatu holing,
Labingga banda ham la'li Badaxshon o'ldi bir manmu.

Tutar ishqing yo'lin har lahza hijron ang'a g'ayb ermas,
Junun dashtida maskan tutmog'iga shakki rayb bermas,
Tanilmas oshig'im deb ul kishi kim chok jayb bermas,
